

"ТАСДИҚЛАНГАН"
"Капиталбанк" АТБ
Молия қўмитаси томонидан
2026 йил "23" июн
(№ 22/26 - сонли баённома)

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА КОМПЛЕКС БАНК ХИЗМАТЛАРИ
КўРСАТИШ
ҚОИДАЛАРИ

(21.12.2019 йилдан бери амал қилган 1-сонли таҳрир ўрнига,
2026 йил «23» июндан бошлаб кучга кирувчи 2-сонли таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ушбу тахрирдаги АТБ «Капиталбанк»да жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатишнинг мазкур қоидалари (бундан кейин - «Қоидалар») Мижозга **АКБ «Капиталбанк»да (бундан кейин – «Банк»)** Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Қоидалар ва уларга Иловаларга мувофиқ комплекс хизматлар кўрсатиш, шунингдек Мижоз томонидан банк хизматларидан фойдаланиш умумий қоидалари ва тартибини белгилаб беради.

1.2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

Абонент қурилмаси – Мижознинг КБХШ доирасида ўзаро алоқага киришиш учун электрон алоқа (ахборот узатиш) тармоқларига уланадиган шахсий компьюттери, смартфонни (Мобил қурилмаси) ёки бошқа қурилмаси;

Авторизация – Операцияни ўтказиш учун сўров таркибида бўлган Операция ўтказишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ахборот хавфсизлиги унсурларини текшириш орқали, Карта ва/ёки Ҳисобварақ ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда ёки фойдаланмасдан (Бир маротабалик операциялар) Операция ўтказиш учун Банк / Процессинг маркази томонидан рухсат бериш;

Электрон почта манзили – Мижоз томонидан Ариза-анкета тўлдириш жараёнида кўрсатилган, Банкдан хабарлар ва Текширув кодини олиш учун ишлатиладиган электрон почта. КБХШ доирасида, бир давр мобайнида Мижозда фақат битта электрон почта манзили бўлиши мумкин;

Аутентификация – Логин, пароль ёки Текширув кодини тўғри киритиш ва/ёки биометрик маълумотлардан фойдаланган ҳолда юз кўриниши ёки бармоқ изларидан таниш технологияси текширувидан муваффақиятли ўтиш ва/ёки рухсат берувучи кодни киритиш, ва/ёки SMS/PUSH-хабарномасидаги Текширув кодини ва/ёки Карта PIN-кодини киритиш натижасида МБХдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи текширув жараёни. Аутентификациянинг ижобий натижаси барча ҳаракатлар Мижоз томонидан шахсан амалга ошириладиганлигини тасдиқлайди, шунингдек қоғоз шаклидаги ҳужжатга шахсан қўйилган имзога тенг сифатида тан олади, ва шу билан бирга Мижоз муваффақиятли Аутентификациядан сўнг амалга оширилган барча операциялар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади;

Банк маҳсулоти – Мижознинг муайян эҳтиёжларини қондиришга қаратилган алоҳида банк хизмати, ёки аввалдан белгилаб олинган тавсифлар (параметрлар) билан амалга ошириладиган, банк хизматларининг ва қўшимча ҳаракатларнинг функциявий тартибланган жамланмаси (масалан, Карта очиш, Депозит жойлаштириш, Кредит тақдим этиш ва ҳ.к.) бўлиб, Банк томонидан фақатгина Мижоз Идентификациядан ва/ёки Рақамли идентификациядан ўтганидан сўнг тақдим этилади;

Бенефициар мулкдор – бевосита ёки билвосита (учинчи шахслар орқали), шу жумладан Мижоз билан тузилган шартнома асосида, Мижоз томонидан қабул қилинадиган қарорларга сезиларли таъсир кўрсатиш, Мижознинг даромадлари ҳажмига таъсир кўрсатиш учун ўз ваколатларини ишлата олиш, Мижоз томонидан битимларни (шу жумладан, таваккалча эга бўлган битимлар – кредит, кафолат бериш ва ҳ.к.) ва молиявий операцияларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилишига сезиларли таъсир кўрсатиш ҳуқуқига (имкониятига) эга бўлган жисмоний шахс. Мижоз – жисмоний шахснинг Бенефициар мулкдори бўлиб ушбу шахснинг ўзи ҳисобланади, бундан Бенефициар мулкдор бошқа жисмоний шахс деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган ҳолатлар мустасно;

Блоклаш (блокировка) – Ҳисобварақ бўйича ва/ёки Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишга тўлиқ ёки вақтинчалик таъқиқ;

Верификация – Банк томонидан Мижозни лозим даражада текширишни амалга ошириш мақсадида аввал Идентификациядан ўтган ва Банкка хизматлар олиш учун қайта мурожаат қилган Мижозга оид Амалдаги қонунчиликда белгиланган маълумотларни аниқлаш, ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилигини, шунингдек уларнинг Мижозни дастлабки Идентификация қилиш вақтида Банк томонидан олинган маълумотларга мослигини тасдиқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. Мижозни верификация қилиш ШТХнинг асли / ШТХнинг тегишли тартибда тасдиқланган нусхалари ёки Электрон ШТХ асосида амалга

оширилади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижоз томонидан тақдим этиладиган ШТХлар Банкка тақдим этилган санада амал қилаётган бўлиши шарт;

Дам олиш кунлари – Амалдаги қонунчиликка мувофиқ иш куни бўлмаган кунлар ва байрам кунлари;

Амалдаги қонунчилик – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, айнан олганда эса қонунлар, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ва қарорлари (фармойишлари, хатлари), ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимлар. Бунда Мижоз Амалдаги қонунчилик талабларини ижро қилиш учун қабул қилинган Банк ички қоидалари (ҳужжатлари) билан розилигини билдиради ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олади;

Асоссиз бойлик орттириш – бу қонуний асосларсиз (шартнома, қонун ёки битимсиз) бошқа шахс ҳисобидан мол-мулкни (шу жумладан пулни) сотиб олиш ёки тежашдир.

МБХ - Банкнинг ваколатли ходими иштирокида МБХ сервисларини ишлатган ҳолда Банк томонидан Мижозга комплекс хизматларни тақдим этиш орқали акс этган масофавий банк хизматларини кўрсатиш;

КБХШ – Мижознинг мазкур Қоидаларга қўшилиши орқали Мижоз ва Банк ўртасида тузиладиган Комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси бўлиб, унда МБХ доирасида Шартномалар тузиш ва Мижозларга хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби келишиб олинади. Мазкур Қоидалар ва уларнинг Иловалари, Банк Тарифлари, Оммавий оферта / Қўшилиш шартномаси, шунингдек Мижоз томонидан тегишли тартибда тўлдирилган Ариза-Анкета, биргаликда Мижоз ва Банк ўртасида тузилган КБХШ ҳисобланади;

Шартнома – Капиталбанк ва Мижоз ўртасида, мазкур Қоидалар ва Қоидаларнинг тегишли иловаларида белгиланган тартиб ва шартларда КБХШ доирасида тузиладиган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида ва электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда битимни оддий ёзма шаклда амалга ошириш талабини қаноатлантирадиган, битим тузаётган шахснинг жисмоний иштирокида (шахсларнинг ўзаро иштирокида) амалга ошириладиган битим билан тенг кучдаги юридик оқибатларга олиб келадиган Банк маҳсулотини тақдим этиш шартномаси. Бундай Шартномалар, ҳаракатлар қоғоз шаклида тузилган ҳужжатлар билан тасдиқланмаган деган асос билангина низоли деб топилиши мумкин эмас;

ШТХ – шахсни тасдиқловчи ҳужжат, айнан эса: Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси, ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, ёки янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, ёки 16 ёшга тўлмаган фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, ёки ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан берилган шахсий гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномалари (ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий гувоҳномалари бундан мустасно), ёки хорижий фуқаронинг паспорти, ёки хорижий фуқаронинг / фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси (ёки хорижий фуқаронинг / фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида берилган идентификация ID-картаси). Банк Мижоз лозим даражада текширишни фақатгина ШТХ асли / ШТХ тегишли тартибда тасдиқланган нусхалари / Электрон ШТХ асосида амалга оширади. Мижоз томонидан Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этиладиган ШТХлар Банкка тақдим этилган санада амал қилаётган бўлиши шарт;

Мавжуд пул маблағлари – Ҳисобварақ/Картадаги Мижоз Операцияларни амалга ошириши мумкин бўлган доирада мавжуд пул маблағлари қолдиғи. Мавжуд пул маблағлари, Мижознинг Ҳисобварақ/Картадаги ўз маблағлари ва ишлатилмаган овердрафт лимити йиғиндисига тенг бўлиб, ундан Картада амалга оширилган Операцияларнинг авторизация қилинган миқдорлари айирилади;

Ягона филиал – АТБ “Капиталбанк” Ягона филиали;

Қарздорлик – Мижоз томонидан КБХШ ва Шартнома(лар) / Мижоз ва Банк ўртасида тузилган бошқа шартномалар бўйича Банкка тўланиши лозим бўлган барча пул маблағлари, шу жумладан, кредитнинг сўндирилмаган қисми, ҳисобланган, аммо тўланмаган фоизлар, неустойка ва тегишли Шартномада/ бошқа шартномаларда, амалдаги қонунчилик меъёрларида

назарда тутилган бошқа тўловлар, шунингдек Мижозга хизмат кўрсатиш давомида юзага келган Зарарлар суммаси;

Ариза – Банк томонидан белгиланган шаклда тузилган ва Мижоз томонидан имзоланган электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳужжат, банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартноманинг муҳим шартлари кўрсатилган ариза. Ариза банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. МБХ орқали бериладиган ариза Мижоз томонидан МБХ интерфейсида операцияни тасдиқлаш бўйича тегишли тугмачани босиш ёрдамида имзоланиши лозим;

Идентификация – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда, ШТХ асли ва/ёки тегишли тартибда тасдиқланган нусхалари ёхуд Электрон ШТХ асосида Мижоз ҳақида маълумотларни аниқлаш, ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашга қаратилган Банкнинг чора-тадбирлари мажмуи. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижоз томонидан тақдим қилинадиган ШТХлар Банкка тақдим қилинган санага ҳақиқий бўлиши лозим;

Ахборот операцияси – Мижоз Аутентификация қилинганидан сўнг Банк томонидан Мижозга Ҳисобварақлар/Карталарнинг ҳолати ва улардан фойдаланилиши, Ҳисобварақлар/Карталар бўйича ўтказилган операциялар, шунингдек, Ҳисобварақлар/Карталар айланмаси ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш бўйича операция ва Молиявий операциялар ҳисобланмайдиган бошқа операциялар;

Карта – пул маблағлари билан нақд пулсиз ҳисоб китобларда восита ҳисобланадиган ҳамда Махсус карта ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга оширишга мўлжалланган, Процессинг марказига мансуб ҳар қандай банк картаси. Картадан фойдаланган ҳолда ҳисоб китоблар амалдаги қонунчилик, мазкур Қоидалар ва Карта тегишли бўлган Процессинг маркази қоидаларига асосан амалга оширилади. Агар Қоидаларда ва Шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Қоидалар матнида Карта сифатида АТБ “Капиталбанк” ёки Ўзбекистон Республикасининг исталган бошқа тижорат банки томонидан эмиссия қилинган Карта тушунилиши мумкин. Қоидаларнинг иловаларида “Карта” атамасига алоҳида таъриф берилади.

МБХШ ва Шартномаларнинг ижро этилиши мақсадларида Карта сифатида қуйидагилар тушунилиши мумкин:

- **Пластик/металл карта** – Шартномада кўрсатилган ХТТ (хақларо тўлов тизимлари) ва/ёки МТТ (миллий тўлов тизимлари)дан бирининг қоидаларига мувофиқ эмиссия қилинган банк тўлов картаси (шу жумладан тўлов стикери) бўлиб, Банкоматлар, терминаллар ва/ёки бошқа қурилмалар орқали Мижознинг махсус карта ҳисобварағидаги пул маблағларидан фойдаланиш учун жисмоний восита ҳисобланади ҳамда Мижозга тўловларни амалга ошириш, нақд пул маблағларини олиш, валюта айирбошлаш ва/ёки Карта эмитенти томонидан белгиланган шартлар асосида бошқа операцияларни бажариш имконини беради;

- **Виртуал карта** – ХТТ ва/ёки МТТларидан бирининг қоидаларига мувофиқ эмиссия қилинган, Мобил банк орқали онлайн чиқариладиган ва ишлайдиган банк тўлов картаси бўлиб, интернет тармоғида ва/ёки QR-кодлар ёрдамида тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган, ўзида интернет сайтларида тўловларни амалга ошириш учун зарур бўлган банк картаси реквизитлари маълумотларини акс эттирган. Виртуал карта фақат электрон шаклда, жисмоний ташувчисиз чиқарилади;

- **Рақамли карта** – Токен чиқарилган виртуал карта бўлиб, Токендан фойдаланган ҳолда NFC контактсиз тўлов йўли билан POS-терминаллар, Банкоматлар ва бошқа қурилмаларда ҳам операцияларни амалга ошириш имконини беради.

Мижоз – Идентификациядан ёки Рақамли идентификациядан ўтган ва Банк билан КБХШ тузган, Қоидаларда белгиланган ҳолларда эса банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисида алоҳида Шартнома(лар) тузган жисмоний шахс (резидент ёки норизедент), агар Қоидалар ва Шартнома билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса;

Калит сўз - Мижоз томонидан МБХнинг тегишли интерфейсида Паролни тиклаш учун фойдаланиладиган сўз/сўз бирикмаси. Калит сўздан фойдаланган ҳолда Мижоз томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар баҳслашилмайди ва Мижознинг шахсан ўзи томонидан

амалга оширилган деб эътироф этилади ҳамда Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ шахсан қўйилган имзодан фойдаланиш билан тенг юридик оқибатларни келтириб чиқаради;

Компрометация (обрўсизланиш) – Мижоз томонидан Фойдаланиш воситалари ёки Аутентификацияни амалга ошириш имконини берувчи бошқа маълумотларнинг йўқотилиши ёки йўқотилганлиги ҳақидаги гумоннинг юзага келиши ва/ёки учинчи шахслар Фойдаланиш воситаларига ёки Аутентификацияни амалга ошириш имконини берувчи бошқа маълумотларга кириш имкониятига эга бўлганлиги ҳақидаги гумоннинг юзага келиши;

Кредит – кредит шартномаси, онлайн-микроқарз шартномаси, кредит картаси шартномаси ва Банкнинг кредит маҳсулотларини тақдим этишга оид бошқа шартномалар шартларига мувофиқ Банк томонидан Мижозга нақд ёки нақд пулсиз шаклда тақдим этиладиган пул маблағлари;

Кредит картаси / Бўлиб-бўлиб тўлаш картаси – операциялар бўйича ҳисоб-китоблар Банк томонидан Мижозга белгиланган лимит доирасида ва кредит маҳсулоти шартларига мувофиқ тақдим этилган пул маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган банк тўлов картаси;

Кредит лимити – Банк томонидан белгиланадиган муддатга муайян кредит маҳсулоти доирасида Мижозга таклиф/тақдим қилиниши мумкин бўлган пул маблағларининг энг юқори (максимал) миқдори. Кредит лимити Банк томонидан Мижознинг тўлов қобилиятини, шу жумладан унинг даромадлари ва/ёки харажатларини, жорий қарз юкини, кредит тарихи маълумотларини ҳамда бошқа мавжуд манбаларни ўрганиш асосида, Банк маҳсулотлари бўйича Мижоз учун шахсий таклифни шакллантириш мақсадида ёки Мижознинг мурожаатига асосан мумкин;

Шахсий кабинет – Мижознинг Мобил банкдаги кабинети бўлиб, унга кириш (Аутентификация ўтказилганидан кейин) МБХдан фойдаланиш имконини беради;

Логин (фойдаланувчи номи) – Мобил банкни рўйхага олиш учун мобил телефон рақами бўлиб, кейинчалик Мижозга кўп марта МБХ хизматларига киришга рухсат беришда Мижозни Аутентификация қилиш мақсадида фойдаланилади;

Мобил банк – МБХ хизмати бўлиб, Мобил қурилмага (мобил телефон, смартфон, планшет ва ш.к.) олдиндан ўрнатилган мобил иловадан фойдаланган ҳолда Мижозга ваколатли банк ходимининг иштирокисиз, Аутентификация ўтказилганидан сўнг унинг номига очилган барча Ҳисобварақ ва Карталар бўйича маълумот олиш, Ариза ва/ёки Топшириқномалар бериш, шу жумладан, Банк маҳсулотларини харид қилиш ва Бир маротабалик операцияларни амалга ошириш, шунингдек банк хизматлари тўғрисида ахборот маълумотларини ва Ахборот операциясини олиш имконини беради;

Мобил телефон рақами – КБХШ тузиш пайтида Ариза-Анкетанинг “Мобиль телефон” қаторида кўрсатилган, Банк мижозлари маълумотлар базасида рўйхатга олинган мобил телефон (уяли алоқа) рақами. КБХШ доирасида бир вақтнинг ўзида Мижозда фақатгина битта, Банк билан ахборот ва шартномавий ўзаро алоқа учун асосий алоқа рақами сифатида кўрсатилган Мобил телефон рақами бўлиши мумкин;

Операция – Амалдаги қонунчилик, Қоидалар, Банк тарифлари (зарурат бўлса) ва Тўлов тизимлар қоидалари (зарурат бўлса) га асосан ўтказиладиган, пул маблағларини Ҳисобвараққа / Ҳисобварақдан, ёки Картага/ Картадан кирим қилиш / ўчириш ёки ўтказишга, нақд пул маблағлари беришга ва ш.к.ларга олиб келувчи ҳар қандай операция;

Амалиёт куни – банк иш кунининг (Банк томонидан ҳисоб-китоб операциялари амалга ошириладиган ва мижозларга хизмат кўрсатиладиган очиқ балансли иш куни) бир қисми бўлиб, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақтни билдиради;

Ташкилот – Банк билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича агентлик (воситачилик) шартномасини тузган ҳамда Картани етказиб бериш вақтида Банк номидан Мижозни юзма-юз идентификация қилишни амалга оширувчи ташкилот;

Банк офиси – Ягона филиалнинг ҳар қандай бўлинмаларидан бири, шу жумладан унинг смартфонлари, минибанклари, банк хизматлари марказлари ва ш.к. Банк офисларининг рўйхати Банк Сайтида, Банк офисларида ва МБХда жойлаштирилган;

Парол – Мижозни Аутентификация қилиш жараёнини сўзсиз ўтказиш имкониятини берувчи, Мижозга бириктирилган Логин билан боғланган рақамли ва ҳарфли белгиларнинг

кетма-кетлиги. Парол Мижоз томонидан Мобил банкда рўйхатдан ўтишда мустақил равишда ўрнатилади;

Ҳамкор – КБХШ ва Шартномалар жросини таъминлаш мақсадида, Ҳамкор деганда қўйидагилар тушунилади:

а) Банк билан Ўзаро идентификация қилиш шартномасини тузган ташкилот;

б) Банк билан бир банк холдинги таркибига кирувчи шахслар / Банкнинг аффилиланган шахслари, шунингдек Банк билан шартномавий (ҳамкорлик) муносабатларига эга бўлган компаниялар (ҳамкор-банклар, аудиторлар, суғурталовчилар, телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари, транспорт компаниялари, темир йўл ва авиакомпаниялар, консалтинг ташкилотлари, баҳоловчи ташкилотлар, супермаркетлар, ресторанлар ва бошқа хусусий ҳамда давлат ташкилотлари, идоралар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси бўлган компаниялар ва бошқалар). Банкнинг Ҳамкорлари ҳақидаги, жумладан лояллик (содиқлик) дастурларида иштирок этишига оид тўлиқ ва долзарб маълумотлар Банкнинг веб-сайтида жойлаштирилади;

Шахсий маълумотлар – Мижозга жисмоний шахс сифатида тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имконини берувчи ҳар қандай маълумотлар, шу жумладан: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили, биометрик маълумотлари, даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда КБХШ ва бошқа шартномаларни бажариш жараёнида Мижоз томонидан Банкка тақдим этилган ёки Банк томонидан олинган бошқа маълумотлар;

ПИН-код – Банк/Процессинг маркази томонидан ҳар бир Картага бириктириладиган ёки Мижоз томонидан мустақил равишда МБХ тармоқлари орқали ўрнатиладиган рақамли шахсий идентификация рақами бўлиб, Банкматлар, терминаллар ва бошқа қурилмаларда Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишда Мижозни идентификация қилиш учун хизмат қилади, шунингдек Карта ҳисобварағида ҳисобга олинган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлайди, топшириқ Карта эгаси томонидан берилганлигини тасдиқлайди ҳамда Картада сақланаётган маълумотлар учинчи шахсларга ошкор бўлишини чеклайди. ПИН-код махфий маълумот ҳисобланади ва сир сақланиши лозим. ПИН-кодни белгилаш усули Банк ва/ёки Процессинг маркази томонидан белгиланади. Мижоз томонидан ПИН-коддан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча ҳаракатлар баҳслашилмайди ва Мижознинг шахсан ўзи томонидан амалга оширилган деб эътироф этилади ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ шахсан қўйилган имзодан фойдаланиш билан тенг юридик оқибатларни келтириб чиқаради;

Тўлов тизими – Visa International ва / ёки Uzcard EMV ва/ёки HUMOCARD / Хумо ва/ёки Mastercard Inc. Ва/ёки Unionpay ва ш. Тизимларнинг исталган бири;

Халқаро тўлов тизими (ХТТ) - Visa, Mastercard ва UnionPay тўлов тизимлари ва бошқалар;

Миллий тўлов тизими (МТТ) - Нумо ва Uzcard тўлов тизимлари;

Рекуррент тўловга обуна – Мижознинг олдиндан берилган розилиги асосида Картани мерчантга (савдо-хизмат кўрсатиш ташкилотига) /Таъминотчига тақдим этмасдан амалга ошириладиган, Картадан белгиланган маблағни мунтазам (даврий) тарзда ҳисобдан чиқариш бўлиб, бунда Картанинг ҳисоб маълумотлари мерчантда/Таъминотчида сақланади;

Тасдиқлаш ойнаси – МБХдаги интерфейс бўлиб, унинг воситасида Мижоз Шартноманинг барча муҳим шартлари ва Банк Тарифларига розилигини тасдиқлайди, шунингдек бу тасдиқ Мижознинг ушбу Қоидаларга иловада келтирилган, Шартноманинг умумий шартларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдиради. Мижоз томонидан Тасдиқлаш ойнасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча ҳаракатлар низолашилиши/баҳслашилиши мумкин эмас ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Мижознинг шахсан ўзи томонидан амалга оширилган деб эътироф этилади ва шахсан қўли билан қўйилган имзодан фойдаланиш билан тенг юридик оқибатларни келтириб чиқаради;

Топшириқнома – Банкка МБХ воситасида ёки Банк офисида бериладиган электрон ёки ёзма шаклдаги ҳужжат бўлиб, Топшириқномада белгиланган суммани Ҳисобварақдан/Картадан олувчининг Ҳисобварағига / Картасига ўтказиб бериш, шунингдек, Банк маҳсулотларини харид

қилиш ва бошқа Бир маротабалик операцияларни амалга ошириш бўйича топшириғини назарда тутати. МБХ воситасида бериладиган топшириқнома Мижоз томонидан МБХнинг тегишли интерфейсидаги Тасдиқлаш ойнасида Операцияни тасдиқлаш ва/ёки Текширув коди (техник имконият мавжуд бўлганда) ёрдамида имзоланиши керак;

Таъминотчи – ўзи томонидан реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) ва/ёки рақамли электрон контент учун Ҳисобварақ/Карта орқали электрон тўловларни техник ва ҳуқуқий қабул қилиш имкониятига эга ҳўжалик юритувчи субъект;

Мижознинг вакили (Вакил) – ваколатлари фақат нотариал тасдиқланган (ёхуд Амалдаги қонунчиликка асосан унга тенглаштирилган) ишончномага асосланган, Мижознинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ёки унинг ҳисобидан ҳаракат қиладиган жисмоний шахс. Мижознинг Вакили КБХШга асосан ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли, бундан КБХШ ва/ёки Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижоз шахсан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар мустасно. Мижознинг вакили унинг номидан Банк офисига ёки Банкка ҳар қандай мурожаат қилганида Амалдаги қонунчилик ва мазкур Қоидалар таабларига мувофиқ ШТХ ва Ишончноманинг асл нусхасини шахсан тақдим этади;

Текширув коди – Банк томонидан генерация қилинадиган ҳамда Мижознинг Мобил телефон рақамига SMS-хабарнома кўринишида ва Мижознинг Электрон почта манзили бўйича Мижозга юбориладиган махсус Бир маротабалик ўзгарувчан код. Текширув кодидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган Мижознинг барча ҳаракатлари, шу жумладан Операциялар, баҳслашилмайди ва Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган деб тан олинади ҳамда амалдаги қонунчилик талаблари асосида шахсан қўли билан қўйилган имзодан фойдаланганда олиб келадиган юридик оқибатларга тенг оқибатлар олиб келади. Текширув кодининг киритилиши, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оммавий оферта акцепти бўлиб ҳисобланади;

Процессинг маркази – Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) ва/ёки Миллий банклараро процессинг маркази (HUMOCARD / Хумо) ва/ёки Visa International ва/ёки Mastercard Inc. Ва/ёки Unionpay ва/ёки бошқа Тўлов тизимлари;

Лояллик (содиқлик) дастури – “Капиталбанк” АТБда амал қиладиган ва Мижозни Лояллик дастурига қўшилган Ҳамкорлардан товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олишга рағбатлантирадиган лояллик дастурларидан исталган бири;

Бир маротабалик операция -, Таъминотчиларнинг товарлари (ишлари, хизматлари, рақамли контент) хариди учун тўлов, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича қарздорликни сўндириш ҳамда Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк томонидан банк ҳисобварағини очмаган ҳолда кўрсатиладиган, камида бир ой давомида такрорланмайдиган бошқа хизматлар.

Чиқим лимити (чегараси) – Мижознинг аризаси, шунингдек, Шартномага асосан ўрнатилган, Ҳисобварақ/Карта бўйича маблағлардан фойдаланишга қўйилган чеклов (агап Банкда бундай имконият мавжуд бўлса);

Мунтазам топшириқномалар (автомтўлов) – пул маблағларини даврий равишда ўтказиб боришга доир топшириқномалар.

Банкнинг сайти – Банкнинг Интернет тармоғида www.kapital24.uz ва и <https://www.kapitalbank.uz> манзиллари бўйича жойлашган расмий сайти;

Санкциялар – давлатлар ёки халқаро ташкилотлар қарорига кўра давлатлар, ташкилотлар ёки алоҳида жисмоний ва/ёки юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган иқтисодий ёки бошқа тусдаги жамоавий ёки бир томонлама мажбурий чоралар.

Санкция рўйхати – БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари, Европа Иттифоқи (ЕИ Кенгашининг 833/2014-сонли ва 269/2014-сонли регламентлари), Буюк Британия (UK Sanctions List рўйхати), Америка Қўшма Штатлари, хусусан OFAC (SDN, Non-SDN ва SSI рўйхатлари), FinCEN, BIS (эмбарго қўлланилган товарлар рўйхати) ёки бошқа давлатлар (қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда) томонидан жорий этилган санкция рўйхатлари.

БИТ – жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларидан рухсат этилган тарзда фойдаланиш имкониятини тақдим этиш мақсадларида, жисмоний шахслар юзининг ўзига хос биометрик параметрлари асосида уларни ҳаққоний идентификация ва аутентификациядан ўтказишни таъминлайдиган Биометрик идентификация тизими.

Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати – Банк ва Молия маҳсулотларидан МБХ доирасида фойдаланиш масалалари бўйича Мижозларни қўллаб-қувватловчи Банк бўлинмаси. Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати телефони Банк сайтида жойлаштирилган;

Кириш воситалари – Шахсий кабинетга киришда Мижозни Аутентификация қилиш учун мўлжалланган Логин ва Парол.

Тарафлар – биргаликда назарда тутилган Банк ва Мижоз.

Ҳисобварақ – Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномага асосан Амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда Банк томонидан Мижознинг аризасига мувофиқ очилган банк ҳисобварағи.

КБХШ доирасида Мижозга бир неча турдаги Ҳисобварақлар очилиши мумкин, улар Қоидалар матнида алоҳида кўрсатилганда қуйидагича бўлади:

Махсус карта ҳисобварағи (МКХ, Карта ҳисобварағи) – Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда ўказиладиган Операциялар бўйича пул маблағлари ҳисобини юритиш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи;

Муддатли омонат ҳисобварағи – муддатли омонат ҳисобини юритиш, шунингдек, жойлаштирилган пул маблағларига ҳисобланадиган фоиз кўринишидаги даромадларни олиш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи;

Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ – жисмоний шахсларнинг жорий мақсадлари учун фойдаланиладиган пул маблағларининг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи;

Суда ҳисобварағи – Банк билан тузилган кредит шартномалари, қарз (микроқарз), овердрафт шартномалари бўйича кредит мажбуриятларини бажариш бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган банк ҳисобварағи;

Масофавий ҳисобварақ (Ҳамён) – жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларида пул маблағлари ҳисобини юритишда фойдаланиладиган, масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали бошқариладиган банк ҳисобварағи;

Банк тарифлари – Банк томонидан тасдиқланган, Банк томонидан Мижозга кўрсатиладиган хизматларнинг молиявий ва бошқа шартларини, шу жумладан ставкалар, воситачилик ҳақи (комиссия)ларни белгиловчи ҳужжатлар. Банк тарифлари Банкнинг сайти ва/ёки Банк офисларида жойлаштирилади ҳамда КБХШнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кириш воситаларининг йўқотилиши – Мижознинг рухсати билан ёки рухсатсиз бир ёки бир нечта Кириш воситаларининг учинчи шахслар томонидан қўлга киритилиши.

Зарарлар – Мижозга хизмат кўрсатиш жараёнида бузилган ҳуқуқни тиклаш учун Банк томонидан қилинган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлар, Банк мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек Мижоз томонидан Банк ҳуқуқи бузилмаганида фуқаролик муомаласининг одатий шартларида Банк олиши мумкин бўлган, аммо олинмай қолган Банкнинг даромадлари (бой берилган фойда);

Рақамли идентификация – Амалдаги қонунчилик билан белгиланган талабларга мувофиқ, Банкнинг ахборот тизимлари ёки шартнома асосида Банкка тақдим этилган учинчи шахсларнинг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, Мижознинг шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни. МБХ орқали ёки Банк Ҳамкори орқали рақамли идентификациядан ўтган мижозларга Амалдаги қонунчилик ҳамда Банкнинг ички қоидалари (ҳужжатлари)да белгиланган ҳажмларда ва лимитлар доирасида банк маҳсулотлари ва операциялари тақдим этилади.

Рақамли аутентификация – аввал идентификациядан ўтган Мижоздан реал вақт режимида олинган фото ёки видео тасвирни дастлабки идентификация маълумотлари билан автоматик тарзда (инсон иштирокисиз) солиштириш орқали Мижоз шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни.

Электрон ШТХ – «Ягона интерактив давлат хизматлари портали» (MyGov) мобил иловаси ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг «Ижтимоий карта» мобил иловаси орқали тақдим этилган ШТХ.

Visa Subscription Manager – обуналарни аниқлаш ва уларнинг фаоллигини бошқариш жараёнларини амалга оширувчи Visa автоматлаштирилган сервиси. Сервиснинг ишлаши ҳамда

Мижознинг буналарни тўхтатиб туриш ва/ёки қайта тиклаш бўйича топшириқларини бажариш учун жавобгарлик Visa зиммасига юклатилади.

IVR (Interactive Voice Response) – интерактив овозли меню, яъни мижд томонидан телефон клавиатураси орқали тонал териш ёрдамида киритилган буйруқлар асосида қўнғирок маркази ичида қўнғирокларни йўналтириш функциясини бажарувчи олдиндан ёзиб олинган овозли хабарлар тизими.

PUSH-хабарнома – Банк томонидан интернет тармоғи орқали МБХдаги Мижознинг шахсий кабинетига юбориладиган қалқиб чикувчи хабар қўринишидаги билдиришнома. Қоидаларга мувофиқ, МБХ орқали PUSH-хабарнома юборилиши Карта ёки унинг реквизитларидан ва бошқа SMS-хабарлардан фойдаланган ҳолда операциялар амалга оширилганда, Мижозни тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланади.

SMS-хабарнома / SMS – Банк / Процессинг маркази томонидан Мижозга тақдим этиладиган хизмат бўлиб, у Мижозга Карта ёки унинг реквизитларидан ва бошқа SMS-хабарлардан фойдаланган ҳолда операциялар амалга оширилганда, мобил телефон рақамига ёки Telegram-бот ((@KapitalbankBot) орқали SMS-хабарлар (SMS-хабарномалар)ни қабул қилиш имконини беради.

1.2.1. Қўшимча атама ва таърифлар Шартномаларда/ Оммавий офертада белгиланган. Қоидаларда ва Қоидаларнинг Иловаларида фойдаланиладиган атама ва/ёки таърифларнинг мазмунида қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлганида, Қоидаларнинг Иловаларида фойдаланиладиган атама ва/ёки таърифлар устунроқ кучга эга бўлади.

1.2.2. Шартномалар ва Қоидаларда белгиланмаган атама ва таърифлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва «Капиталбанк» АТБнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган мазмунда иборанинг матнидан келиб чиқиб, уларнинг тўғридан-тўғри маъноси ҳамда талқини бўйича қўлланилади.

1.3. Янги Мижозларнинг Қоидаларга қўшилиши тартиби.

1.3.1. Қоидаларга қўшилиш ва тегишли равишда КБХШ тузиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358, 360, 367 ва 370-моддаларига мувофиқ қуйидаги конклюдент ҳаракатлардан бирини амалга ошириш орқали бажарилади:

- Банк офисида мазкур Қоидаларга қўшилиш тўғрисидаги шартномани имзолаш (ушбу Қоидаларга 1-илова),

ёки

- Мобил банк орқали Оммавий офертани акцепт қилиш (Қоидаларга қўшилиш), бу эса Мижознинг мазкур Қоидаларга қўшилганлигини тасдиқлайди.

1.3.2. Қоидаларга қўшилиш ҳеч қандай шартлар, истиснолар ва изоҳотларсиз тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Бунда мазкур Қоидалардаги ҳеч нарса Мижознинг ўз ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқини чекламайди.

1.4. Амалдаги Мижозларнинг Қоидаларнинг янги таҳрири шартларига ўтиш тартиби.

1.4.1. Ушбу Қоидалар 2026 йил «__» январдан бошлаб 2-таҳрирда баён этилади. Бунда Мижозлар билан аввал тузилган КБХШ ва/ёки Шартномалар, мазкур Қоидаларнинг 1.4.2-бандига мувофиқ Мижозлардан розилик олингандан кейин ушбу Таҳрир шартлари асосида амал қилишда давом этади.

1.4.2. Амалдаги Мижознинг розилиги 2026 йил «__» январдан кейин қуйидаги конклюдент ҳаракатлардан исталган бирини амалга ошириш орқали ифодаланади:

а) Мобил банкдан фойдаланишни давом эттириш;

б) Шахсий кабинетга кириш;

в) операцияларни амалга ошириш ва/ёки Топшириқномалар бериш;

г) тўловларни амалга ошириш ёки маблағларни ҳисобдан чиқаришни тасдиқлаш;

д) янги Банк маҳсулотини расмийлаштириш.

1.4.3. Амалдаги Мижоз томонидан мазкур Қоидаларнинг 1.4.2-бандига назарда тутилган ҳаракатлардан исталган бирининг амалга оширилиши ушбу Қоидаларнинг янги таҳрири шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганлигини англатади ҳамда Мижоз томонидан тегишли ҳаракат амалга оширилган пайтдан бошлаб Қоидаларнинг ушбу таҳрири кучга киради.

1.4.4. Рози бўлмаган тақдирда, Мижоз мазкур Қоидаларнинг 1.4.2-бандида назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишдан олдин www.kapitalbank.uz электрон почта манзилига рад этиш билдиришномасини юбориш ёки Банк офисларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

1.4.5. Ушбу таҳрир янги шартномаларга 2026 йил 1 июндан бошлаб, амалдаги шартномаларга эса Мижоз розилик билдирган пайтдан бошлаб қўлланилади.

1.4.6. Мазкур Қоидаларнинг амалдаги таҳрири Банкнинг интернет тармоғидаги www.kapitalbank.uz манзилида жойлаштирилади.

Қоидалар таҳрирларининг архиви Банкнинг интернет тармоғидаги <https://www.kapitalbank.uz/ru/documents/2702/> манзилида жойлаштирилади.

1.5. Тузилиб бўлган КБХШ доирасида алоҳида Шартномалар тузиш учун, Мижоз Банкка Банк офисларида расмийлаштирилган ёки МБХ тармоқлари орқали аутентификация маълумотлари, кириш кодларидан фойдаланиб шакллантирилган ва/ёки мазкур Қоидалар ҳамда уларнинг тегишли иловаларида белгиланган тартибда электрон рақамли имзо билан имзоланган аризани тақдим этади.

Аризани расмийлаштиришда Мижоз томонидан аутентификация маълумотлари ва кириш кодларининг киритилиши (Банкка тақдим этилиши) ва/ёки Банкка электрон рақамли имзо билан имзоланган аризининг тақдим этилиши аризада, Қоидаларда, уларнинг иловаларида ҳамда Тарифларда белгиланган шартларда Банк ва Мижоз ўртасида шартнома тузилганлигини аниқлатади.

1.6. Банк Мижозларни мазкур Қоидалар ва Банк Тарифлари билан таништириш мақсадида уларни қуйидаги усуллардан бири ёки бир нечтаси орқали эълон қилади:

- Банк офисларидаги стендларда ахборот жойлаштириш;
- уларни Банкнинг www.kapital24.uz интернет сайтига жойлаштириш;
- Мижозга ахборот олиш ва унинг Банкдан чиққанлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар орқали.

1.7. Банк хизматларини комплекс кўрсатиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланганлиги ҳамда банк ва бир марталик хизматлар қиймати барча Мижозлар учун бир хил белгиланганлигини (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида айрим тоифадаги Мижозлар учун имтиёзлар назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) ҳисобга олган ҳолда, Қоидаларга, шу жумладан уларнинг иловаларига, иловаларнинг сони ва таркибига, шунингдек шартномалар ҳамда Банк Тарифларига ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритиш ташаббуси фақат Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси биринчи қисмига мувофиқ илгари сурилиши мумкин.

1.8. Томонлар, Банк амалдаги қонунчилик нормалари ва/ёки тўлов тизимлари қоидаларининг ўзгариши, ва/ёки янги маҳсулотлар ва хизматларни жорий этиши, ва/ёки банк маҳсулотларини тақдим этиш технологиясининг ўзгариши, ва/ёки лояллик дастурлари шартларининг ўзгариши, ва/ёки Банкнинг мустақил қарори асосида мазкур Қоидаларга, уларнинг иловаларига, шартномаларга ҳамда Банк Тарифларига ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга эканлигига келишиб олдилар.

1.8.1. Банк Қоидалар, уларнинг иловалари, Шартномалар ва Банк Тарифларининг янги (ўзгартирилган) таҳрири ҳақида Мижозни ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга киришидан камида 10 (ўн) календарь кун олдин, Амалдаги қонунчилик ўзгариши ёки Банк/Банк офиси номи ҳамда юридик/почта манзили ўзгарган ҳолларда эса камида 1 (бир) календарь кун олдин қуйидаги усуллардан бири орқали (Банк танловига кўра) хабардор қилади:

- масофавий хизмат кўрсатиш имкониятлари орқали, шу жумладан Мижознинг Шахсий кабинетига электрон хабар юбориш орқали;
- Банкнинг www.kapital24.uz интернет сайтида тегишли эълон жойлаштириш орқали;
- Банк офисларидаги ахборот стендларига янгиланган ҳужжатларни жойлаштириш орқали;
- Мижознинг Банкка маълум бўлган яшаш ва ҳақиқий истиқомат манзилига ёзма хабарнома юбориш орқали.

1.8.2. Мижоз ўзгартиришлар кучга кириш санасига қадар КБХШ ва ва (ёки) тегишли Шартномани Амалдаги қонунчилик ҳамда шундай шартномалар ва/ёки КБХШ шартлари билан назарда тутилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

1.8.3. Агар мазкур Қоидаларнинг ушбу бандига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар кучга киргунга қадар Банк томонидан Мижоздан КБХШ ва/ёки Шартнома(лар)ни бекор қилиш ҳақида ёзма ариза олинмаган бўлса, бу ҳолат Мижознинг киритилаётган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларга тўлиқ ва сўзсиз розилиги ҳисобланади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасига мувофиқ КБХШ ва/ёки Шартномага (банк маҳсулотини тақдим этиш шартномасига) ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритиш бўйича келишувнинг ёзма шаклига риоя қилинган деб ҳисобланади.

1.8.4. Мижознинг ўзгартирилган ва/ёки тўлдирилган КБХШ ва/ёки Шартномага розилиги тасдиғи бўлиб, Мижоз томонидан Операцияларнинг амалга оширилиши, ва/ёки Мижознинг Мобил банкдан фойдаланишда давом этиши, ва/ёки Мижознинг Шахсий кабинетига кириши, ва/ёки Мижоз томонидан топширқномалар берилиши, ва/ёки тўловлар киритилиши, ёки маблағларни ҳисобдан чиқаришни тасдиқланиши, ёки янги Банк маҳсулотини расмийлаштириши ҳисобланади.

II. КОМПЛЕКС БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ ПРЕДМЕТИ

2.1. КБХШ предмети бўлиб, Банк томонидан Банк офисларида ва МБХ орқали мазкур Қоидаларда ва унинг иловаларида келтирилган Банк маҳсулотлари, хизматларини тақдим этиш ва Операцияларни амалга ошириш тартиби ва умумий шартларини белгилаш ҳисобланади.

2.2. Мижоз тегишли Ариза бериш орқали (Банк Офисида ёзма шаклда ҳам, МБХ воситасида ҳам) Қоидаларнинг Иловаларида ва Банк Тарифларида ўрнатилган тартибда Шартнома тузиб, Банк томонидан КБХШ доирасида тақдим қилинадиган ҳар қандай Банк маҳсулотидан фойдаланиши мумкин.

Тузилган Шартнома КБХШнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шартноманинг кучга кириш тартиби ва санаси Қоидаларнинг тегишли Иловаси билан белгиланади. Мижоз аризасида кўрсатилган банк хизматлари бўйича тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Текширув коди ёрдамида тасдиқланган, МБХ воситасида берилган ариза Мижоз томонидан шахсан берилган деб ҳисобланади ва қўл билан имзо қўйилган қоғоз кўринишдаги тегишли ҳужжатлар билан тенг деб тан олинади ҳамда Тарафлар учун шартнома бўйича худди шундай ҳужжатлар билан бир хил бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

2.3. КБХШ доирасида банк хизматлари кўрсатиш Мижознинг аризаси, Операция ўтказиш (хизмат кўрсатиш) санасида амалда бўлган Шартномалар ва Банк Тарифларига асосан амалга оширилади, агар Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса.

2.4. Банк офисларида / Ташкилот орқали идентификациядан ўтган Мижозларга амалдаги қонунчилик ҳамда Банкнинг ички қоидалари (ҳужжатлари)да Идентификациядан ўтган мижозлар учун белгиланган лимитларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги барча Банк маҳсулотларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилади.

МБХ / Ҳамкорнинг мобил иловасида рақамли идентификациядан ўтган Мижозларга амалдаги қонунчилик ҳамда Банкнинг ички қоидалари (ҳужжатлари)да масофадан идентификациядан ўтган мижозлар учун белгиланган лимитларни ҳисобга олган ҳолда чекланган рўйхат бўйича Банк маҳсулотлари тақдим этилади.

2.4.1. Мазкур Қоидаларга қўшилиш орқали Мижоз Банкка МБХ ва/ёки Банкнинг ички тизимларига Мижознинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШШИР) ҳақидаги маълумотларни киритиш ёки МБХ ва Банкнинг ички тизимларидаги ЖШШИР маълумотларини янгилаш топришиғини беради ва бунга ўз розилигини (акцептсиз) билдиради.

Банк ушбу кўрсатилган ҳаракатларни:

- **Мижознинг мурожаатига асосан** – Банк офислари ва/ёки Контакт-марказ ва/ёки Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати ва/ёки customer_support@kapitalbank.uz электрон почтаси ва/ёки «Telegram» кроссплатформали мессенжеридаги телеграм-бот орқали ва/ёки Банк билан алоқани таъминловчи бошқа каналлар орқали ёзма ва/ёки оғзаки мурожаат қилинганда;

- **Банк ташаббуси билан, Мижоз мурожаатидан қатъи назар** – МБХ ва Банк тизимларида Мижознинг ЖШШИР маълумотлари мавжуд эмаслиги ёки долзарб маълумотларга мос келмаслиги аниқланганда амалга оширади. Бунда Мижознинг ЖШШИР маълумотларини киритиш ва/ёки янгилаш мақсадида Банк Ўзбекистон Республикасининг расмий манбаларидан, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва реестрларидан маълумотларни мустақил равишда олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 357-моддасига асосан Томонлар мазкур Қоидаларнинг 2.4.1-кичик банди уларнинг 2025 йил 1 январдан бошлаб юзага келган муносабатларига нисбатан қўлланилишига келишиб олдилар.

2.4.2. Мазкур Қоидаларга қўшилиш орқали, Мижоз Банкка интерфейси орқали Мижоз Рақамли идентификациядан ўтган Ҳамкордан олган Мижознинг Шахсга доир маълумотлари билан МБХ ва/ёки Банкнинг ички тизимларини тўлдиришига ва/ёки МБХ ҳамда Банкнинг ички тизимларидаги Мижознинг Шахсга доир маълумотларини янгилаш топришиғини беради ва бунга ўз розилигини (акцептсиз) билдиради.

2.5. Мижоз ушбу билан Карталар ва МБХдан фойдаланиш шартлари, улардан фойдаланиш усуллари ва жойлари бўйича чекловлар, улардан фойдаланишда юқори хавф мавжуд бўлган ҳолатлар, шу жумладан Мижоз ҳисобварағида жойлаштирилган пул маблағларига бошқа шахсларнинг Мижоз рухсатсиз кириш хатарлари ҳақида хабардор қилинганлигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан, Мижоз Картанинг компрометация қилиниши ва йўқотилишининг олдини олиш, шунингдек Карта ёки унинг реквизитлари ва/ёки МБХ орқали пул маблағларига рухсатсиз кириш ҳолатларининг олдини олиш учун барча зарур эҳтиёт чоралари ва махфийлик талабларига риоя қилиши, шу жумладан Харажат лимитларини белгилаш орқали, шунингдек мазкур Қоидалар ва уларнинг иловаларига мувофиқ Картадан фойдаланиш қоидаларига / тартибига амал қилиши шарт. Мижоз, Банк МБХ орқали Мижозга юборган Ҳисобварақ ва/ёки Карта ҳақидаги маълумотлар бошқа шахсларга маълум бўлиб қолган ҳолатлар учун Банк жавобгар эмаслигини тан олади.

2.6. Мижоз ушбу билан Банкка МБХ орқали хизматлар кўрсатиш доирасида мобил телефон рақамига хабарлар, шу жумладан текширув коди, SMS-хабардор қилиш хизмати уланганда юбориладиган билдиришномалар, 3D Secure технологияси орқали интернетда операциялар амалга оширилганда юбориладиган верификация кодлари ҳамда Банк КБХШ ва Шартномаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа хабарларни юбориш ҳуқуқини беради ва бунга ўз розилигини билдиради.

2.7. Мижоз Банк томонидан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун белгиланган чет эл валютаси курси ҳақидаги маълумотнинг Банк сайти ва Мобил банкда жойлаштирилиши Мижозни тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланишига розилик беради.

2.8. Мижоз, КБХШ доирасида хавфсизлик ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Банк ўз биноларида видео кузатувни, аудио (видео) ёзувни амалга оширишга, Мижознинг қурилмаларидаги ҳаракатларини рўйхатга олишига (логларни журналлаштириш), шу жумладан Операциялар амалга оширилганда, юз орқали таниб олиш технологиялари орқали Мижоз верификациясидан ўтишни талаб қилишга ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишга қўшимча равишда хабардор қилмасдан ҳақли эканлигига розилик беради. Аудио (видео) ёзувлар КБХШ ва/ёки Шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда ҳамда процессуал ҳаракатларда далил сифатида қўлланилиши мумкин.

2.9. Томонлар Қоидалар, шу жумладан Шартномаларга мувофиқ, КБХШ ва/ёки Шартномани тузиш, ўзгартириш ва бажариш билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатларни расмийлаштиришда, эътироз/даъво хатлари, хатлар, талабномалар, хабарномалар ва хабарлар, оферталар ва акцептларни Мижозларга МБХ / бошқа алоқа каналлари орқали юборишда Банк ваколатли шахсларининг имзо факсимилесидан ва муҳр изидан, ёки фақат имзо факсимилесидан (муҳр изисиз) фойдаланиш мумкинлигига келишиб олдилар.

2.10. КБХШ ва/ёки Шартномаларни бажариш мақсадларида, муҳр изи деганда нусха кўчириш воситалари ёки типографик усул орқали муҳр изининг графикли тасвир этилиши тушунилади.

Мазкур Қоидаларга мувофиқ Мижоз аутентификацияси ижобий натижаларидан кейин МБХ орқали шакллантирилган электрон ҳужжатлар қоғоз шаклидаги тегишли ҳужжатларга

тенг деб эътироф этилади ва Банк ҳамда Мижоз ўртасида тузилган КБХШ ва Шартномалар бўйича Томонлар учун худди шундай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ушбу ҳужжатлар Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ёзма далилларга тенг кучга эга далил сифатида тақдим қилиниши мумкин, бунда бундай далилларнинг мақбуллиги фақатгина уларнинг электрон ҳужжат ёки унинг қоғоз нусхаси кўринишида тақдим этилганлиги асосидагина рад этилиши мумкин эмас.

2.11. Мижоз ушбу билан Банк томонидан Тўлов тизими қоидаларига риоя қилиниши Карта орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини таъминлаш учун зарурлигини тушунишни ва бунга рози эканлигини тасдиқлайди. Мазкур Қоидаларга қўшилиш орқали, Мижоз Тўлов тизими қоидаларининг КБХШ ва/ёки Шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилишини тан олади. Мижоз Тўлов тизими қоидалари билан КБХШ тузилишидан олдин танишганлигини тасдиқлайди ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олади.

2.12. Мижоз ушбу билан Банк томонидан Ҳамкорлар қоидаларига риоя қилиниши Лояллик дастурларида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун зарурлигини тушунишни ва бунга рози эканлигини тасдиқлайди. Мазкур Қоидаларга қўшилиш орқали, Мижоз Ҳамкорлар қоидаларининг Лояллик дастурларидан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан қўлланилишини тан олади.

2.13. Мижоз томонидан КБХШ бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга ён бериши ва мажбуриятларни бошқа шахсларга юклашга йўл қўйилмайди.

2.14. Мижоз Банкка қўшимча топшириқларсиз ўзининг Банкдаги барча ҳисобварақлари ва карталаридан Мижознинг Банк олдидаги ҳар қандай шартномалар бўйича мавжуд қарздорлиги, шу жумладан Банк тарифларида белгиланган воситачилик ҳақлари (комиссиялар), жарималар, пенялар, неустойкалар, шунингдек хатолик билан ҳисобланган маблағлар, шунингдек КБХШ ҳамда Мижоз ва Банк ўртасидаги бошқа шартномалар бўйича, фақат улар билангина чекланмаган ҳолда, хизмат кўрсатиш жараёнида Банк кўрган барча Зарарларини, Мижознинг кредит шартномалари / бошқа шартномалар бўйича Мижознинг Қарздорлигини автомат тарзда ҳисобдан чиқариш (ундириш) натижасида юзага келган Зарарлар ва бошқа зарарларини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради ва ўз розилигини (олдиндан берилган акцептини) тақдим этади. Банк талабларининг қисман ижро қилинишига йўл қўйилади.

2.15. Мижоз қуйидаги ҳолатлар натижасида юзага келган вазиятлар учун Банк Мижоз олдида жавобгар эмаслигини тасдиқлайди:

- учинчи шахсларнинг, шу жумладан маҳаллий ёки хорижий корреспондент банклар, тўлов тизимлари ва алоқа операторларининг ҳаракатлари / ҳаракатсизлиги;
- хорижий банклар, тартибга солувчи органлар (регуляторлар) қарорига ёки Санкция чекловлари доирасида пул ўтказмаларининг блокраниши ёки кечиктирилиши;
- Санкция хатарларининг билвосита белгилари аниқланганда операцияларни амалга ошириш рад этилганда;
- тизимлардаги Банк томонидан назорат қилинмайдиган қилинмайдиган техник носозликлар;
- Банк томонидан ваколатли давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар талабларини бажариш натижасида.

2.16. Мижоз Ҳисобварақлар / Карталардан Санкция рўйхатларида бўлган шахслар билан Операциялар амалга ошириш ёки Банкка нисбатан санкциялар ёки бошқа чеклов чоралари қўлланилишига олиб келиши мумкин бўлган Операциялар учун фойдаланмаслик мажбуриятини олади. Ушбу мажбурият бузилган тақдирда, Мижоз Банкнинг барча зарарлари ва харажатларини қоплаш мажбуриятини олади.

Қуйидаги ҳолларда:

- агар Мижоз ва/ёки унинг Бенефициар мулкдори Санкция рўйхатига тушган (киритилган) бўлса;
- Мижоз томонидан Санкция рўйхатида бўлган жисмоний ёки юридик шахс ва/ёки бенефициар фойдасига Операция амалга ошириш бўйича топшириқ юборилса;

– Операциянинг Санкция рўйхатида бўлган шахслар билан тўғридан-тўғри ёки билвосита алоқаси белгилари аниқланса,

Банк бир томонлама тартибда:

- а) КБХШ ва/ёки Шартнома тузишни рад этишга;
- б) КБХШ ва/ёки Шартнома(лар)ни бекор қилишга;
- в) Мижоз топшириғи бўйича Операцияни бажаришни рад этишга;
- г) Мижознинг Ҳисобварақлари / Карталари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга

ҳақли.

2.17. Мижоз МБХ, Карталар ва уларнинг реквизитларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча хатарларни ўз зиммасига олади ва бунга ўз розилигини билдиради. Банк кириш воситалари компрометация қилинганлиги ҳақида Мижоздан хабар олингунча қадар рухсатсиз (ваколатсиз) амалга оширилган операциялар учун жавобгар бўлмайди.

2.18. Мазкур Қоидаларга қўшилиш орқали Мижоз оммавий мансабдор шахс мақомига эга эмаслигини (ёки бундай шахс билан боғлиқ эмаслигини) тасдиқлайди ҳамда бундай мақомни олган тақдирда бу ҳақда Банкни зудлик билан хабардор қилиш мажбуриятини олади.

III. МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОРҚАЛИ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

3.1. КБХШ тузиш билан Томонлар шуни тан оладиларки, Банк Мижози МБХ – Мобил банкнинг барча сервисларидан Идентификациядан муваффақиятли ўтганидан сўнг фойдалана олади.

МБХнинг Банк Мижози бўлмаган янги фойдаланувчиларига, МБХдан фойдаланиш учун ва КБХШни Банк Офисларига бормаган ҳолда тузиш мақсадида, Рақамли идентификация жараёнидан ўтиш имконияти тақдим этилади.

Рақамли идентификация / Рақамли аутентификация воситасида МБХ да рўйхатдан ўтганидан сўнг, Мижоз ўзининг алоҳида рухсати/хоҳиши заруриятисиз ва ўзи кейинчалик фойдаланиши учун, Банк томонидан Мижоз номига Талаб қилиб олингунча Ҳисобварақ ёки Махсус карта ҳисобварағи очишга ҳақли эканлигига ўз розилигини тасдиқлайди. Мазкур банд Рақамли идентификация / Рақамли аутентификациядан ўтишда Мижознинг Талаб қилиб олингунча Ҳисобварақ ёки Махсус карта ҳисобварағи очишга Аризаси бўлиб ҳисобланади.

3.2. Фақатгина Рақамли идентификациядан ўтган Мижозларга хизматлар Амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички қоидалари (ҳужжатлари) билан масофадан идентификация қилинган мижозларга нисбатан ўрнатилган чекловлар ва лимитларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилади.

3.3. Мижозлар Банк офисларида ёки Мижоз томонидан МБХда расмийлаштирилган «Карталарга буюртма бериш» хизмати бўйича Картани етказиб бериш вақтида Ташкилот орқали Идентификациядан ўтгандан сўнг, тегишли Мижозга юзма-юз идентификациядан ўтган мижозларга нисбатан Амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган Операциялар бўйича оширилган лимитлар билан барча фойдаланиш мумкин бўлган Банк маҳсулотлари тақдим этилади.

3.4. *Мижозлар учун МБХ сервислари орқали кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, айрим ҳолларда МБХнинг дастурий-техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда чекланган миқдорда тақдим этилиши мумкин. Тегишли хизматни улаш (ўчириш) / қўйиш ҳақидаги хабарнома Шахсий кабинетда жойлаштирилади.*

3.5. Шахсий кабинетга кириш Мобил банк орқали амалга оширилади. Мижозга Шахсий кабинетга киришга рухсат ижобий Аутентификациядан сўнг тақдим этилади.

3.6. Мижоз МБХ хизматларига киришни ташкил қилиш учун зарур бўлган техник, дастурий ва алоқа манбаларни мустақил ва ўз ҳисобидан таъминлайди, шунингдек, ушбу манбаларни уларга рухсатсиз киришдан ва зарар келтирувчи дастурий таъминотдан ҳимоя қилишни таъминлайди.

3.7. МБХ воситасида хизматлар тақдим қилиш Амалдаги қонунчилик, Қоидалар, уларнинг Иловалари, Банк тарифлари, шунингдек, Тўлов тизими Қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

3.8. МБХ хизматларидан фойдаланиш Мижоз томонидан шахсан амалга оширилади, МБХ доирасида ҳуқуқларни Мижознинг Вакилигига берилишига йўл қўйилмайди. Мижознинг Вакили томонидан ваколатларнинг ижро қилиниши фақат Банк Офисида амалга оширилади.

3.9. Банк ҳоҳлаган пайтда ўз хоҳишига кўра ушбу Қоидаларда кўрсатилган тартибда МБХ воситасида тақдим қилинадиган хизматлар/маҳсулотлар рўйхатини ўзгартириш ҳуқуқини сақлаб қолади

3.10. Ариза, Топшириқномаларни қабул қилиш Банк томонидан узлуксиз (сутка давомида) амалга оширилади. агар Банк ва Мижоз ўртасида тузилган шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, Банк томонидан Ариза, Топшириқномаларни ижро қилиш уларнинг келиб тушишига қараб навбат тартибда, кейинги Амалиёт кунидан кечиктирилмасдан амалга оширилади ёки Амалдаги қонунчилик билан белгиланади.

3.11. МБХ воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Банк Мижознинг МБХ воситасида шакллантириладиган Топшириқномалари суммаси ва миқдорига бир томонлама тартибда доимий ёки вақтинчалик чеклов қўйиш, шунингдек, бошқа чекловлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.12. Банк қуйидаги ҳолларда Мижозга МБХдан фойдаланиб берилган Ариза, Топшириқномалари ижросини амалга оширишни рад қилиш ҳуқуқига эга:

МБХ хизматлари дастурий таъминотида носизликлар (узилишлар) мавжуд бўлганда, Банк томонидан дастурий таъминотида профилактик тадбирлар амалга оширилганида, шунингдек, Банкнинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларда (форс-мажор ҳолатлари, электр энергияси ўчирилганида, телекоммуникация носозликлари ва ҳ.к.). ***Ушбу ҳолатларда Ариза, Топшириқномалар фақатгина Банк Офисида берилиши мумкин.***

- Ариза, Топшириқномани МБХдан фойдаланган ҳолда юборганда хавфсизликни бузиш белгилари аниқланганда, шу жумладан, Банкда Ариза, Топшириқномани ижро қилиш Банк ёки Мижоз учун зарар келтириши мумкин деб ҳисоблашга асос бўлса;

- Аризада, Топшириқномада кўрсатилган операцияларни, Операция ўтказиш санасида амалда бўлган Банк воситачилик ҳақини қўшиб инобатга олганда, амалга ошириш учун Мижознинг ҳисобварағи/ Картасида етарли пул маблағлари мавжуд бўлмаса;

- Операциянинг суммаси ўрнатилган Чиким лимитидан ортиқ бўлса;

- Мижоз томонидан Ариза, Топшириқномада кўрсатилган мавжуд бўлмаган/нотўғри реквизитлар аниқланганида;

- Банк томонидан Мижознинг ушбу Қоидаларни бузганлиги тўғрисида маълумот олинганида;

- Топшириқнома билан расмийлаштирилган Операция Мижознинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлса;

- Мижоз томонидан Амалдаги қонунчилик талабларининг бузилиши белгилари аниқланганида;

- Амалдаги қонунчилик, мазкур Қоидалар, Тўлов тизими қоидалари ва Банк ҳамда Мижоз ўртасида тузилган шартномаларда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

3.13. Банкда МБХга Мижознинг номидан рухсатсиз киришга ҳаракат қилинаётган бўлиши мумкин деган етарли асослар мавжуд бўлганида, Банк Мижозни огоҳлантирмасдан унинг МБХга киришини вақтинча тўхтатиб туриш ёки чеклаш ҳуқуқига эга. Тарафлардан бирининг ташаббуси билан Мижознинг МБХга киришини тўхтатиб туриш ёки чеклаш бунгача келиб чиққан ўзаро ҳисоб-китоблар ва зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди.

3.14. Мижоз МБХ воситасида тақдим қилинган Ариза, Топшириқномаларнинг ижро этилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги ёзма сўров билан Банк Офисига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.15. Аризалар, Топшириқномалар, шунингдек, мазкур Қоидаларга мувофиқ Мижознинг ижобий Аутентификациясидан сўнг имзоланган бошқа ҳужжатларни Банкка топшириш орқали тузилган битимлар (шартномалар) ёзма шаклда битим тузишга қўйилган

талабини қаноатлантиради ва битим тузаётган шахснинг шахсан жисмоний иштирокида тузилган битимлар олиб келадиган юридик оқибатлар билан бир хил бўлган юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Бундай ҳужжатлар, битимлар (шартномалар) ёзма далиллар билан бир хил кучга эга бўлган далиллар сифатида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда тақдим қилишини мумкин, бунда ушбу далилларнинг мақбуллиги улар электрон ҳужжатлар кўринишда ёки уларнинг қоғоздаги нусхаси тақдим этилган деган асос билангина тан олинмаслиги мумкин эмас.

3.16. Мижоз Банкнинг талаби билан Банкка ўзи берган Ариза, Топшириқларнинг қоғоздаги нусхасига имзо қўйиши шарт.

3.17. Мижоз МБХ воситасида операцияларни амалга оширишда қўлланиладиган Мижозни идентификация ва Аутентификация қилиш усуллари етарли эканлигига ва Мижознинг Ҳисобварақлари/ Карталари бўйича Банкнинг операция ўтказиш ҳукукини ва МБХ доирасида бошқа маълумотлар тақдим қилиш ҳукукини лозим даражада тасдиқлашига ўз розилигини билдиради.

3.18. Тарафлар Мижознинг Кириш воситаларидан ёки бошқа Аутентификация маълумотларидан фойдаланишини, Мижоз томонидан МБХ воситасида берилган Аризалар, Топшириқлар қонунийлиги, ҳақиқийлиги, ўзгармаслиги ва муаллифи Мижоз эканлиги тасдиғи сифатида тан оладилар ҳамда бу қуйидагиларни билдиришига розилик билдиришади:

- Ариза, Топшириқнинг Мижоз номидан тузилганлиги ва имзолаганлигини тасдиқлайди;
- қоғоз ташувчи ҳужжатдаги қўл билан қўйилган шахсий имзога тенг деб тан олинади;
- Тасдиқлаш ойнасида имзоланган Ариза, Топшириқлар, мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳамда Ариза, Топшириқларнинг барча мажбурий реквизитларини сақлашни таъминловчи усулда Банкка топширилади.

Мижоз ва Банкнинг дастурий таъминотлари ишлаб турган ҳамда Мижознинг Аутентификацияси амал қилиб турган узлуксиз бир вақтнинг оралиғида Мижоз томонидан МБХ воситасида юборилган Барча Ариза, Топшириқлар Мижоз томонидан топширилган ва Банк томонидан қабул қилиб олинган ҳисобланади.

3.19. Мижоз МБХдан фойдаланганида МБХга кириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни, шу жумладан, Кириш воситаларини бошқа шахсларга ошкор қилмаслик мажбуриятни олади.

3.20. Мижоз ёки Банк томонидан амалга ошириладиган барча ҳаракатлар/Операциялар Банкнинг ахборот тизимларида электрон ҳужжатлар ва электрон хабарномалар кўринишида қайд қилиниб борилади. Банк ва Мижоз ўртасида МБХ орқали амалга оширилган ҳаракатлар/Операциялар билан боғлиқ бирор-бир келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, Тарафлар Банкда сақланаётган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарномаларни далил сифатида тан оладилар.

МБХдан фойдаланиб амалга оширилган ҳаракатлар/Операциялар бўйича Банк томонидан Банк тасдиқлаган шаклда қоғозда шакллантирилган, Банкнинг ваколатли шахси томонидан имзоланган ва Банк муҳри қўйилган муайян ҳисоботлар Тарафлар томонидан Қоидаларда назарда тутилган Операция ва ҳаракатларнинг амалга оширилганлигига етарли далил бўлиб ҳисобланади ва ҳар қандай низоларни ҳал қилишда фойдаланилиши, шунингдек, ҳар қандай суд органларига тақдим қилиниши мумкин.

МБХ воситасида Банк ва Мижоз томонидан тузилган/юборилган/шакллантирилган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарномалар амалдаги қонунчиликда ўрнатилган муддатларда Банкда сақланади.

3.21. МБХга рухсатсиз кириш ҳолатларида ва/ёки Кириш воситалари йўқолганида Мижоз Банк Офисига келиб ёки мижозларни қўллаб-қувватлаш Хизматига қўнғироқ қилиб, ШТХ маълумотлари ва лозим бўлса Кодли сўзни айтиб, зудлик билан МБХга киришни блокклаши шарт. МБХ хизматларига киришни янгидан очиш учун Мижоз Банк офисига шахсан мурожаат қилиши керак.

3.22. Мижоз Мобил телефон рақамининг бошқа шахслар томонидан фойдаланишига имкон бермаслиги бўйича мажбурият олади, Мобил телефон рақамидан бошқа шахслар инсофсизларча фойдаланиши мумкин деб тахмин қилиш учун асослар пайдо бўлганида, Мижоз Мобил телефон рақамининг йўқолганлиги/ўғирланганлиги, ўзгарганлиги ҳақида зудлик билан

Банк офисига шахсан келиш орқали ёки Мижозларни қўллаб-қувватлаш марказига масофадан мурожаат қилиш орқали хабар бериши лозим.

Мобил телефон рақамининг ўзгарганлиги ҳақидаги ариза Банк томонидан олингунга қадар Банкка аввал тақдим қилинган мобил телефон рақамидан фойдаланиб амалга оширилган ҳаракатлар учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

Банк Мижоз томонидан МБХдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кириш чегараланган маълумотларга учинчи шахсларнинг рухсатсиз/ноқонуний киришининг олдини олиш учун барча оқилона чораларни кўради.

Мижоз МБХ хизматларига кириш учун ишлатиладиган курилманинг ахборот хавфсизлигини ўзи мустақил таъминлайди.

3.23. Мобил банкни тақдим қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби.

Мобил банк Банкнинг барча Мижозларига Банк маҳсулотларини харид қилиш, Бир марталик операцияларни амалга ошириш ва Ахборот операцияларини олиш имконияти билан тақдим этилади.

Мижоз Мобил банкка кириш (фойдаланиш) учун Кириш воситаларидан фойдаланади.

МБХ хизматларидан фойдаланганда Мижоз Банкка Ариза ва Топшириқномалар юбориш имкониятига эга бўлади.

МБХ хизматлари орқали Мижоз қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- тегишли намунани (шаблонни) сошлаш орқали Мунтазам топшириқномаларни расмийлаштириш, бунда Мижоз Мунтазам топшириқномани ижро қилиш даврийлиги вариантларидан бирини мустақил танлайди. Мунтазам топшириқнома ижро қилиниши учун Мижоз Картада/ Ҳисобварақда пул маблағларини ўтказиш учун, шу жумладан Банк Тарифларида назарда тутилган Банкнинг воситачилик ҳақини қўшганда етарли бўлган пул маблағларининг мавжуд бўлишини таъминлаши шарт. Мунтазам топшириқномани ижро қилиш пайтида, Картада/Ҳисобварақда Банкнинг воситачилик ҳақини қўшганда Мунтазам топшириқномани ижро қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаганида, пул маблағлари ўтказиб берилмайди, бу ҳақида Банк Мижозни Мобил телефон рақамига тегишли SMS-хабарнома жўнатиш ёки Шахсий кабинетида тегишли билдиришнома жойлаштириш орқали хабардор қилади;

- миллий валютадаги пул маблағларини (Ўзбекистон Республикасининг ичида) Банкда очилган Ҳисобварақдан/Картадан, Банкда ва бошқа банкларда очилган Ҳисобварақ/Картага, шу жумладан, учинчи шахсларнинг фойдасига ўтказиш, ёки мижознинг Ҳисобварақлари ва Карталаридан, Банкда ҳамда бошқа банкларда очилган ўзининг Ҳисобварақлари/Карталарига ёки учинчи шахсларнинг Ҳисобварақлари/Карталарига чет эт валютасида пул жўнатмаларини амалга ошириш. Мижозлар халқаро пул ўказмаларини, шу жумладан халқаро пул ўказмалари тизимлари орқали амалга ошириш ҳуқуқига эга;

- Visa Direct сервиси орқали бошқа банк томонидан эмиссия қилинган ўзининг VISA банк Картасидан, Банк томонидан эмиссия қилинган ва Мобил банкда бириктирилган ўз картасига пул ўтказмасини қабул қилиш бўйича сўров шакллантириш, шунингдек ўз Картасидан пул ўтказмасини амалга ошириш бўйича сўров шакллантириш;

- товарлар/ ишлар/ хизматлар/ рақамли контент учун тўловларни амалга ошириш, шу жумладан Банк томонидан тақдим этилган кредитларни, ЙҲХББ жарималарини, солиқлар ва йиғимларни, бюджет ташкилотлари хизматларини, коммунал ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар хизматларини ҳамда бошқа тўловларни тўлаш;

- Alipay сервиси орқали товарлар/ ишлар/ хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

- Мижознинг ҳисобварақлари ва омонатларини очиш ҳамда ёпиш бўйича аризаларни расмийлаштириш;

- Карталарни чиқариш, ПИН-кодни ўрнатиш ва/ёки Картани фаоллаштириш, шунингдек Картани ёпиш бўйича аризаларни расмийлаштириш;

- Кредит олиш ва/ёки Кредит лимитини ажратиш, кредитни муддатидан олдин сўндириш бўйича аризаларни расмийлаштириш;

- Мобил телефон рақамини ўзгартириш ва шахсий маълумотларни долзарблаштириш бўйича аризаларни расмийлаштириш.

- МБХга киритилган бошқа имкониятлар.

МБХ хизматларида Ариза, Топширикномаларни шакллантиришда ва уларнинг қонунийлигини, ҳақиқийлигини, ўзгармаслигини ва муаллифи Мижоз эканлигини тасдиқлашда Мижоз Кириш воситалари ва/ёки Текширув кодидан фойдаланади.

Ушбу орқали Мижоз Интернет тармоғи кириш учун хавфсиз канал эмаслигини тушунади ҳамда маълумотни Интернет тармоғи орқали юборишда унинг махфийлиги ва тўлиқлигининг эҳтимолий бузилиши хавфини ўз бўйига олади.

3.24. МБХ доирасида Банк томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар.

3.24.1. SMS-хабарнома:

SMS-хабарнома мазкур хизматни қуйидаги йўллар орқали улаган Мижозларга кўрсатилади:

- Банкка карта чиқариш ва/ёки SMS-хабарномани улаш бўйича тегишли Ариза берилиши;
- Uzcard карталари бўйича Ўзбекистон Республикасининг исталган банкларининг инфокиосклари/ банкоматлари орқали;
- мазкур Қоидаларга мувофиқ МБХ орқали.

Картани МБХга боғлаш учун, Мижознинг мазкур Карта бўйича SMS-хабарномаси МБХ аккаунтида рўйхатдан ўтган Мобил телефон рақамига мос келувчи Мобил телефон рақамига уланган бўлиши керак.

SMS-хабарнома доирасида Банк / Процессинг маркази Мижознинг Мобил телефон рақамига Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар, Картанинг амал қилиш муддати тугаётганлиги, ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатилганлиги (ваколатли органлар қарорлари асосида), Мижознинг Банк олдидаги кредит мажбуриятлари, фирибгарлик аломатлари аниқланганлиги ҳамда бошқа маълумотлар ҳақида SMS-хабарлар кўринишида ахборот юборади. Мижоз Банк / Процессинг маркази томонидан юбориладиган хабарларни, жумладан SMS-хабарномалар ва PUSH-хабарномаларни диққат билан ўрганиш учун масъул эканлигини тасдиқлайди.

Банк мазкур Қоидаларда назарда тутилган тартибда SMS-хабарнома доирасида тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Мижоз шу билан Банкка мобил телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида хабар бергунга қадар, Банк томонидан Мижоз тақдим этган мобил телефон рақамига юборилган SMS-хабар бевосита Мижознинг ўзига юборилган деб ҳисобланишини тасдиқлайди.

SMS-хабарномаларни юбориш учун ҳисоб-китоблар SMS-хабарномаларни юбурвчи томонидан мобил алоқа оператори билан мустақил равишда (Банк иштирокисиз) амалга оширилади. Мижоз томонидан SMS-хабарлар (SMS-хабарнома) олинган сана сифатида Банк / Процессинг маркази томонидан SMS-хабар Мобил телефон рақамига юборилган сана ҳисобланади.

Банк мобил алоқа операторининг айби билан SMS-хабарлар етказилмаганлиги учун ёки Мижоз тармоқ доирасидан ташқарида бўлган, унинг телефони ўчирилган, носоз бўлган ва шу каби ҳолатларда бир сутка давомида SMS-хабарларни олмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Бунда SMS-хабар Банк томонидан юборилган санада Мижоз томонидан олинган деб ҳисобланади.

Мижоз Мобил телефон рақамига юборилган SMS-хабар бевосита Мижознинг ўзига юборилган бўлиб ҳисобланишини тасдиқлайди.

3.24.2. Рекуррент тўловга обунани қўлда тўхтатиш ва тиклаш:

Мижоз МБХнинг «Фаол обуналар» («Активные подписки») бўлимидаги Visa Subscription Manager сервиси орқали Рекуррент тўловга обунани тўхтатиш ва/ёки тиклашни қўлда танлаши мумкин:

- фаол обуналар;
- тўхтатилган обуналар.

Мижоз МБХдаги Visa Subscription Manager сервиси орқали Рекуррент тўловга обуна бўйича тўловларни тўхтатиб туриши ва/ёки тиклаши мумкин. Мижоз томонидан обунани тўхтатиб туриш ва/ёки тиклаш тасдиқлаганда, Visa Subscription Manager сервиси Рекуррент тўловга обунани ёки тўхтатиб туради, ва/ёки тўхтатиб туриш муддатини Мижоз томонидан кўрсатилган муддатга узайтиради ва/ёки обунани тиклайди.

Обунани автоматик бекор қилиш:

Банк ҳар куни Visa Subscription Manager сервиси орқали сўнги 15 кун ичида кетма-кет 3 та муваффақиятсиз транзакция қайд этилган Карталар бўйича обуналарни аниқлайди ва уларни 5 йил муддатга тўхтатиб туради.

3.24.3. Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш:

Банк мижозларига Мобил банк функционали доирасида МБХ орқали шахсга доир маълумотларини ўзгартириш имконияти тақдим этилади. Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ электрон шаклда тақдим этилган Ариза асосида, Рақамли аутентификациядан ўтиш йўли билан ёки Текширув кодини киритиш йўли билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади. Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:

- ШТХ ўзгарганда;
- Мижознинг Мобил телефон рақами ўзгарганда.

3.24.4. Карталарга буюртма бериш

Карталарга буюртма бериш хизмати Банкнинг амалдаги ва янги мижозлари учун (техник имконият мавжуд бўлганда ҳамда идентификация талабларига риоя қилинганда) тақдим этилиши мумкин. Картани бериш/олиш тартиби (шу жумладан жисмоний картани беришда идентификация қилиш) Иловалар ва қўлланиладиган қонунчилик билан белгиланади.

Янги мижозлар учун «Карталарга буюртма бериш» хизмати Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Рақамли идентификациядан/Рақамли аутентификациядан ўтгандан сўнг тақдим этилади. Бунда янги Мижоз «Карталарга буюртма бериш» хизмати доирасида картани олгунга қадар, МБХ функционалидан фойдаланишидан қатъи назар, Банк офисларида банк хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

МБХ орқали «Карталарга буюртма бериш» хизматидан фойдаланган мижозларга чиқарилган Карталарни етказиб бериш вақтида Мижозларни идентификация қилиш мақсадида Банк Ташкилотни жалб қилади. Ташкилотдан Картани қабул қилишда Мижоз Ташкилотнинг ваколатли шахсига ШТХ аслини/Электрон ШТХ тақдим этиши, ШТХ/Электрон ШТХ ҳамда олинган Карта билан биргаликда суратга тушиши шарт. Картани олгандан кейин Мижоз Картани МБХга бириктиради. Кўрсатилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, Банк Ташкилот орқали Мижозга Картани топширишни ва унга хизмат кўрсатишни рад этиш ҳуқуқига эга.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Мижозни, Мижоз вакилини, Бенефициар мулкдорни идентификация қилиш учун зарур бўлган, шу жумладан, Мижоз томонидан тузиладиган битимларнинг асоси ва мақсадини тушунтирадиган маълумотлар ҳамда ҳужжатларни сўраш, қасддан ишончсиз ҳужжатлар тақдим қилинганида ёки Банк томонидан сўралаётган ҳужжатлар тақдим қилинмаганида Амалдаги қонунчиликка асосан Мижозга Шартнома тузишни, Операциялар амалга оширишни, шунингдек, Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа хизматлар кўрсатишни рад қилиш.

4.1.2. Мижоз, Мижознинг вакили, Бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни янгилаш мақсадида Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бир йилда камида бир маротаба, шунингдек, бошқа ҳолларда, бироқ уч йилда камида бир маротаба ва Мижоз маълумотларида ўзгаришлар мавжуд бўлганида, шунингдек, олдин олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва аниқлигига шубҳа туғилганида ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олиш.

4.1.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ идентификация ўтказишда ва маълумотларни янгилашда Банк Мижоздан, унинг Вакилидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, Мижоз томонидан тузиладиган битимларнинг ёки Мижознинг Ҳисобварақ ва/ёки Картаси бўйича амалга ошириладиган, шунингдек, Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган операцияларининг иқтисодий моҳиятини, асосини ва мақсадини тушунтирадиган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш ҳамда Мижоздан ва унинг Вакилидан олиш ҳуқуқига эга.

4.1.4. Мижоз Вакилининг топшириқларини ижро қилишни бошлашдан олдин Банк томонидан ўрнатилган ички ҳужжатлар ҳамда жараёнларга мувофиқ Мижоз Вакилининг ваколатларини текширишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек, бу нарса Амалдаги қонунчилик, Банк ҳисобварағи (омонат) шартномаси, Тўлов тизимлари қоидаларига зид ёки таъқиқланган бўлса, шунингдек, Банкнинг ички ҳужжатлари ва жараёнларига зид бўлса, Мижоз Вакилининг Аризаси ва Топшириқномасини ижрога қабул қилмаслик.

4.1.5. Мижоз ва/ёки учинчи шахслар томонидан тўлов реквизитларини кўрсатишда хатоликлар аниқланганганда ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларида ўрнатилган тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича талаблар Мижоз томонидан бузилганида, Мижознинг фармойишларини бир томонлама ижро қилмаслик.

4.1.6. Шартнома жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш(ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш учун операцияларни амалга ошириш мақсадида тузилаётганлиги ҳақида шубҳа мавжуд бўлса, Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Шартнома тузишни бир томонлама рад қилиш.

4.1.7. Операция жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (“ювиш”), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилаётганлигига Банк ходимларида шубҳа пайдо бўлса, Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Мижознинг Операция (жисмоний шахснинг ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини кирим қилиш бўйича операция бундан мустасно) ўтказиш тўғрисидаги Топшириқномасини ижро қилишни бир томонлама рад қилиш.

4.1.8. Қонунчилиги ушбу мамлакат солиқ тўловчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очиладиган ҳисобварақларнинг мавжудлигини ва улар бўйича операциялар амалга оширишни назорат қилиш мақсадида кредит ташкилотларидан (молия институтларидан) махсус битим тузишни талаб қиладиган чет давлат фуқароси -жисмоний шахс билан, шунингдек, Мижоз томонидан унинг чет эл фуқаролигини ва/ёки хорижий давлатларга солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини тасдиқлайдиган ёхуд инкор қиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим қилиш рад қилинганда Банк ҳисобварағи (омонат) шартномасини (тўлиқ ёки қисман) тузишни Бир томонлама рад қилиш.

4.1.9. Амалдаги қонунчиликда, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш соҳасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бир томонлама тартибда Мижознинг муайян Операцияларини (жисмоний шахснинг ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини кирим қилиш бўйича операция бундан мустасно) тўхтатиб туриш ёки Мижознинг Ҳисобварағи/Картасидаги пул маблағларини блоклаш (музлатиш).

4.1.10. ШТХнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг Мижоз томонидан янги ШТХ тақдим қилинмаганида, ШТХнинг амал қилиш муддати тугагандан кейинги кун МБХ даги Идентификацияни/ Рақамли идентификацияни талаб қилувчи алоҳида Операцияларга киришни бир томонлама блоклаш.

4.1.11. МБХ воситасида шубҳали ва/ёки гумонли Операциялар ўтказилишининг хавфини камайтириш мақсадида, бир томонлама:

- Мижоз томонидан МБХ хизматларидан фойдаланиб амалга оширилган шубҳали операциялар аниқланганда, Мижознинг ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бергунига қадар Мижозга МБХ воситасида хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш ёки рад қилиш;

- МБХ хизматларидан фойдаланиб шубҳали операция ўтказилганлиги ҳақида гумон пайдо бўлганда Мижозни унинг манзили бўйича, шу жумладан операцияни бевосита Мижоз томонидан амалга оширилганлиги жараёнини ўрганиш мақсадида ўрганиш;

- МБХдан фойдаланиб шубҳали операциялар амалга оширилганганда ушбу МБХ воситасида хизматлар тақдим қилишни уч кунга ёки Амалдаги қонунчиликда ўрнатилган бошқа муддатларга тўхтатиб туриш;

- МБХдан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланганлик тўғрисида асосланган шубҳалар мавжуд бўлганда, КБХШни тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама тартибда бош тортиш.

4.1.12. Қуйидаги ҳолларда, Амалдаги қонунчиликда ва мазкур Қоидаларда назарда тутилган муддатларда КБХШни тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама тартибда бош тортиш:

- МБХдан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланганлик тўғрисида асосланган шубҳалар мавжуд бўлганда;

- АҚШнинг солиқ резиденти бўлган Мижоз унинг хорижий солиқ тўловчи сифатида идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим қилмаганида ва/ёки IRS (АҚШ солиқ органлари)га маълумот берилишига розилик (розилик тақдим қилишни рад қилиш) тақдим қилмаганида.- в случае наличия обоснованных подозрений использования ДБО в целях легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансирования терроризма;

- в случае, если Клиент – налоговый резидент США не предоставил информацию, необходимую для его идентификации в качестве иностранного налогоплательщика, и/или не предоставил согласие (отказал в предоставлении согласия) на передачу информации в IRS (налоговые органы США).

4.1.13. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Мижознинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш.

Кредит шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суммаларни (Мижознинг Банк олдидаги қарздорлигига мувофиқ), шунингдек Банкка тўланиши лозим бўлган ҳар қандай суммаларни (воситачилик ҳақи/комиссиялар, хатолик билан ўтказилган пул маблағлари, пенялар, неустойкалар, жарималар ва бошқалар) акцептсиз тартибда Мижознинг Банкдаги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидаги барча ҳисобварақлари ва карталаридан, шунингдек Мижознинг ҳар қандай валютадаги ҳисобварақларидан, маблағларни ҳисобдан чиқариш санасидаги Марказий банкнинг валюта сотиш курси бўйича кейинчалик конвертация қилиш орқали ҳисобдан чиқариш.

4.1.14. Ҳисобварақдан пенсия маблағларини кирим қилиш учун фойдаланилганида, тегишли пул маблағларини тўлаган Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг ҳудудий бўлимлари талаби бўйича Мижознинг қўшимча розилигисиз юқоридаги органларга бундай Ҳисобварақ ва уларнинг эгалари тўғрисида маълумотларни, шунингдек, тегишли тўловларни тўлашни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатларни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни бериш.

4.1.15. Қуйидаги ҳолларда Мижознинг Ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини «Аниқлаш жараёнидаги транзакциялар» ҳисобварағига кирим қилиш:

- Операциянинг савдо тусига эга эмаслигини тасдиқлаш мақсадида;
- тўлов ҳужжатида тўлов мақсадлари (тафсилотлари) тўғрисида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

- тўлов ҳужжатида, шу жумладан, ҳисобварақ рақами, Мижознинг Ф.И.Ш. ва бошқаларда хатоларнинг мавжудлиги;

- амалдаги қонунчиликда ва КБХШда кўрсатилган бошқа ҳоллар.

Операциянинг қонунийлигини, шунингдек, тўлов ҳужжатининг зарур реквизитларини аниқлаш мақсадида Банк Мижоздан тегишли ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Пул маблағларини Мижознинг ҳисобварағига кирим қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, улар (пул маблағлари) юбуровчига қайтарилиши мумкин.

4.1.16. Чет давлат фуқароси – жисмоний шахс томонидан чет эл фуқаролигини ва/ёки хорижий давлатларга солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини тасдиқлайдиган ёхуд инкор қиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим қилиш рад қилинганда, у билан КБХШ ва Шартномалар тузишни рад қилиш ёхуд КБХШни бажаришни бир томонлама рад қилиш (тўлиқ ёки қисман).

4.1.17. Шартномаларни тузиш ва бажариш мақсадида Мижознинг Аризада ёки бошқа ҳужжатларда акс этган розилиги мавжуд бўлган тақдирда Мижознинг/Кафилнинг кредит тарихига тааллуқли кредит бюросида сақланадиган маълумотларни олиш, шунингдек, кредит ажратиш билан ва Мижоз/Кафил томонидан кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг

бажарилиши билан боғлиқ маълумотларни кредит ахбороти алмашинуви бўйича қонунчиликда назарда тутилган тартибда кредит бюросига тақдим қилиш.

4.1.18. Операциялар бўйича лимитларни белгилаш, бунда, агар Мижознинг Аризасига (топшириғига) мувофиқ операция суммаси белгиланган лимитдан ошса, Операция Банк томонидан Банкнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликда белгиланган лимитдан ошмайдиган миқдорда амалга оширилади.

4.1.19. Таваккалчиликларни бошқариш, ҳисоб-китоблар хавфсизлигини таъминлаш ва Амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилиш мақсадида, Мижозни олдиндан хабардор қилмасдан, бир томонлама тартибда Мижознинг Операциялари, Ҳисобварақлари ва Карталари бўйича лимитларни ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилиш.

4.1.20. Мижознинг ЖШШИР маълумотларини МБХ ва Банкнинг ички тизимларига қуйидаги ҳолатларда киритиш ва долзарблаштириш:

- **Мижознинг** алоқа каналлари орқали Банкка **мурожаатида**, ушбу Қоидаларнинг 2.4-бандига мувофиқ;

- **Банкнинг ташаббуси билан**, Мижознинг мурожаатидан қатъий назар - Мижознинг ЖШШИР маълумотлари мавжуд эмаслиги ёки ушбу маълумотлар ушбу Қоидаларнинг 2.4-бандига мувофиқ долзарб маълумотларга мос келмаслиги аниқланганда.

4.1.21. Мижознинг ЖШШИР маълумотлари мавжуд эмаслиги ёки ЖШШИР маълумотлари МБХ ва Банк тизимларидаги долзарб маълумотларга мос келмаслиги аниқланган тақдирда, Банк картасидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишни вақтинча тўхтатиб туриш ва/ёки Банк картасидан фойдаланишни тўхтатиш.

Ушбу Қоидаларнинг мазкур бандига мувофиқ Банк картасидан фойдаланиш тўхтатилган тақдирда, Мижоз Банкка чақириб олинмайдиган тартибда карта ҳисобварағидаги қолган пул маблағларини Банкда очилган ўзининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиш топшириғини беради.

Банк картасидан фойдаланиш ушбу Қоидаларнинг 2.4 ва 4.1.20-бандларида назарда тутилган тартибда Мижознинг ЖШШИР маълумотлари киритилгандан ва/ёки долзарблаштирилгандан кейин қайта тикланади.

Томонлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 357-моддасига асосан, Қоидаларнинг 4.1.20 ва 4.1.21-кичик бандлари қоидалари Томонларнинг 2025 йил 1 январдан бошлаб юзага келган муносабатларига нисбатан қўлланилиши бўйича келишиб олдилар.

4.1.22. Шубҳали операциялар белгилари аниқланганида, Мижоз томонидан КБХШ шартлари, Амалдаги қонунчилик, Тўлов тизимлари қоидалари ёки Банкнинг ички ҳужжатлари талаблари бузилганида айрим хизматларни кўрсатишни ва/ёки Банк маҳсулотларини тақдим этишни бир томонлама тартибда вақтинча тўхтатиб туриш, чеклаш ёки тўхтатиш.

Банк Мижоздан пул маблағларининг келиб чиқиш манбасини, амалга оширилаётган Операцияларнинг иқтисодий мазмуни ва мақсадларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сўралган ҳужжатларни Банк томонидан белгиланган муддатда тақдим этмаслик Операцияни амалга оширишни рад этиш ва/ёки хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади.

4.1.24. Мазкур Қоидаларда назарда тутилган тартибда Мижозларни хабардор қилган ҳолда, айрим турдаги Карталарни чиқаришни, айрим Банк маҳсулотлари ёки хизматларини тақдим этишни бир томонлама тартибда тўхтатиш.

4.1.25. Мижознинг қўшимча розилигисиз, турли Шартномалар бўйича талабларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, Мижозга нисбатан ҳар қандай ўзаро бир турдаги талабларни ҳисобга олишни амалга ошириш.

4.1.26. Мижоз мавжуд Қарздорликни тўлиқ сўндиргунига қадар КБХШ ва/ёки Шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни бир томонлама тартибда тўхтатиб туриш.

4.1.27. Банк филиалларини трансформация қилиш доирасида ҳисобварақларни миграция қилиш (режали кўчириш) вақтида ва/ёки Банк тизимларида профилактика ёки техник ишлар олиб борилганда, Мижозларни қуйидаги усуллардан бири орқали (Банк танловига кўра) хабардор қилган ҳолда КБХШ бўйича хизматлар кўрсатишни бир томонлама тартибда вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга:

- масофавий хизмат кўрсатиш имкониятлари орқали, шу жумладан Мижознинг Шахсий кабинетига тегишли электрон хабарнома юбориш орқали;
- Банкнинг www.kapital24.uz интернет сайтида тегишли эълонни жойлаштириш орқали;
- Банк офисларидаги ахборот стендларида янгиланган ҳужжатларни жойлаштириш орқали;
- Мижознинг Банкка маълум бўлган яшаш ва ҳақиқий яшаш манзилига ёзма хабарнома юбориш орқали.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

4.2.1. Пул маблағларини улар келиб тушган кунинг кейинги Амалиёт кунидан кечиктирмасдан Мижознинг ҳисобварақ(лар)ига кирим қилиш, Мижознинг ҳисобварақ(лар)идан пул маблағларини ўтказиш ва/ёки бериш тўғрисидаги фармойишларини бажариш, шунингдек, Ҳисобварақ(лар) орқали амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда бошқа Операцияларни ўтказиш.

4.2.2. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Операциялар, Ҳисобварақлар, омонатлар ва Мижозлар ҳақида маълумотларни сир сақлаш. Банк учинчи шахсларга Операциялар, Ҳисобварақ(лар), Мижознинг омонатлари ва Мижоз томонидан олинган кредитлар ҳамда унинг сўндирилиши ҳақида фақатгина Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маълумотлар тақдим қилади.

4.2.3. Мижознинг талаби бўйича Ҳисобварақлар ва Карталардаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида кўчирмалар ҳамда Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномаларда, Амалдаги қонунчиликда, Банк тарифларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилади.

4.2.4. Электрон ҳужжатларнинг архивини юритиш, уларнинг сақланишини қўғоз ташувчидаги эквивалент ҳужжатдалар учун ўрнатилган муддат давомида амалга ошириш.

4.2.5. Мижозга Карта ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган ҳар битта Операция бўйича Операция амалга оширилгандан кейин уч кун ичида Карта ва/ёки Ҳисобварақ бўйича кўчирма шаклида Шахсий кабинетга жойлаштирилган маълумот беради. Бунда, Қоидаларга мувофиқ Мижозга МБХ хизматларига киришга рухсат берилганда ва Карта/Ҳисобварақ бўйича кўчирмани шакллантириш имконияти берилганда Банкнинг Карта ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган Операция бўйича маълумот бериш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

4.2.6. Мижозга Қоидаларга мувофиқ хизмат кўрсатиш ҳамда Амалдаги қонунчиликда ва Мижоз ҳамда Банк ўртасида тузилган Шартномаларда белгиланган тартибда Мижознинг Топпириқномаларини ижро қилиш.

4.2.7. Мижознинг Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солинадиган даромади пайдо бўлганида, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ ҳисоблаш, ушлаш ва тўлаш, шунингдек, солиқ даврининг (календар йили) охирида ўзи рўйхатдан ўтган солиқ органига жисмоний шахсларнинг даромади тўғрисидаги маълумотларни амалдаги қонунчиликка асосан тақдим қилиш бўйича солиқ агенти вазифасини бажариш.

4.3. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Шахсан ёки Шартнома шартларида Мижоз томонидан ҳаракатлар шахсан амалга оширилиши кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шунингдек, агар ушбу ҳолат амалдаги қонунчилик, ички ҳужжатлар ва Банк жараёнларига зид бўлмаса, Вакил орқали (МБХ воситасида амалга ошириладиган ҳаракатлар бундан мустасно) ҳаракат қилиш. Мижоз Вакилида ваколатларнинг мавжудлиги, Банк томонидан Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу ваколатларни тасдиқлайдиган тақдим этилган ҳужжатлардан келиб чиқиб белгиланади, Мижознинг Вакил ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризаси Банкка тақдим қилингунга қадар. Бунда Мижоз Вакилининг ваколатлари бекор бўлганлиги ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган ҳолларда, Банк Мижоз Вакили томонидан амалга оширилган операциялар учун жавоб бермайди.

4.3.2. Хизмат кўрсатишга оид масалалар бўйича Банк Офисига ва/ёки мижозларни қўллаб-қувватлаш Хизматига мурожаат қилиш.

4.3.3. Сўровга асосан Ҳисобварақлар бўйича амалга оширилган Операциялар бўйича кўчирмаларни олиш. Амалдаги қонунчилик, шунингдек, Ҳисобварақ бўйича Операция Карта ва

унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, Карта тегишли бўлган Тўлов тизими қоидаларига асосан, Ҳисобварақ бўйича Операцияларга нисбатан эътирозларни ёзма шаклда тақдим этиш.

4.3.4. Банкка МБХ воситасида берилган ва ижро қилинган Топшириқномалар тўғрисида долзарб ва ҳаққоний маълумотларни олиш.

4.3.5. Банк томонидан Қоидаларга, Қоидаларнинг Иловаларига, Банк Тарифларига киритилган ўзгартиришларга, бошқа ўзгартиришларга, шу жумладан, Тўлов тизими қоидаларига рози бўлмаганда, Банк маҳсулотидан фойдаланишни рад этиш тўғрисида Банк томонидан белгиланган шаклдаги тегишли аризани Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда Банкка тақдим қилиш орқали Банк маҳсулотидан фойдаланишдан воз кечиш ва тегишли Шартномани бекор қилиш.

4.3.6. Банк Офисларида банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида дастлабки консултация (маслаҳат) олиш.

4.4. Мижознинг мажбуриятлари:

4.4.1. Шартномаларга асосан очиладиган Ҳисобварақ/Карталардан қуйидаги (шу жумладан, Банк томонидан ҳалқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни назарда тутувчи) Операцияларни ўтказишда фойдаланмаслик:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган;

- Банкнинг ва/ёки Мижознинг зарар кўришига, шу жумладан, Мижозга (унинг пул маблағларига) нисбатан хорижий давлатнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорлари ва хорижий давлатнинг бошқа ваколатли органлари қарорлари билан ўрнатилган чекловлар муносабати билан Мижозга (унинг пул маблағларига) ва/ёки Банкка нисбатан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва/ёки хорижий давлатларнинг молия ташкилотлари томонидан санкциялар қўллаш каби бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган;

- Амалдаги қонунчиликка зид бўлган.

4.4.2. Амалдаги қонунчиликка, Қоидаларга ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ, Шартнома тузишдан олдин Мижоз, Мижознинг вакили ва Бенефициар мулкдорлар тўғрисида тақдим этиш пайтига амалда бўлган (долзарб) ва ҳаққоний бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим қилиш.

4.4.3. Мижоз томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар уларни тақдим қилиш санасида амал қилиши лозим бўлиши лозим.

Мижоз томонидан хорижий тилда (тўлиқ ёки қисман) тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- ўзбек ёки рус тилига Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси илова қилинган бўлиши лозим, Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бундай таржима талаб қилинмайдиган ҳоллардан ташқари;

- Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда легаллаштирилган тақдирдагина Банк томонидан қабул қилинади - консуллик томонидан легаллаштириш (Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаси томонидан) ва/ёки апостиль қўйиш ва/ёки муҳри герб муҳри билан тасдиқлаш (Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинёв конвенциясига аъзо давлатлар учун). Мазкур тартиб ҳужжатни имзолаган шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, ушбу шахснинг ваколатларини, шунингдек ҳужжатдаги муҳр ёки штамп изининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.4.4. Мижоз, Мижознинг Вакили, Бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида (ШТХ маълумотлари, унинг алмашганлиги, шунингдек, яшаш манзили бўйича рўйхат жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар, телефон рақамлари, шу жумладан мобил телефон рақамлари, факс, электрон (почта) манзили ва бошқа маълумотлар ўзгарган тақдирда) Банкни хабардор қилиш ва ушбу ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўзгаришлар киритилган санадан бошлаб 3 (уч) календар кун ичида Банк Офисига тақдим қилиш. Ҳужжатларга киритилган барча ўзгаришлар Банк учун улар Банкка тақдим қилинган пайтдан бошлаб амал қилади.

Тегисли олдинги хабарнома олинган ёки Мижоз, Мижознинг Вакили, Бенефициар мулкдори дастлабки идентификация (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ) қилинган пайтдан бошлаб 12 (ўн икки) ой мобайнида Банк томонидан Мижоздан анкета (шахсий) маълумотларнинг ўзгарганлиги тўғрисида хабарнома олинмаган бўлса, Банк Мижоз томонидан олдин тақдим қилинган маълумотни тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотлар ва алоқа ахборотининг ўзгарганлиги тўғрисида хабарни ўз вақтида олинмаганлиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

Мижоз томонидан олдин тақдим қилинган анкета (шахсга доир) маълумотларни ўзгартириш учун Мижоз шахсан тегишли ариза билан Банк Офисига мурожаат қилиши шарт, ёки имконият /Банкнинг рухсати мавжуд бўлганда юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг тақдим этилиши МБХда амалга оширилиши мумкин.

4.4.5. Банкнинг талаби билан ва/ёки Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Наф олувчилар фойдасига Операция ўтказишдан олдин ҳужжатларни, шу жумладан, агентлик (воситачилик), топшириқ, воситачилик, ишончли бошқарув ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни, шунингдек, Наф олувчи бўйича идентификация маълумотлари/ҳужжатларини тақдим қилиш.

4.4.6. Даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, Мижоз оммавий мансабдор шахс бўлса, ёки оммавий мансабдор шахснинг Вакили, ишончли вакили, турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши (насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган (ота-она ва фарзандлар, боболар, бувилар ва неваралар, туғишган ва ўғай (умумий ота ёки онаси бўлган) ака-ука ва опа-сингиллар) бўлса, бу ҳақда Банкни хабардор қилиш.

4.4.7. Мижоз АҚШ фуқаролигини олса ёки аввал АҚШ фуқароси бўлган бўлса, АҚШда доимий бориш учун рухсатномага (доимий истиқомат қилувчи Картаси (I-551-шакл (GreenCard)) эга бўлса, жорий йилда 31 кундан кам бўлмаган, ва сўнгги 3 йил давомида (жорий календар йилни ва икки бевосита олдинги йилларни қўшган ҳолда) 183 кундан кам бўлмаган муддат АҚШ ҳудудида бўлган бўлса, АҚШ фуқаросининг ижтимоий суғурта рақамига (SocialSecurityNumber) ёки АҚШ солиқ тўловчисининг шахсий индентификация рақамига (IndividualTaxpayerIdentificationNumber) эга бўлса, бу ҳақда Банкни хабардор қилиш.

4.4.8. Банк томонидан мазкур Қоидаларга мувофиқ сўралган маълумот ва ҳужжатларни Банк талаби олинган кундан кейинги 2 (икки) календар кун мобайнида тақдим қилиш.

4.4.9. Банк кўрсатилган маълумотларни текшириш ва аниқлик киритиш мақсадида расмий ахборот манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.4.10. Банк тарифлари ва Шартномаларга асосан воситачилик ҳақи ва/ёки Банк фойдасига тўланадиган бошқа тўловларни тўлашга етарли бўлган пул маблағларининг Ҳисобварақда мавжуд бўлишини таъминлаш орқали тегишли Шартномалар ва Банк тарифлари шартларига мувофиқ КБХШ ва/ёки Шартномаларда кўрсатилган воситачилик ва бошқа тўловларни Банкка тўлаш.

4.4.11. МБХдан фойдаланганда мазкур Қоидалар ва Банк тарифлари ҳамда МБХ доирасида Тарафларнинг муносабатларини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларнинг қоидаларига риоя қилиш.

4.4.12. Мижоз вакилининг номига расмийлаштирилган ишончноманинг амал қилиш муддати тугаганида Банк офисига тегишли ёзма ариза тақдим қилиш орқали дарҳол Банкни хабардор қилиш. Мижоз томонидан Юқорида кўрсатилган ишончноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида Банкни огоҳлантирмаслик/ ўз вақтида огоҳлантирмаслик натижасида келиб чиққан зарар ва бошқа салбий оқибатларнинг хавфи бўйича жавобгарлик Мижозга юклатилади.

4.4.13. Банкка КБХШ ва Шартномаларни бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик оқибатида келиб чиққан зарарларни тўлаб бериш.

4.4.14. Мижозга нисбатан банкротлик тамойиллари қўлланилаётганлиги тўғрисида ўз вақтида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш, шунингдек, Банкни хабардор қилмаслик/ўз вақтида хабардор қилмаслик натижасида келиб чиққан барча салбий оқибатлар бўйича хатарларни ўз зиммасига олиш.

4.4.15. Қоидалар ва/ёки Тарифлар ва/ёки КБХШга алоқадор бошқа ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, янги Банк хизматлари ҳақида ўз вақтида маълумот олиш мақсадида доимий равишда (2 (икки) календар кунда камида бир маротаба) ҳар қандай мақбул усулларда шахсан ёки ишончли шахслар орқали Банк Офисига мурожаат қилиш ва/ёки Банк Сайтининг тегишли бўлимларига кириб туриш. Мижознинг Қоидалар ва/ёки Тарифлар ва/ёки КБХШга алоқадор бошқа ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар билан ўз вақтида танишмаганлиги Банк томонидан уларни қўлламаслик учун асос бўлмайди.

4.4.16. КБХШ ва Шартномаларни тузиш ҳамда бажариш учун Банкка тақдим қилинадиган Ариза(лар) ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб бериш.

4.4.17. Картага/Картадан хато кирим қилинган/ҳисобдан чиқарилган сумма аниқланганда, бу ҳақида дарҳол Банкка маълум қилиш.

4.4.18. Банкнинг талаби билан Мижоз томонидан Банкка тақдим қилинган Топшириқномаларнинг қоғоз нусхасини имзолаш.

4.4.19. Мижоз ўз Абонент қурилмаси йўқолганлигини ёки Абонент қурилмасини бошқариш устидан учинчи шахслар томонидан назорат ўрнатилганлигини аниқлаган тақдирда, ушбу ҳолат аниқланган пайтдан бошлаб дарҳол, бироқ 1 (бир) кундан кечиктирмасдан, мазкур Қоидаларда кўрсатилган алоқа каналлари орқали Банкни хабардор қилиши шарт.

Мижоз МБХда Ҳисобварақлар/Карталар бўйича Операциялар, шунингдек бошқа Операциялар Мижознинг розилигисиз амалга оширилганлигини аниқлаган тақдирда, ушбу ҳолат аниқланган пайтдан бошлаб дарҳол, бироқ 1 (бир) кундан кечиктирмасдан, мазкур Қоидаларда кўрсатилган алоқа каналлари орқали Банкни хабардор қилиши шарт.

4.4.20. Банк томонидан Мижозга юбориладиган хабарларни, жумладан мобил телефон рақамига юбориладиган SMS-хабарномаларни ва МБХдаги PUSH-хабарномаларни, Ахборот хабарномалар бўйича хабарларни (шу жумладан фирибгарлик белгилари, Операцияларни авторизация қилиш, МБХда аутентификациядан ўтиш, МБХда хавфсизлик созуламаларини ўзгартириш ҳақидаги хабарномалар ва бошқаларни) диққат билан ўрганиш, шунингдек Операцияларни авторизация қилишда эҳтиёт чораларини кўриш. Банк томонидан хабар юборилган пайтдан бошлаб 1 (бир) кун ичида Банк томонидан юборилган мазкур хабарномаларга муносабат билдириш.

Банк томонидан юборилган хабарларни Мижоз томонидан ўз вақтида ёки лозим даражада ўрганмаганлиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

4.4.21. Банкнинг сўровини олган пайтдан бошлаб дарҳол, бироқ 2 (икки) банк кундан кечиктирмасдан, Мижоз Банк офисларида ёки Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати орқали ёхуд мазкур Қоидаларда/Банк сўровида кўрсатилган бошқа каналлар орқали қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- подтверждающие, что Клиент совершил Операцию самостоятельно или ее выполнило третье лицо по поручению либо с согласия Клиента;

- Операция Мижоз томонидан мустақил равишда амалга оширилганлигини ёки Мижознинг топшириғи ёхуд розилиги билан учинчи шахс томонидан бажарилганлигини тасдиқловчи;

- Ҳисобварақ/Карта ва/ёки Абонент қурилмаси ва/ёки Мижознинг Шахсий кабинети орқали содир этилган фирибгарлик ҳолатлари ва шубҳали операцияларга, шунингдек Мижоз номидан амалга оширилган бошқа операцияларга тааллуқли бўлган.

Мижоз мазкур бандда кўрсатилган маълумотларни белгиланган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Банк ҳолатларга ойдинлик киритилгунига қадар ва/ёки Мижоздан талаб қилинган маълумотлар олингунига қадар Мижознинг Ҳисобварағи/Картаси бўйича операцияларни амалга оширишни ва/ёки МБХдаги Шахсий кабинетга киришни вақтинча чеклаш ҳуқуқига эга.

4.4.22. «Visa Direct – Маблағларни қабул қилиш» хизматидан МБХдаги Visa Direct сервиси орқали фақат Мижознинг ўзига тегишли бўлган VISA карталаридан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш учун фойдаланиш, шунингдек Банк ва/ёки Visa Direct сервиси томонидан сўралган маълумотларни тўғри ва тўлиқ ҳажмда тақдим этиш. Ушбу талабларга риоя этмаслик хизмат кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

4.4.23. Мазкур Қоидалар ва Банк ҳамда Мижоз ўртасида тузилган Шартномалар шартларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

4.5. Қуйидаги ҳолатлардан бири ёки бир нечтаси юзага келган ҳолларда:

- пул маблағлари Ҳисобвараққа / Омонатга банк тизимларидаги носозликлар ва/ёки дастурий таъминот хатолари ва/ёки банк тизимларидан рухсатсиз фойдаланиш натижасида келиб тушган бўлса;

- Банк томонидан Ҳисобварақ / Омонат ноқонуний пул маблағларини легаллаштириш учун ишлатилаётганлиги белгилари аниқланса;

- Ҳисобвараққа / Омонатга пул маблағларининг келиб тушиши билан боғлиқ фирибгарлик ҳаракатлари ёки бошқа ижтимоий хавfli қилмишлар белгилари аниқланса;

- Ҳисобвараққа / Омонатга жойлаштирилган пул маблағлари дастлаб Банкка тегишли бўлганлиги ва қонуний битим предмети бўлиши мумкин эмаслиги аниқланса;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка зид операциялар аниқланса;

- Мижоз томонидан Банк маблағлари ҳисобидан Ассосиз бойлик орттириш ҳолати аниқланса.

Бундай ҳолатда Банк қуйидаги чақириб олинмайдиган ва шартсиз ҳуқуқларга эга:

- Ҳисобварақни / Омонатни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни бекор қилишга;

- ноқонуний пул маблағларини Банк фойдасига қайтаришга;

- ҳолатларга оидинлик киритилгунига қадар Омонатчининг барча Ҳисобварақлари / Омонатлари бўйича фойдаланишни блоклашга;

- Мижоздан пул маблағларининг қонуний келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга;

- Мижознинг Ассосиз бойлик орттириш суммасини Банк фойдасига қайтариш;

Кўрилган чоралар ҳақида Банк Қоидаларда назарда тутилган тартибда 3 (уч) иш куни ичида Мижозни хабардор қилади.

4.5.1. Шу билан бирга, Тарафлар мазкур Қоидаларнинг 4.5-бандини:

- тегишли Шартномани ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги Томонларнинг ёзма келишуви сифатида;

- Банк томонидан Шартномани бир тарафлама бекор қилишга асос сифатида;

- мазкур Тартибнинг 4.5. бандида назарда тутилган чоралар кўриш учун етарли асос сифатида;

- ҳар иккала тараф учун кўшимча келишувсиз ижро қилиниши мажбурий деб тан оладилар.

4.6. Мижоз ушбу билан Банкка қуйидаги ҳолларда Мижознинг қўшимча фармойишисиз Банк томонидан Мижознинг исталган ҳисобварағидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш учун олдиндан ушбу акцептни (розиликни) тақдим этади:

- Мижознинг Ҳисобварағи бўйича бир хил Операция нотўғри такроран (икки ёки кўп марта) акс эттирилганда - ортиқча акс эттирилган пул маблағлари миқдорида;

- банк тизимлари, Процессинг маркази ёки Тўлов тизимининг техник носозлиги, дастурий ёки аппарат хатоси туфайли пул маблағлари нотўғри ўтказилган тақдирда - нотўғри ўтказилган маблағлар суммасида;

- Банк ходимининг хатоси (операцион, бухгалтерия, техник) туфайли пул маблағлари нотўғри ўтказилганда - нотўғри ўтказилган маблағлар миқдорида;

- Мижознинг ҳисобварағига учинчи шахслардан ёки жўнатувчи банкдан, шу жумладан нотўғри, чақириб олинган, қайтарилган ёки бекор қилинган тўлов ҳужжати (ўтказмаси) бўйича нотўғри келиб тушган пул маблағлари ўтказилганда - тегишли суммада;

- ХТТ ёки МТТ картаси бўйича операция бекор қилинганда (бекор қилинганда), қайтарилганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда - бекор қилинган операция/қайтарилган операция суммасида;

- фоизлар, кешбек, бонуслар, мукофотлар нотўғри (ортиқча) ҳисобланганда, шунингдек комиссиялар ва Банкка тегишли бошқа тўловлар нотўғри ушлаб қолинмаганда (тўлиқ ушлаб қолинмаганда) - ортиқча ҳисобланган ёки ушлаб қолинмаган маблағлар миқдорида;

- нотўғри валюта айирбошлаш курси қўлланилиши натижасида пул маблағлари ўтказилганда - юзага келган фарқ суммасида;

- Амалдаги қонунчилик ва (ёки) ушбу Шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4.6.1. Ҳисобварақда маблағлар етарли бўлмаганда, Банк пул маблағларининг ҳисобвараққа келиб тушишига қараб қисман ва (ёки) қайтарилиши лозим бўлган сумма тўлиқ қоплангунга қадар ҳисобдан чиқаришни амалга оширишга ҳақли. Ҳисобварақдан бошқа валютада ҳисобдан чиқарилганда, конвертация ҳисобдан чиқарилган санадаги Банк курси бўйича амалга оширилади.

4.6.2. Банк амалга оширилган ҳисобдан чиқариш, унинг миқдори ва асоси тўғрисида Мижозни МБТ ёки СМС-хабарнома орқали ёхуд Қоидаларда назарда тутилган бошқа усуллар билан хабардор қилади.

4.7. Банк ва Мижоз мазкур Қоидаларда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари тегишли Шартномалар билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тарафлар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун амалдаги қонунчилик, мазкур Қоидалар ва тузилган Шартномаларга асосан жавобгар бўлади.

5.2. Мижознинг КБХШ доирасида очил(ади)ган Ҳисобварақларида жойлаштирилган пул маблағлари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларининг банклардаги оманатларини ҳимоялаш кафолатлари” тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда, миқдорда ва шартларда ҳимояланиши кафолатланади.

5.3. Банк Карта/Ҳисобварақ ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар ҳақида Мазкур Қоидаларнинг 3,4-бўлимларига асосан Мижозга маълум қилиш бўйича ўз мажбуриятини бажарган, Мижоз эса Картанинг йўқоганлиги ва/ёки ундан Мижознинг розилигисиз фойдаланилганлиги ва/ёки МБХга рухсатсиз кирилганлиги ҳақида Қоидаларнинг 3-бўлимида ўрнатилган тартибда ва муддатларда Банкни хабардор қилмаган бўлса, Банк Мижознинг розилигисиз Карта/Ҳисобварақ ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб Операциялар амалга оширилганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

Мижоз Карта реквизитларининг сақланиши учун, шунингдек қуйидагилар натижасида келиб чиққан оқибатлар учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади:

- шубҳали ва/ёки ишончсиз ҳаволаларга ўтиш;

- маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш;

- фишинг ва/ёки ишончсиз интернет-сайтларга маълумотларни киритиш;

- Мобил қурилмани ёки МБХдан фойдаланиш имкониятини, Кириш кодларини, Тасдиқлаш кодларини учинчи шахсларга бериш;

- Компрометация.

5.4. Агар Мижоз Абонент қурилмасини йўқотган ёки уни бошқариш устидан учинчи шахслар назорат ўрнатган ҳолларда, ушбу Қоидаларда белгиланган тартиб ва муддатларда бу ҳақда Банкни хабардор қилмаган бўлса, Банк Карта/Ҳисобварақ ёки унинг реквизитлари ва/ёки МБХ орқали Мижознинг розилигисиз амалга оширилган операциялар учун жавобгар бўлмайди.

5.5. Картанинг йўқолганлиги ва/ёки ундан Мижознинг розилигисиз фойдаланилганлиги ва/ёки МБХга рухсатсиз кирилганлиги, Кириш воситаларининг йўқоганлиги ҳақида Банкка хабар берилгунга қадар Ҳисобварақ ва Карта бўйича амалга оширилган барча Операциялар, шунингдек, МБХ воситасида бажарилган бошқа ҳаракатлар бўйича Мижоз жавобгар бўлади.

5.6. Банк қуйидагиларга жавобгар бўлмайди:

- унинг назоратида бўлмаган ва почта ишидаги, Интернетдаги, алоқа тизимларидаги ҳамда бошқа ташқи ташкилотлар ва тармоқлар ишидаги носозликлар билан боғлиқ бўлган ва уларнинг оқибатида Банк хабарномалари Мижоз томонидан ўз вақтида олинмаган ҳамда умуман олинмаган ҳолатлар учун;

- Мижознинг абонент қурилмаси зарар келтирувчи вируслар билан зарарланиши оқибатида ва унинг ишлашидаги носозликлар учун;

- Абонент қурилмасига/МБХга эмуляторлар орқали рухсатсиз кириш ва МБХда эмуляторлар орқали Рақамли идентификациядан/ верификациядан ўтиш ва/ёки Операцияларни амалга ошириш оқибатида;

- Банкнинг КБХШ тақдим қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини имконсиз қилиб қўядиган Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигидаги ўзгаришлар оқибатида;

- Мижоз вакилининг ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги Мижознинг аризаси Банкка келиб тушганига қадар Мижоз вакилининг амалга оширган ҳаракатлари учун;

- Мижознинг шубҳали ва/ёки текширилмаган ҳаволаларга ўтиши, Карта ва унинг реквизитларини фишинг ва/ёки ишончсиз веб-сайтларга киритиши, шунингдек Мобил қурилмани ёки МБХдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериши натижасида юзага келган оқибатлар учун;

- Мижознинг олинмай қолган фойдаси, билвосита зарарлари, маънавий зарари, маълумотларнинг йўқолиши, обрўга путур етиши ёки бошқа билвосита зарарлари учун, уларнинг келиб чиқиш сабабларидан қатъи назар;

- давлат органларининг ҳаракатлари/ ҳаракатсизлиги, қонунчиликдаги ўзгаришлар, суд қарорлари, регуляторларнинг кўрсатмалари ёки Санкциялар жорий этилиши натижасида ўз мажбуриятларни бажаришнинг кечикиши, хатолар ёки уларни бажаришнинг имкони бўлмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади..

5.7. Қўйидаги ҳолларда Банк КБХШ бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, шу жумладан, Мижознинг Аризалари, Топшириқномаларини бажармаганлик/ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди:

- ижро учинчи тарафнинг муайян ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, уни бажармаслик ёхуд ўз вақтида бажармаслик учинчи тарафнинг зарур ҳаракатларни амалга ошира олмаслиги ёки амалга оширишни рад қилиши билан боғлиқ бўлса, учинчи тараф ушбу ҳаракатларни ўрнатилган тартибни бузган ҳолда амалга оширса ёки Банк уни бажара олиш имкониятига эга бўлмаса;

- ижро қилмаслик, яъни шартнома тузилганидан кейин юзага келган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва ушбу шароитларда олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида келиб чиққан бўлса;

- бажармаслик/вақтида бажармаслик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг бўлимлари, корреспондент банклар ёки учинчи шахсларнинг хорижий мамлакатлар қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорлари ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари билан Мижозга (унинг пул маблағларига) ўрнатилган чекловлар билан боғлиқ ҳаракати/ ҳаракатсизлигининг натижаси бўлса,

- ижро қисмаслик учинчи шахслар томонидан таъминланадиган, узатиладиган, эксплуатация қилинадиган ва/ёки хизмат кўрсатиладиган қуилма, электр энергиясини узатиш тармоғи ва/ёки алоқа линияси ва тармоқлари ишининг бузилиши билан боғлиқ авариялар, носозликлар ва хизмат кўрсатишдаги узилишларнинг натижаси ҳисобланса;

- банклараро электрон тўловлар тизимида келиб чиқиши мумкин бўлган носозликларда;

- тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда Мижоз томонидан қўл қўйилган камчиликлар натижасида;

- пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар “музлатилган” (ишга солмай тўхтатиб қўйилган) ҳолларда, шунингдек, Ҳисобварақда мавжуд бўлган пул маблағларига таъқиқ солинганида ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда Ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганида;

- агар бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик Банк филиалларини трансформация қилиш доирасида ҳисобварақларни миграция қилиш (режали кўчириш) ва/ёки Банк тизимларида профилактика ёки техник ишлар ўтказилиши оқибати бўлса.

5.8. Мижоз мазкур Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгар бўлади ва бунинг натижасида келиб чиққан барча салбий оқибатларни ўз зиммасига олади, шунингдек, ўзи томондан юқорида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик оқибатида келиб чиққан барча зарарларни Банкка қоплаб беради.

5.9. Банк МБХ доирасида тақдим қилинадиган маълумотларга учинчи шахсларнинг эҳтимолий рухсатсиз кириши учун, шунингдек, МБХ востасида юбориладиган юқорида кўрсатилган маълумотларнинг эҳтимолий бузиб кўрсатилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.10. Мижоз Аризалар, Топшириқномаларнинг тўғри тузилганлиги учун жавобгар ҳисобланади. Мижознинг хато тузилган Аризалари, Топшириқномаларини ижро қилиш натижасида Мижоз кўрган зарар учун Банк жавобгар ҳисобланмайди.

5.11. Мижоз унга тегишли бўлмаган қурилмаларда МБХ хизматларига кирилганлиги учун, маълумотлар махфийлиги ва бутлигининг эҳтимолий бузилишлари билан боғлиқ хавф учун, шунингдек, учинчи шахсларнинг эҳтимолий ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

5.12. Мижоз вакилининг ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги Мижознинг аризаси Банкка келиб тушганига қадар Мижоз вакилининг амалга оширган ҳаракатлари учун Банк Мижоз олдида жавобгар бўлмайди;

5.13. Мижоз, агар унинг контрагенти ёки пул маблағларини олувчи шахс террористик ҳаракатлар ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишда қатнашадиган ёки гумонланадиган шахслар рўйхатида ва/ёки санкциялар рўйхатида бўлса, жавобгарликка, шу жумладан молиявий жавобгарликка эга.

5.14. Ҳисобварақда етарли пул маблағлари мавжуд бўлган ҳолда Банк томонидан Мижозга нақд пул маблағларини ўз вақтида бермаганлиги учун, Банк устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.15. Банк Мижоз Ҳисобварағига пул маблағларини киритиш ва Ҳисобварақдан пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузганлиги учун, электрон тўловларни амалга ошириш ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтариш учун белгиланган муддатларни бузиш ҳолатлари бундан мустасно, ҳар бир ҳолат учун банк устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Банк электрон тўловларни амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган муддатларини бузган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун Мижозга кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлаши шарт, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Электрон тўлов Банк айби билан хато амалга оширилган тақдирда, Банк хатолик аниқланганидан кейинги кейинги иш кунидан кечиктирмай маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, Мижоз қонунчиликда белгиланган тартибда Банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлашни талаб қилишга ҳақли, бунда пенянинг умумий миқдори нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.16. Қуйидаги ҳолатларда Банк жарима тўлашдан озод этилади:

а) форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан банклараро электрон тўловлар тизимида юзага келиши мумкин бўлган узилишлар мавжуд бўлганда;

б) Мижоз томонидан Банкка амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим этилганда;

в) қонунчиликда назарда тутилган тартибда Банк ёки Мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда.

5.17. КБХШ ва/ёки Шартномалардан келиб чиқадиган Мижознинг ҳар қандай талаблари бўйича Банкнинг жами жавобгарлиги фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган тўғридан-тўғри зарар миқдори билан чекланади ҳамда даъво тақдим этилган санадан олдинги охириги 6 (олти) ой давомида Мижоз томонидан Банкка амалда тўланган комиссиялар суммасидан ошмаслиги лозим.

6. КБХШ ВА/ЁКИ ШАРТНОМА(ЛАР)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. КБХШ Мижоз Қоидаларга кўшилган санадан бошлаб кучга киради ва агар тегишли Шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, чекланмаган муддатга амал қилади.

Бунда, Қоидалар доирасида тузиладиган Шартномаларнинг амал қилиш муддати чекланган бўлиши мумкин.

6.2. КБХШ Мижознинг Банк Офисига бевосита бериладиган ёзма аризаси асосида бекор қилинади. Банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги алоҳида Шартномаларда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, КБХШни бекор қилиш КБХШ доирасида тузилган барча шартномаларнинг амал қилишини тўхташига ва тегишли Ҳисобварақалар (Карталар)нинг ёпилишига олиб келади, бунда Мижоз барча тузилган КБХШ бекор қилингунга қадар Шартномалар бўйича келиб чиққан ўз мажбуриятларини бажариши шарт.

6.3. КБХШ доирасида тузилган алоҳида Шартноманинг бекор қилиниши КБХШ бекор қилинишига олиб келмайди. КБХШ доирасида тузилган алоҳида Шартномани бекор қилиш тартиби мазкур Қоидалар ва тегишли Шартномада белгиланган.

6.4. Ҳисобварақ(лар)/Карта(лар)ни ёпиш ҳамда қолдиқ пул маблағларини Мижозга қайтариш Амалдаги қонунчиликда ва Қоидаларнинг Иловаларида кўрсатилган ҳамда Тўлов тизими Қоидаларида (зарурат бўлганда) кўрсатилган шартларда тузилган Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

6.5. Банк ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда Мижознинг манзилига ёзма хабарнома юбориш орқали, ёки Тарафлар томонидан келишилган усул билан (Мижознинг e-mailига хабар жўнатиш, Мобил банкдаги шахсий кабинетдаёълон бериш, СМС жўнатиш ва ш.к.) хабар бериш орқали КБХШни тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда КБХШ Банк томонидан почта хизмати орқали хабарнома юборилган ёки Мижоз томониданланган бошқа усул орқали хабар берилган санадан бошлаб учинчи кунда бекор қилинган ҳисобланади.

6.5.1. Ушбу Қоидаларда назарда тутилган асослар бўйича Банк томонидан КБХШ ва/ёки Шартнома(лар)нинг бир томонлама бекор қилиниши Банкнинг мажбуриятларни бузиши ҳисобланмайди ҳамда Банкнинг Мижоз олдида жавобгарлигига сабаб бўлмайди. Мижоз бундай бекор қилиш ёки рад этиш муносабати билан Банкдан зарарларни қоплашни, олинмай қолган фойдани қоплашни ёки маънавий зарар учун компенсация тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

7. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА БАНК СИРИ.

7.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Банк банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ва ахборотнинг махфийлигини кафолатлайди.

7.2. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тақдим этилиши мумкин.

7.3. Банк Мижоздан (шу жумладан МБХ орқали) олинган шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, фойдаланиш, тарқатиш ва ишлов беришни Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунининг 10, 12, 14 ва 18-моддаларига мувофиқ амалга оширади.

7.4. Ушбу Қоидаларга қўшилиш орқали Мижоз Банк «Telekom-antifraud» сервисини ёрдамида Мижоз МБХда рўйхатдан ўтган Абонент қурилмасига оид қуйидаги маълумотларни: IP-манзил ва уланиш нуқтаси манзили, Абонент қурилмасининг жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар ва бошқаларни йиғиши, сақлаши, фойдаланиши, тарқатиши ва ишлов беришини тушунишини ҳамда мазкур маълумотларни Банк томонидан қайта ишлашга ўз розилигини бериши тасдиқлайди. Банк мазкур ҳаракатларни ўғирлик, фирибгарлик ёки Банк ҳамда Мижоз манфаатларига бошқа хавфларни ўз вақтида олдини олиш мақсадида амалга оширади.

7.5. Ушбу Қоидаларга қўшилиш орқали Мижоз Банкка / Банк Ҳамкорларига, КБХШ, Шартномалар ва Мижоз билан Банк ўртасида тузилган бошқа шартномалар, шунингдек Банк томонидан бошқа шахслар, шу жумладан Мижоз вакил, суғурта қилдирувчи, суғурталанувчи шахс ёки наф олувчи шахс бўлиб иштирок этган суғурта шартномалари тузиш сабабли Мижоз, иш ҳақи лойиҳаси доирасида Банк билан шартнома тузган юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор томонидан Банкка тақдим этилган Мижознинг шахсга доир маълумотлари ҳамда банк сирига, шунингдек Мижознинг ҳар қандай фотосуратларига (шу жумладан Мижознинг рухсати билан ўтказилган суратга олиш жараёнида олинган фотосуратлар) қуйидаги

мақсадлар учун ишлов беришга розилик беради (қоғоз ва/ёки электрон ташувчиларда автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ва/ёки улардан фойдаланмасдан йиғиш, ёзиб олиш, тизимлаштириш, жамлаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), ажратиб олиш, фойдаланиш, узатиш (тарқатиш, тақдим этиш, фойдаланиш имконини бериш, шу жумладан шахсга доир маълумотларга ишлов беришни учинчи шахсларга топшириш), шахсизлантириш, блоклаш, ўчириш ва йўқ қилиш):

- Банк томонидан КБХШ, КБХШ доирасидаги Шартномалар, таъминот шартномалари ва бошқа шартномаларни тузиш имкониятини кўриб чиқиш, агар уларни тузиш бўйича ижобий ёки салбий қарор шу жумладан Мижознинг шахсга доир маълумотларига фақат автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш орқали қабул қилиниши мумкин бўлса;

- Мижоз тақдим этган маълумотларнинг ишончилигини текшириш, шунингдек банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича Аризаларни кўриб чиқишда кредитга лаёқатлилиги ва/ёки тўловга қобилиятлилиги баҳолаш, шу жумладан зарур ҳолларда шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш;

- Шартномаларни бажариш ва бекор қилиш, шу жумладан банк операцияларини амалга ошириш, банк хизматларининг барча турларини кўрсатиш, таъминот шартномалари ва бошқа шартномаларни бажариш, шунингдек Банк томонидан бошқа шахслар, жумладан суғурта ташкилотлари билан тузилган ва Мижоз вакил, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган шартномаларни бажариш, ушбу шартномалар бўйича Мижознинг шахсга доир маълумотларини тегишли шахсларга тақдим этиш, шунингдек Банкнинг Шартномалар бўйича кредитор ҳуқуқларини амалга ошириш, жумладан ҳуқуқ (талаб)ларни учинчи шахсларга ён бериш орқали;

- Шартномалар бўйича Қарздорликни талаб қилиш ундириш (сўндириш, ундириш);

- Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, уларни, шу жумладан электрон шаклда сақлаш ва таркибида Мижознинг Шахсга доир маълумотлари ҳамда банк сири мавжуд бўлган ҳужжатларни ташиш;

- Шартномаларни тузиш ва бажариш, шунингдек Банкнинг улар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш юзасидан ҳар қандай шаклда хулосалар ва маслаҳатлар (консультация) олиш, шу жумладан Мижознинг Шахсга доир маълумотларини Банк томонидан шундай хулосалар ва маслаҳатлар (консультация) олиш мақсадида жалб этилган аудиторлар ва бошқа учинчи шахсларга тақдим этиш;

- молиявий хизматлар сифатини яхшилаш ва Мижозлар учун энг мақбул ҳамда манфаатли таклифларни танлаш;

- реклама, ахборот ва маркетинг хабарларини юбориш;

- Банк ва Мижоз ўртасида тузилган Шартномалар ҳамда бошқа ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Бунда шахсга доир маълумотларга ишлов беришга розилик мақсадларида Банк Ҳамкорлари деганда Банк билан бир банк ҳолдингига кирувчи шахслар ва Банкнинг аффилиланган шахслари, шунингдек Банк билан шартномавий (ҳамкорлик) муносабатларига эга бўлган компаниялар (ҳамкор банклар, аудиторлар, суғурта ташкилотлари, телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари, транспорт компаниялари, темир йўл ва авиакомпаниялар, консалтинг ва баҳоловчи компаниялар, супермаркетлар, ресторанлар ҳамда бошқа хусусий ва давлат ташкилотлари, идоралар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва бошқалар) тушунилади. Лояллик дастурларида иштирок этувчи Банк Ҳамкорлари ҳақидаги тўлиқ ва долзарб маълумот Банкнинг веб-сайтида жойлаштирилади.- рассмотрения Банком возможности заключения ДКБО, Договоров в рамках ДКБО, обеспечительных договоров и иных договоров с Банком, положительное или отрицательное решение по заключению которых может быть принято Банком, в том числе исключительно автоматизированной обработкой Персональных данных Клиента;

7.6. Ушбу Қоидаларга қўшилиш орқали Мижоз Банк ва Банк Ҳамкори қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлигига розилик беради:

- Мижоз маълумотларини қайта ишлаш мақсадлари учун зарурат туғилганда, Шахсга доир маълумотларнинг махсус тоифалари ҳамда биометрик шахсга доир маълумотларга ишлов бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг Амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳолларда, шу жумладан бошқа банклар ва/ёки ташкилотларда, қарздорликни ундириш ҳамда мавжуд маълумотларни долзарблаштириш мақсадида Мижознинг розилигисиз Шахсга доир маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш;

- Шахсга доир маълумотларни, шу жумладан шахсга доир маълумотлар субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг етарли даражасини таъминламайдиган давлатларга трансчегаравий узатиш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти давлат реестри (КАДР/ГРКИ), кредит бюрolari, гаров реестри, Давлат солиқ қўмитаси, процессинг марказлари, шунингдек бошқа давлат ва нодавлат идоралари ҳамда ташкилотларига кредит бўйича мавжуд барча маълумотларни кредитга лаёқатлиликини баҳолаш ва идентификация қилиш учун зарур ҳажмда, тартибда ва шартларда тақдим этиш ва олиш;

- Мижознинг рўйхатдан ўтган манзилига, ҳақиқий яшаш манзилига ҳамда иш жойи бўйича ёзма мурожаатлар ва сўровлар юбориш.

7.7. Мижоз шу билан розилик берадики, агар Мижоз (ёки Мижоз вакили бўлган шахс) билан Банк ўртасида тузилган тегишли шартномада Мижознинг шахсга доир маълумотларини очиқ алоқа каналлари орқали (шу жумладан трансчегаравий узатиш) бериш назарда тутилган бўлса, Мижоз учинчи шахслар томонидан маълумотларни рухсатсиз олиш мумкин бўлган хатарни англайди ва ушбу хатарни ўз зиммасига олади. Мижоз Банкка тақдим этадиган ҳужжатларда (Аризаларда ва бошқа ҳужжатларда) учинчи шахслар (турмуш ўртоғи, вакили, наф олувчи ва/ёки бошқа шахслар) ҳақидаги маълумотларни кўрсатганда, Мижоз Банкка мазкур шахсларнинг шахсга доир маълумотларига Банк томонидан шартномалар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, кейинчалик Банк ва Мижознинг ушбу шартномалар бўйича ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини амалга ошириш, шунингдек сақлаш мақсадида ишло беришга топширади. Бунда Мижоз ушбу шахслардан уларнинг шахсга доир маълумотларини Мижоз томонидан (шу жумладан Банкка тақдим этиш орқали), шунингдек Банк ва Банк Ҳамкорлари томонидан ишлов бериш учун розилик олганлигини тасдиқлайди.

7.8. Мижоз Банк томонидан Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига Мижознинг Шахсга доир маълумотлари ҳамда Пенсия жамғармасининг Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этишга, шунингдек Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан Мижоз ҳақидаги маълумотларни олишга ўз розилигини беради.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Тарафлар табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, ер силкиниши, ёнғин, иш ташлаш ва бошқа вазиятлар (тарафлардан бирининг айби билан келиб чиқмаган, бироқ улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир ўтказадиган техниканинг ишдан чиқиши, дастурий таъминотдаги, электр таъминотидаги ва маълумотлар узатиш тизимидаги узилишлар), оммавий тартибсизликлар, давлат бошқарув ва назорат органларининг ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг чекловчи-таъқиқловчи чоралари/ҳужжатлари, коммунал авариялар ва натижаси КБХШ ёки банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисида тузилган ҳар қандай Шартномаларни бажариш имкониятини чеклайдиган ёки уларни бажаришга йўл қўймайдиган Тарафлар таъсир кўрсата олмайдиган ҳамда уларнинг келиб чиққанлиги учун жавобгар бўлмайдиган бошқа ходисалар каби енгиб бўлмайдиган куч натижасида КБХШ бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди, Тарафларнинг мажбуриятларини бажариш муддати КБХШ ёки банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги тегишли Шартномани бажарилишига таъсир қилувчи юқоридаги вазиятларнинг амал қилиш муддати тугаган муддатгача қўчирилади. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари келиб чиққанида Мижоз бу ҳақида, шу жумладан, КБХШ ва унинг доирасида тузилган банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш имконияти мавжуд эмаслиги ҳақида Банкни 3 (уч) календар кун мобайнида ёзма шаклда, Банк эса ҳар қандай мақбул усулда (Банк сайтида, Банк офисларида, SMS-хабарнома ва бошқ.) хабардор қилиши шарт.

8.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари бунга ваколатли бўлган органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда тасдиқланганида форс-мажор бўлиб ҳисобланади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1. КБХШ ва/ёки унинг доирасида алоҳида тузилган Шартнома шартлари ва ушбу шартларнинг Тарафлар томонидан бажарилиши бўйича келишмовчилик ва низолар келиб чиққан тақдирда, Тарафлар низоли ҳолатни ҳал этишга қаратилган барча чораларни кўрадилар.

9.2. Мижоз КБХШ бўйича хизмат кўрсатиш доирасида Банкнинг ҳаракатларидан норози бўлганда, шу жумладан Мижоз томонидан МБХ доирасидаги Ариза, Топшириқномага асосан Банк томонидан амалга оширилган Операцияга норозилик билдирилганидан у Банк Офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак.

9.3. Ҳужжатлар ва коммуникацияларнинг юридик кучи:

9.3.1. Банк томонидан шакллантирилган Ҳисобварақлар/Карталар бўйича кўчирмалар Операциялар амалга оширилганлиги ва уларнинг шартларини тасдиқловчи тегишли далил ҳисобланади. Кўчирма маълумотлари билан Мижознинг бошқа ҳужжатлари ўртасида тафовут юзага келган тақдирда, Банк кўчирмаси устувор ҳисобланади.

9.3.2. Банкнинг ахборот тизимларида қайд этилган маълумотлар (жумладан, логлар, транзакциялар ёзувлари, Аутентификация маълумотлари) Томонлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда ишончли ва етарли далил ҳисобланади.

9.3.3. Банк томонидан Қоидаларда назарда тутилган ҳар қандай усул (SMS-хабарнома, PUSH-хабарнома, электрон почта, Шахсий кабинет, почта жўнатмаси) орқали юборилган хабарнома Мижоз томонидан куйидаги муддатларда олинган деб ҳисобланади:

- SMS-хабарнома, PUSH-хабарнома ва Шахсий кабинетга жойлаштирилган хабарномалар учун — юборилган пайтдан бошлаб;

- электрон почта учун — кейинги иш кунида;

- почта жўнатмалари учун — жўнатилган санадан бошлаб 3-календарь куни.

Мижоз кўрсатилган алоқа каналларини мунтазам текшириб бориши шарт. Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра хабарнома олинмаганлиги Мижозни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.4. Қоидаларнинг мустақиллиги:

9.4.1. Суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан КБХШ, Қоидалар ёки Шартномаларнинг бирор қоидаси ҳақиқий эмас, қонунга хилоф ёки ижро этиб бўлмайдиган деб топилиши бошқа қоидаларнинг ҳақиқийлигига таъсир қилмайди ва улар тўлиқ юридик кучини сақлаб қолади.

9.4.2. Алоҳида қоида ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Томонлар уни Томонларнинг дастлабки мақсадларига ва Амалдаги қонунчилик талабларига максимал даражада мос келадиган қоида билан алмаштириш мажбуриятини олади.

9.5. Ҳуқуқдан воз кечиш:

9.5.1. неосуществление или задержка в осуществлении Банком какого-либо права, предусмотренного ДКБО, Правилами или Договорами, не означает отказа от такого права и не препятствует его осуществлению в будущем;

9.5.2. Банк томонидан КБХШ, Қоидалар ёки Шартномаларда назарда тутилган бирор ҳуқуқни амалга оширмаслик ёки кечиктириб амалга ошириш ушбу ҳуқуқдан воз кечишни англатмайди ва уни келгусида амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

9.5.3. Банк томонидан ҳуқуқнинг бир марта ёки қисман амалга оширилиши мазкур ҳуқуқни кейинчалик тўлиқ ёки қайта амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

9.6. Қўлланиладиган ҳуқуқ ва тил:

9.6.1. КБХШ, Қоидалар ва Шартномалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади ва талқин қилинади.

9.6.2. КБХШ, Қоидалар ва улар билан боғлиқ барча ҳужжатларнинг расмий тиллари ўзбек ва рус тиллари ҳисобланади. Бошқа тилларга қилинган таржималар фақат Мижозга қулайлик яратиш мақсадида тақдим этилади ҳамда тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда юридик кучга эга эмас.

9.7. КБХШ, шунингдек банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартномалар ҳамда улардан келиб чиқадиган мажбуриятлар, жумладан уларни бажариш, ўзгартириш, бекор қилиш, тугатиш ва шартнома бажарилмаганлиги оқибатида юзага келган барча низолар Банк жойлашган жойдаги фуқаролик судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида (Ҳакамлик суди) унинг Регламенти, Ҳакамлик суди тўғрисидаги Низом, Ҳакамлик судида йиғимлар, харажатлар ва суд чиқимлари тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ яқка тартибдаги ҳакам томонидан кўриб чиқилади. Қайси судга мурожаат қилиш ҳуқуқи даъвогарда сақланиб қолади.

9.8. Қоидаларда назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига амал қиладилар.

9.9. Қоидаларга ва/ёки Қоидаларнинг Иловаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, улар мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

10. БАНК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки номидан Ягона филиал

Манзил (жойлашган жойи): Ўзбекистон Республикаси,

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 7А-уй,

Маълумот учун телефонлар (call center): (+998 71) 200-16-16 и 200-15-15

Ишонч телефони: (+998 78) 148-40-11

Банкнинг интернет тармоғидаги расмий сайтлари: <https://kapital24.uz> и <https://kapitalbank.uz>

E-mail: info@kapitalbank.uz

11. ҚОИДАЛАРГА ИЛОВАЛАР.

11.1. Қуйидаги Иловалар мазкур Қоидаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади:

Илова 1 – «АТБ «Капиталбанк» ягона филиалида жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш қоидаларига қўшилиш шартномаси»

Илова 2 - «АТБ «Капиталбанк» Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига қўшилиш бўйича оммавий оферта»

Илова 3 - «Жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш ва қилиш этиш тартиби»

Илова 4 – «Жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча омонатини (ҳисобварағини) очиш бўйича шартномани тузиш ва ижро қилиш тартиби»

Илова 5 – «Жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш бўйича шартномани тузиш ва ижро қилиш тартиби»

Илова 6 – «Шахсга доир маълумотларни ўзгартиришга ариза»

Илова 7 – ««KAPITAL PREMIUM» ВА «KAPITAL PRIVILEGE» хизматлар тўплами (пакети)га хизмат кўрсатиш шартлари»

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига
1-СОН ИЛОВА

АТБ «КАПИТАЛБАНК» ЯГОНА ФИЛИАЛИДА
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА КОМПЛЕКС БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ
ҚОИДАЛАРИГА ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ № _____

Тошкент ш.

«___» _____ 202_ й.

«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки (бундан кейин «**Банк**» деб номланувчи) номидан _____.20__ йилдаги ____-сонли Ишончномага асосан ҳаракат қилувчи бошлиғи _____

бир тарафдан, ва бундан кейин **«Мижоз»** деб номланувчи, _____ манзили бўйича яшовчи фуқаро _____ (паспорт серия ____ рақами _____, берилган жойи _____) иккинчи тарафдан,

биргаликда эса кейинчалик **«Тарафлар» («Томонлар»)** деб аталувчилар, мазкур АТБ «Капиталбанк»да жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш қоидаларига қўшилиш Шартномасини (бундан кейин – «Шартнома») қуйидаги мазмунда туздилар.

1. АТАМАЛАР

1.1 Мазкур Шартноманинг матнидаги атамалар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган АТБ «Капиталбанк»да Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидалари (бундан кейин – «Қоидалар») билан белгиланган тушунчага эга.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасига мувофиқ Мижоз сифатида мазкур Қоидаларга қўшилиш орқали. Қоидалар интернет тармоғида қуйидаги манзилда жойлаштирилган: www.kapital24.uz.

2.2. Қоидалар доирасида ишлаш учун, Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда хабарларни юбориш ва қабул қилиш мақсадида Мижознинг ваколатли электрон почта манзили/хабардор қилиш учун телефон рақами қуйидаги электрон почта манзили/телефон рақами тан олинади:

_____.
Электрон почта манзили/хабардор қилиш учун телефон рақами мавжуд бўлмаган тақдирда, барча хабарномалар Мижознинг доимий рўйхатдан ўтган манзилига юборилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. ТАРАФларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қоидалар билан белгиланади ҳамда Мижознинг ҳаракатлари, Мижоз томонидан, шу жумладан Мобил банк орқали Банк ижросига қабул қилинган Топшириқномалар ва аризаларни тақдим этилиши асосида юзага келади.

3.2. Мазкур Шартномани тузиш орқали Мижоз Қоидалар ва Банк Тарифлари шартлари билан танишганлигини ҳамда уларга розилигини тасдиқлайди.

4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

4.1. Шартнома Тарафлар ўртасида тузилган санадан кучга киради ва Қоидалар, шунингдек Амалдаги қонунчилик билан белгиланган асосларга кўра бекор қилингунга қадар амал қилади.

4.2. Шартнома ҳар қандай асосларга кўра бекор қилинган ҳолатда, Шартнома бекор қилингунга қадар исталган асос билан юзага келган барча мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда ҳамда мазкур Шартнома ва Қоидаларга мувофиқ ижро қилиниши шарт.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Тарафларнинг мазкур Шартнома бўйича муносабатлари Амалдаги қонунчилик, Қоидалар ва Банк Тарифлари билан тартибга солинади.

5.2. Ҳар бир Тараф амалдаги қонунчилик талабларига, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда банк сири тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлайди.

5.3. Мазкур Шартнома Қоидаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда Томонларнинг хоҳиш-иродасига кўра ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) бир хил нусхада тузилган бўлиб, ҳар бир Томон учун биттадан нусха мўлжалланган.

6. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк:
АТБ «КАПИТАЛБАНК»

Мижоз:

(Ф.И.Ш.)

Паспорт маълумотлари:
серия ва рақами

Берилиш санаси ва жойи:

Манзил:

Тел.:

Мижознинг имзоси:

Жамғарма дафтарчаси рақами:

**АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига
2-СОН ИЛОВА**

**АТБ «Капиталбанк» Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк
хизматлари кўрсатиш Қоидаларига қўшилиш бўйича
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358, 367 ва 370-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига **амал қилган ҳолда**,

замонавий банк хизматларини кўрсатиш ҳамда жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш имкониятини тақдим этишда инновацион банк технологияларидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш **мақсадларида**,

«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки (бундан кейин «Банк» деб аталувчи), номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи в лице Бошқарув Раиси Маевский К.Л., АТБ «Капиталбанк» Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига қўшилиш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ АТБ «Капиталбанк»да ёки АТБ «Капиталбанк»нинг ҳамкорида рақамли идентификациядан ўтган ва мазкур таклифни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига асосан тўлиқ (ҳеч қандай шартлар, истисно ва изоҳотларсиз) қабул қилган (акцептлаган) ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахсга (бундан кейин «Мижоз» деб аталувчи) йўлланган мазкур оммавий таклифни (бундан кейин – «Оферта») эълон қилади.

I. АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Офертани бир хил тарзда талқин қилиш мақсадида, қуйида келтирилган атамалар қуйидаги маъноларда қўлланилади::

Амалдаги қонунчилик – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, айнан олганда эса қонунлар, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ва қарорлари (фармойишлари, хатлари), ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимлар;

Масофавий банк хизматлари кўрсатиш (МБХ) –Банкнинг ваколатли ходими иштирокида МБХ сервисларини ишлатган ҳолда Банк томонидан Мижозга комплекс хизматларни тақдим этиш. Банк офисларида/ Ташкилот орқали идентификациядан ўтиш пайтига қадар - МБХ доирасида Мижозга Банкнинг ички сиёсатларига мос равишда лимитлар ўрнатилади ва қатъий равишда фақатгина қуйидаги банк хизматлари кўрсатилади:

- электрон ҳамёнларни очиш ва бошқариш;
- банк ҳисобварағи, жу жумладан банк картасини очиш ва бошқариш;
- банк карталаридан ёки электрон пул тизимларидан фойдаланган ҳолда трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга ошириш;
- онлайн микроқарз олиш;

ШТХ – Амалдаги қонунчиликка мувофиқ шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

Мобил телефон рақами – рақамли идентификациядан ўтиш жараёнида Мижоз томонидан кўрсатилган мобил алоқа телефон рақами. Мазкур Оферта доирасида бир вақтнинг ўзида Мижозда фақатгина битта Мобил телефон рақами бўлиши мумкин;

Бир марталиқ код – мазкур Офертани акцептлаш учун Банк томонидан шакллантириладиган ва Мобил телефон рақамига хабар сифатида Мижозга юбориладиган махсус код.

Ташкилот – тўлов хизматларини амалга ошириш бўйича Банк билан агентлик (воситачилик) шартномасини тузган ва банк картасини етказиб бериш пайтида Банк номидан Мижознинг юзма-юз Идентификациясини амалга оширувчи ташкилот;

организация, заключившая с Банком агентский договор на оказание платёжных услуг, и осуществляющая очную Идентификацию Клиента от имени Банка в момент доставки банковской карты.

Ҳамкор – Банк билан Ўзаро идентификациялаш шартномасини тузган ташкилот;

Шахсга доир маълумотлар – Амалдаги қонунчиликка мувофиқ МАБда қайд этилган, Мижозга тааллуқли бўлган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган ахборот;

Тариф – Мижозлар – жисмоний шахсларга хизмат кўрсатганлик учун “Капиталбанк” АТБнинг воситачилик ҳақи Тарифларига мувофиқ банк маҳсулотини тақдим этиш ва унга хизмат кўрсатиш шартлари;

Учинчи шахслар – агар Амалдаги қонунчилик ва Қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Банк ва Мижоздан ташқари барча бошқа шахслар;

МАБ – Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат тизимининг Марказий ахборот базаси.

1.2. Мазкур Оферта матнида келтирилган бошқа атамалар мазкур Офертанинг ажралмас қисми ҳисобланган Қоидаларда келтирилган маъно билан бир хил ҳисобланади.

1.3. Мазкур Оферта матиндаги атаманинг тўлақонли талқини мавжуд бўлмаган тақдирда Қоидаларда атаманинг, биринчи навбатда - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, иккинчи навбатда – Банкнинг расмий сайтида, ундан кейин – вужудга келган (умумфойдаланишдаги) талқинга риоя этилиши лозим.

II. ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Оферта предмети бўлиб, Мижознинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида келтирилган тартибда Қоидаларнинг амалдаги таҳририга мижоз сифатида сўзсиз ва тўлиқ (ҳеч қандай шартлар, изоҳотлар, истиснолар, айиришлар ва эътирозларсиз) қўшилиши ҳисобланади.

2.2. Қоидалар ва Банк Тарифлари Банкнинг Интернет тармоғидаги www.kapitalbank.uz сайтида чоп этилган (эълон қилинган).

III. АВТОРИЗАЦИЯ ВА ОФЕРТА АКЦЕПТИ ТАРТИБИ

3.1. Авторизация мақсадида, Фойдаланувчи Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом (Адлия вазирлигидаги 2021 йил 30 сентябрда 3322-сон билан рўйхатга олинган)га мувофиқ Банкда ёки Ҳамкорда рақамли идентификациядан ўтади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига мувофиқ, мазкур Оферта матнининг Банкнинг Интернет тармоғидаги www.kapitalbank.uz сайтида чоп этилиши мазкур Офертанинг муқаддимасида келтирилган талабларга жавоб берувчи номуайян жисмоний шахслар доирасига йўлланган мазкур Офертани акцептлаш (Қоидаларга қўшилиш) учун оммавий таклифи (оферта) ҳисобланади.

3.3. Тарафлар Мижознинг Банк (мобил иловаси ёки веб-сайти) интерфейсида Банкдан олинган ёки Ҳамкордан олинган бир марталик кодни киритиш ҳолати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, мазкур Офертани шартлари сўзсиз қабул қилиниши (акцептини) эканлигини тан оладилар.

3.4. Акцептни амалга ошириб, Мижоз қуйидагиларни тасдиқлаган ҳисобланади:

3.4.1. мазкур Оферта, Қоидалар ва Банк Тарифларининг барча шартлари билан танишиб чиққан ва улар қандай баён этилган бўлса шундай, ҳеч қандай шартлар, чекловлар ва изоҳотларсиз уларни қабул қилади;

3.4.2. мазкур Оферта, Қоидалар ва КБХШнинг барча шартлари/талабларига риоя этишга рози ва мажбур;

3.4.3. ҳуқуқий/муомала лаёқатига эга ва ўзининг Банк билан шартномавий муносабатларга киришишга қонуний ҳуқуқини тасдиқлайди;

3.4.4. рақамли идентификациядан ўтишда ҳаққоний, амалда бўлган ва тўлиқ маълумотларни кўрсатган;

3.4.5. қуйидагилар билан тўлиқ танишиб чиққан:

- МБХдан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича тавсиялар, МБХ доирасида Тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шанингдек МБХнинг бошқа шартлари;

- Қоидаларга қўшилиш туфайли юзага келадиган юридик оқибатлар;

- Банк томонидан Қоидалар ва Банк Тарифларига ўзгартиришлар ва/ёки тўлдиришлар киритилиши тартиби;

3.4.6. ўз шахсга доир маълумотларининг Банк томонидан ишлов берилишига розилигини берди.

3.4.7. рақамли идентификациядан муваффақиятли ўтгандан сўнг ҳамда илгари миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва/ёки виртуал Карта очилмаган бўлса, талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини ва/ёки виртуал Картани очишга ўз розилигини берган.

3.5. Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳужжат айланишига доир қонунчилигига асосланган ҳолда Тарафлар акцептланган мазкур Офертани қоғоз ташувчи ҳужжатдаги шартнома билан тенглаштирадилар ва бунга розилар, ҳамда у билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайдилар.

3.6. Оферта, шунингдек КБХШ доирасида шаклландиган бошқа ҳужжатлар муҳр билан тасдиқланиши ва/ёки Тарафлар шахсан кўлда имзо қўйишлари шарт эмас, ва бу билан биргаликда ўз юридик кучини тўлиқ сақлайди.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Қоидалар билан белгиланади ва Мижоз томонидан мазкур Оферта акцептланганидан сўнг юзага келади.

4.2. Мижоз Текшириш коди / Бир марталик код ва Банк томонидан МБХ доирасида ахборот тақдим этиладиган алоқа воситалари Учинчи шахслар томонидан фойдаланишига йўл қўймаслик мажбуриятини олади. Мижоз Бир марталик коднинг, шунингдек МБХ доирасида Банкдан олинган ҳар қандай хабар ва маълумотларнинг Учинчи шахсларга берилиши натижасида юзага келган барча оқибатлар (шу жумладан, юзага келган ҳаражатлар, зарар, эътироз ва бошқа салбий оқибатлар) учун тўлиқ жавобгарликка эга. Банк Бир марталик код ва Банкдан олинган ахборотнинг Учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланиши юзасидан жавобгарликка эга эмас.

4.2.1. Мижозни Аутентификация қилиш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган ҳисобланади ва баҳсга/низога тортилмайди, ва бунга Мижоз ўз розилигини билдиради.

4.3. Банк Мижознинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш жараёнида уларнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

V. ОФЕРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИНГ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Оферта у ушбу Офертанинг 3.3 бандида келтирилган тартибда акцептланган санадан бошлаб кучга киради, ва Қоидалар билан, шунингдек Амалдаги қонунчилик билан назарда тутилган асосларда унинг бекор қилинишига қадар амал қилади.

5.2. Мазкур Оферта шартлари ўзгариши тўғрисида Банк Мижозни қўшимчалар ва/ёки ўзгаришларнинг режалаштирилган санасидан камида 10 (ўн) календар куни аввал Мижознинг Шахсий кабинетига Қоидаларда назарда тутилган тартибда электрон шаклда хабарнома юбориш мажбурий жараёнига риоя қилган ҳолда хабардор қилади.

5.2.1. Мижоз томонидан мазкур Тартиб ва/ёки Қоидалар шартлари бажарилмаганлиги сабабли, шунингдек Амалдаги қонунчилик талаблари ва Шартнома бўйича ёки КБХШ доирасида Мижоз ва Банк ўртасида тузилган бошқа Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мақсадида Карта(лар)нинг, шу жумладан Қўшимча Карталарнинг амал қилишини тўхтатиб туриш.

5.2.2. Банк ва Мижоз манфаатларига нисбатан фирибгарлик хатари ёки бошқа хатар юзага келган тақдирда, шунингдек Амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда, Картҳисобварақ ва/ёки Карта бўйича Операцияларни амалга оширишни бир томонлама тартибда блоклаш ёки чеклаш.

Банк манфаатларига нисбатан фирибгарлик хатари ёки бошқа хатар юзага келган тақдирда, Мижознинг қўшимча топшириқларисиз (олдиндан берилган акцепт асосида) Картҳисобварақдан пул маблағларини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш. Бундай ҳолда Банк ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини сабаблар аниқлангунига ёки суднинг тегишли қарори/ажрими (ҳукми) ёхуд бошқа ваколатли органнинг қарори қабул қилингунига қадар махсус банк Ҳисобварағига жойлаштириши мумкин.

5.2.3. Қабул қилинган қарор ҳақидаги хабарномани Мижознинг Шахсий кабинетига жойлаштириш орқали қуйидаги ҳолларда Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишни вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек Картани олиб қўйиш:

- Карта ёки унинг реквизитларидан ғайриқонуний фойдаланилганлигини яққол кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда;

- банк картасидан бунга ваколати бўлмаган шахс фойдаланганда;
мазкур Тартиб ва Амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

5.2.4. Чиқарилган/қайта чиқарилган ва Карта чиқарилган/қайта чиқарилган санадан бошлаб 1 (бир) йил давомида Мижоз томонидан олинмаган Картани, тўланган комиссияни қайтармасдан ёпиш (Картҳисобварақни ҳам ёпган ҳолда). Банкнинг Картҳисобварақ ва Картани ёпиш ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида Мижоз мазкур банд Картҳисобварақ ва Картани ёпиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси ҳисобланишини тасдиқлайди.

5.2.5. Агар охириги Операция амалга оширилган пайтдан бошлаб 1 (бир) йил давомида Карта ва/ёки Картҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилмаган ва бунда Карта/Картҳисобварақда пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлмаса, Картани ва Картҳисобварақни ёпиш. Банкнинг Картҳисобварақ/Картани ёпиш ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида Мижоз мазкур банд Картҳисобварақ ва Картани ёпиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси ҳисобланишини тасдиқлайди.

5.2.6. Агар охириги Операция амалга оширилган пайтдан бошлаб 1 (бир) йил давомида Карта ва/ёки Картҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилмаган ва бунда Карта/Картҳисобварақда пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлса, Картани/Картҳисобварақни блоклаш ҳамда Карта/Картҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғини 29842 – «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказиш. Банкнинг Картани блоклаш ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида Мижоз мазкур банд Банк томонидан Картани блоклаш ҳамда пул маблағлари қолдиғини тегишли ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси ҳисобланишини тасдиқлайди. Бунда Мижоз Банк офисларига мурожаат қилиш орқали Карта/Картҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғини олишга ҳақли.

Банк Картани блоклаш ва пул маблағлари қолдиғини 29842 – «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказиш ҳақида Мижозни мобил телефон рақамига SMS-хабар юбориш/МБХ орқали PUSH-хабарнома юбориш йўли билан хабардор қилади.

5.2.7. Агар Картанинг амал қилиш муддати тугаган бўлса ва охириги Операция амалга оширилган пайдан бошлаб 1 (бир) йил давомида Карта ва/ёки Картҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилмаган ва бунда Карта/Картҳисобварақда пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлса, Картани/Картҳисобварақни ёпиш ҳамда Карта/Картҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғини 29842 – «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказиш. Банкнинг Картани/Картҳисобварақни ёпиш ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида Мижоз мазкур банд Банк томонидан Картани ёпиш ҳамда пул маблағлари қолдиғини тегишли ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси ҳисобланишини тасдиқлайди. Бунда Мижоз Банк офисларига мурожаат қилиш орқали Карта/Картҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғини олишга ҳақли.

Банк Картани ёпиш ва пул маблағлари қолдиғини 29842 – «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказиш ҳақида Мижозни мобил телефон рақамига SMS-хабар юбориш/МБХ орқали PUSH-хабарнома юбориш йўли билан хабардор қилади.

5.2.8. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва маълумотлар ишончсиз бўлган тақдирда, сабабларини тушунтирмасдан Мижозга Картани чиқариш ва Картҳисобварақни очишни рад этиш.

5.2.9. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғын қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Мижоздан Мижозни идентификация қилиш имконини берувчи ва Картҳисобварақ бўйича амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш.

Банк томонидан қуйидаги ҳолатлар аниқланган кунда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечиш:

- Картадан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғын қуролларини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланилганлиги бўйича асосли шубҳалар мавжуд бўлганда;

- шубҳали (гумонли) операциялар такроран амалга оширилганда ёки Картадан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида операциялар амалга ошириш учун фойдаланилганлиги бўйича асосли шубҳалар мавжуд бўлганда.

5.2.10. Қуйидаги битимлардан келиб чиқадиган Мижознинг Банк олдидаги мажбуриятларини бажариш мақсадида Мижознинг қўшимча топшириқларисиз (олдиндан берилган акцепт асосида) Картҳисобварақдан, шу жумладан Суғурта депозити ҳисобидан пул маблағларини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш:

- мазкур Тартибга мувофиқ тузилган шартнома, шу жумладан Банк Тарифларида белгиланган комиссиялар;

- Банк ва Мижоз ўртасида тузилган кредит шартномаси, шу жумладан асосий қарз, фоизлар, пенялар, жарималар, қопламалар ва кредит шартномасида назарда тутилган бошқа тўловлар;

- Банк билан тузилган ва унда Мижоз кафил сифатида иштирок этувчи кафиллик шартномаси;

- Банк ва Мижоз ўртасида тузилган бошқа шартномалар.

5.2.11. Мижоз Шартнома шартларини бузган тақдирда ҳамда Мижоз томонидан Картадан фойдаланиш натижасида Банк асоссиз молиявий йўқотишлар хатарига дучор бўлган тақдирда, Банк томонидан тасдиқланган жарима санкцияларини қўллаш ва Картанинг амал қилишини тўхтатиб туриш.

5.2.12. Картҳисобварақда маблағлар етарли бўлмаган тақдирда савдо (хизмат кўрсатиш) корхонасига Авторизация тартибини амалга оширишни рад этиш.

5.2.13. Мижозга Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилиши натижасида Банк томонидан қилинган, Банк Тарифларида назарда тутилмаган,

бирок Тўлов тизимида назарда тутилган комиссия харажатларини Мижознинг Картҳисобварағидан ундириш.

5.2.14. Мижознинг Ҳисобварағи ва/ёки Картасида пул маблағлари икки марта акс эттирилган/ киритилган тақдирда ва улар Мижоз томонидан асоссиз сарфланган тақдирда ёки дебет Картаси ва/ёки Ҳисобварағи бўйича овердрафтга (қарздорликка) йўл қўйилган тақдирда, ёки Мижоз Банк маблағлари ҳисобидан Асоссиз бойиш ҳолати аниқланган тақдирда, Банк Мижознинг пул маблағлари икки марта акс эттирилиши/ киритилиши ёки дебет Картаси ва/ёки Ҳисобварағи бўйича овердрафт (қарздорлик) натижасида юзага келган қарздорлигини сўндириш, ва/ёки Мижоздан Асоссиз бойиш суммасини қайтариш учун, АКБ «Капиталбанк»даги Мижознинг миллий ёки хорижий валютадаги барча ҳисобварақлари/карталаридан, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса Мижознинг миллий ёки хорижий валютадаги ҳар қандай бошқа ҳисобварақлари ва бошқа банк карталаридан пул маблағларини акцептсиз ва низосиз тартибда ҳисобдан чиқариш бўйича чақириб олинмайдиган ва сўзсиз ҳуқуққа эга бўлади.

5.2.15. Мазкур Тартибнинг 5.2.13-бандида кўрсатилган қарздорлик Мижознинг хорижий валютадаги ҳисобварақлари/карталаридан Банк томонидан ҳисобдан чиқариш кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги курси бўйича миллий валюта — «сўм»га конвертация қилиш орқали акцептсиз (бир томонлама) тартибда ҳисобдан чиқарилади.

5.2.16. Дебет Картаси ва/ёки Ҳисобварағи бўйича овердрафтга (қарздорликка) йўл қўйилган тақдирда ва Карта ва/ёки Ҳисобварақ бўйича бундай овердрафт (қарздорлик) юзага келган санадан бошлаб 30 кун ўтгандан кейин, Банк Картани бир томонлама тартибда блоклашга чақириб олинмайдиган ва шартсиз ҳуқуққа эга бўлади, Мижоз эса Банкка бундай ҳуқуққа розилик ва ваколат беради.

5.2.17. Мижоз томонидан санкцияланмаган деб таснифланган ва/ёки таърифланган операциялар бўйича, шу жумладан Мижознинг ёзма аризаси мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам, Банк халқаро тўлов тизимларининг операцион қоидаларига мувофиқ карта транзакцияларини баҳслашиш чораларини амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

5.2.18. Карта сақловчисининг Картҳисобварағига нақд пулсиз тартибда келиб тушадиган пул маблағларини, шу жумладан Қайтариш тўловлари ва транзакцияни бекор қилиш суммасини Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ кирим қилиш. Пул маблағларини қайтариш операцияси амалга оширилганда, Банк Тарифларига мувофиқ комиссия ундириш Банк ихтиёрида қолади.

5.2.19. Қоидаларда назарда тутилган тартибда Шартномага ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритишни таклиф қилиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Банк ўз назоратидан ташқарида бўлган форс-мажор ҳолатлари, ташқи ҳисоб-китоб тизимлари, Тўлов тизимлари, маълумотларга ишлов бериш ва маълумотларни узатиш тизимларидаги носозликлар билан боғлиқ ҳолатлар учун, шунингдек Карта учинчи томон томонидан тўловга қабул қилинмаган тақдирда жавобгар бўлмайди.

6.2. Банк Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда Операцияларни амалга ошириш учун бошқа кредит ташкилотлари, молия муассасалари, Тўлов тизимлари ва ҳисоб-китобларнинг бошқа иштирокчилари томонидан ундириладиган комиссиялар ва қўшимча тўловлар учун жавобгар бўлмайди.

6.3. Банк Мижоз томонидан Карта бўйича Операцияларни тўхтатиб туриш (блоклаш) ёки Карта йўқотилганлиги ҳақида Банкка хабар берилгунига қадар Карта бўйича амалга оширилган Операциялар, шу жумладан Карта реквизитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган Операциялар учун жавобгар бўлмайди. Банк Тўлов тизимлари талабларига мувофиқ Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши шарт ва Мижоз томонидан Карта бўйича Операцияларни тўхтатиб туриш (блоклаш) ёки Карта йўқотилганлиги ҳақида ариза берилган пайтга қадар амалга оширилган Операциялар суммаларига эквивалент суммаларга Мижознинг Картҳисобварағини дебетлаш ҳуқуқига эга.

6.4. Банк қуйидаги ҳолларда Мижоз олдида жавобгар бўлмайди:

- агар Карта сақловчиси Қоидалар, Шартнома, Банк Тарифлари ва Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган қоидалар ва жараёнларни бузган бўлса;

- Карта Сақловчиси томонидан қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилган тақдирда;

- агар банк картаси ва (ёки) ПИН-код йўқотилиши Мижознинг айби ёки эҳтиётсизлиги туфайли юзага келган бўлса.

6.5. Банк қуйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

- Карта реквизитлари кўрсатилган ҳолда Интернет орқали транзакциялар амалга оширилган бўлса, Мижознинг молиявий йўқотишлари учун;

- Банк назоратидан ташқарида бўлган ҳолатлар сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмаслик учун;

- савдо (хизмат кўрсатиш) корхоналари томонидан товарлар/ишлар/хизматларни реализация қилиш бўйича ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги учун;

- Транзакцияларни амалга оширишда иштирок этувчи учинчи шахсларнинг ускуналари ёки алоқа каналлари ишидаги носозликлар учун;

- Шартнома шартларига мос келмайдиган ёки уларга зид бўлган Транзакциялар бўйича ёхуд мазкур Тартибнинг 5.2.6-бандида кўрсатилган сабаблар бўйича пул маблағларини қоплаш бўйича;

- Мижоз Транзакцияни баҳсли операция сифатида баҳслашган ва текширув жараёнида Транзакция суммаси Мижозга қайтарилган тақдирда, Транзакция ўтказилиши вақтида ушлаб қолинган комиссияни қоплаш бўйича.

6.6. Карта/Картҳисобварақ бўйича Картҳисобварақ валютасидан фарқ қилувчи валютада Операциялар амалга оширилган тақдирда, пул маблағларини конвертация қилиш (конверсия) Карта/Картҳисобварақ бўйича Операция амалга оширилган санада ва Картҳисобварақдан маблағлар ҳисобдан чиқарилган/Картҳисобвараққа кирим қилинган санада Тўлов тизими курси ёки Банк курси бўйича амалга оширилади. Бунда Карта/Картҳисобварақ бўйича Операция амалга оширилган сана Картҳисобварақдан маблағлар ҳисобдан чиқарилган/Картҳисобвараққа кирим қилинган санага мос келмаслиги мумкин. Курс Картҳисобварақдан маблағлар ҳисобдан чиқарилган/Картҳисобвараққа кирим қилинган санада амалда бўлган Тўлов тизими/Банк курсига мос келмаслиги мумкин.

Шу тариқа, Карта бўйича Операция амалга оширилган санада Картада ҳолд қилинган пул маблағлари суммаси ҳисобдан чиқариш/кирим қилиш санасида Картҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган пул маблағлари суммасидан фарқ қилиши мумкин, товар қайтарилган/хизматдан воз кечилган тақдирда эса Карта бўйича тўлов вақтида Картҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган сумма Картҳисобвараққа қайтариладиган пул маблағлари суммасидан фарқ қилиши мумкин. Шунинг натижасида юзага келадиган курс фарқи Мижоз томонидан даъво предмети бўлиши мумкин эмас, Мижоз бунга тўлиқ ва сўзсиз розилик билдиради.

6.7. Мижоз қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

- Шартнома шартларини бузганлиги учун;

- Картанинг сақланиши ва сақлаш шартларига риоя қилиниши учун, шунингдек Карта ёрдамида Мижоз ёки Карта реквизитларига эга бўлган учинчи шахслар томонидан амалга оширилган Транзакциялар учун;

- ПИН-код ва Карта реквизитларини бошқа шахсларга берганлиги учун;

- ПИН-код учинчи шахсларга ошкор қилинганлиги ҳақида Банк ёзма равишда хабардор қилингунга қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар учун;

- Мижоз Картани йўқотган тақдирда, Банк хабардор қилинган пайтга қадар Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча Транзакциялар учун;

- Карта реквизитларидан фойдаланган ҳолда Интернет орқали амалга оширилган барча Транзакциялар учун;

- Банкка тақдим этиладиган барча маълумотларнинг ишончлилиги учун;

- Банк томонидан Аризалар асосида очилган Карталар ва ҳисобварақлар билан вояга етмаган фарзанд (васийликдаги шахс) томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар учун.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

7.1. Мазкур Шартнома ушбу Тартибга мувофиқ Тарафлар томонидан тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва муддатсиз ҳисобланади.

7.2. Шартнома Мижознинг Аризаси (ушбу Тартибга 1-илова) асосида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Мижоз Ариза берилган кунда Шартнома доирасида чиқарилган барча амалдаги Карталарни Банкка қайтариши шарт.

Шартнома Картҳисобварақда пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлмаган тақдирда, МБХ орқали Карта ва Картҳисобварақни ёпиш бўйича онлайн-Ариза бериш йўли билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Картҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғи Амалдаги қонунчилик, Тўлов тизими қоидалари ва ушбу Тартиб талабларига мувофиқ қайтарилади.

7.2.1. Халқаро тўлов тизимлари карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш шартномаси бекор қилинганда, Ариза/онлайн-Ариза шартномани бекор қилишнинг тахминий санасидан камида 45 (қирқ беш) календарь кун олдин топширилиши шарт.

7.2.2. Миллий тўлов тизимлари карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Шартнома БҚДга онлайн ариза бериш орқали бекор қилинганда, онлайн ариза шартномани бекор қилишнинг тахминий санасидан камида 30 (ўттиз) календарь кун олдин топширилиши шарт.

7.3. Шартнома қуйидаги шартлар бажарилган тақдирдагина тугатилиши мумкин:

- Мижознинг ёзма аризаси мавжуд бўлиб, бунда ушбу Тартибга мувофиқ барча Карталар Банкка қайтарилган бўлиши;

- Мижоз Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажарган бўлиши;

- Мижознинг Банк олдида Қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

7.4. Агар Мижоз Карта чиқарилган/қайта чиқарилган санадан бошлаб 12 ой ичида Картани олмаган бўлса ҳамда Шартнома доирасида чиқарилган бошқа амалдаги Карталар мавжуд бўлмаса, Шартнома ўз кучини йўқотган (бекор қилинган) деб ҳисобланади. Мижоз мазкур банд Картҳисобварақ ва Картани ёпиш тўғрисидаги Аризаси ҳисобланишини тасдиқлайди.

7.5. Шартнома тугатилганда (бекор қилинганда), Шартнома бекор қилингунига қадар Банк Тарифларига мувофиқ Мижоз томонидан тўланган Карта/Картҳисобварақ ва улар бўйича операциялар билан боғлиқ барча комиссиялар Мижозга қайтарилмайди.

7.6. Шартноманинг тугатилиши (бекор қилиниши) Тарафларнинг Шартнома бўйича мажбуриятлари тугатилишига олиб келади ҳамда Картҳисобварақни ёпиш учун асос ҳисобланади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартномадан келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликлар Қоидалар билан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8.2. Мазкур Тартиб шартлари билан белгиланмаган бошқа ҳолларда, Тарафлар Амалдаги қонунчилик, Қоидалар ва Банк Тарифларига амал қиладилар.

8.3. Шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва тўлдиришлар (қўшимчалар), агар улар Қоидаларга мувофиқ амалга оширилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9. МАЗКУР ТАРТИБГА ИЛОВАЛАР

9.1. Қуйидаги Иловалар мазкур Тартибнинг ажралмас қисми ҳисобланади (*мурожаатнинг тақдим этиш шаклидан (электрон ёки ёзма) ва шартлардан келиб чиқиб, аризаларнинг шакли илова қилинганидан лардан фарқ қилиши мумкин*):

1-сон Илова – «Карта чиқариш/қайта чиқариш/ёпиш учун ариза»

2-сон Илова – «Банк картасини чиқаришга Онлайн-Ариза»

3-сон Илова – Банк ҳамкорининг интерфейсида «Банк картасини чиқаришга Ариза»

4-сон Илова – «Картоматлардан фойдаланиш қоидалари»

5-сон Илова – «Банк карталари бўйича Интернет орқали операцияларни амалга оширишда хавфсизликка риоя қилиш қоидалари»

6-сон Илова – «Карта ПИН-кодини блокировка қилиш/блокировкадан чиқариш/тиклаш ва СМС-хабарномани улаш бўйича ариза»

7-сон Илова – «Картани сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидалари»

8-сон Илова – «Низоли операциялар бўйича мижозларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби»

*Жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада
банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш
шартномасини тузиш ва ижро қилиш тартибига*
1-СОН ИЛОВА

АРИЗА

Кимдан:

(жисмоний шахс / қонуний вакил Ф.И.Ш.)

_____ номига очилган, қуйида кўрсатилган банк карталарини, шунингдек уларга тегишли ҳисобварақларни ёпишингизни сўрайман:

(Фарзанд (қарамоғидаги) Ф.И.Ш., туғилганлик гувоҳномаси рақами _____ санаси __.__.20__ й.,)

☐ ЧИҚАРИШ	☐ ҚАЙТА ЧИҚАРИШ	☐ ЁПИШ
☐ UZCARD DUO ☐ UZCARD KIDS фарзандим (қарамоғимдаги) номига ☐ HUMO ☐ HUMO KIDS фарзандим (қарамоғимдаги) номига	☐ Visa Instant ☐ Visa Gold ☐ Visa Infinite ☐ Visa Platinum ☐ Visa Gold Kids фарзандим (қарамоғимдаги) номига ☐ Асосий халқаро банк картаси Visa ☐ Қўшимча халқаро банк картаси Visa	☐ MasterCard Standard ☐ MasterCard Gold «Kapital Premium» хизматлар тўплами: ☐ Visa Infinite Veneer ☐ Visa Infinite Metal Edge «Kapital Privilege» хизматлар тўплами: ☐ Visa Infinite Metal Edge ☐ MasterCard World Black Edition ☐ MasterCard World Elite Metal Edge ☐ MasterCard World Black Edition

Картани қайта чиқариш сабаби: ☐ Шикаст./Йўқотиш ☐ Амал қилиш муддати тугаши
☐ Карта компрометацияси ☐ ШТХ Фамилия/исм орфографияси ўзгариши
☐ Карта техник носоозлиги ☐ Карта бўйича фирибгарлик ҳаракатлари амалга оширилиши

Чиқарилган/ ёпилган банк картаси рақами:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

МИЖОЗ ҲАҚИДА АХБОРОТ:

Паспорт маълумотлари _____

Туғилган санаси: _____

Фуқаролиги: _____

Кун/ой/йил

Фуқаролигингизни кўрсатинг

Рўйхатдан ўтган манзили:

_____ Паспортингизда (бошқа ШТХда) кўрсатилганидек тўлиқ манзилни кўрсатинг

Мобил телефон рақами: _____

почта манзили e-mail: _____

Телефон рақамини префикс билан бирга кўрсатинг

Шунингдек, куйидаги қўшимча хизматларни сўрайман:

☐ SMS – хабарномани улаш

SMS-хабар юбориш учун мобил телефон рақами:

9	9	8									
---	---	---	--	--	--	--	--	--	--	--	--

SMS-хабар юбориш учун отаси/онаси/васий/фарзандликка олувчининг Мобил телефон рақами:

9	9	8									
---	---	---	--	--	--	--	--	--	--	--	--

ХИЗМАТ МАЪЛУМОТЛАРИ:

Иш жойи: _____

Илтимос, сиз ишлайдиган ташкилот номини босма ҳарфларда кўрсатинг

Ташкилот манзили: _____

Сиз ишлайдиган ташкилот юридик манзилини кўрсатинг

Лавозим: _____ Хизмат телефони: _____

Лавозимингизни кўрсатинг

алоқа телефон рақамини кўрсатинг

КАЛИТ СЎЗ (НАЗОРАТ СЎЗИ):

Қўллаб-қувватлаш хизмати билан алоқа пайтида масофавий идентификация учун калит сўзни кўрсатинг:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Карта ҳисобварағи/ҳисобварақлари рақами¹:

№: _____

№: _____

№: _____

НАЗОРАТ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР:

КБХШ, Оммавий оферта, Банк Тарифлари АКБ «Капиталбанк» банк карталаридан фойдаланиш Қоидалари, Хизматлар Тўплами шартлари билан танишдим ва розиман. . (веб-сайт www.kapitalbank.uz)

Достоверность содержащихся в настоящем Заявлении сведений подтверждаю.

АРИЗА ИМЗОЛАНИШИ ПАЙТИГА БАНК КАРТАСИ ҲОЛАТИ:

☐ Карта аризада кўрсатилган рақам билан

☐ Йўқотилган, банкка топришилган ва менинг иштирокимда йўқ қилинган

Эгасининг имзоси

Сана

Банк картаси (ҳисобварағи)

¹ Мультивалютали карта очилган ҳолатда автоматик тарзда операциялар ҳисобини юритиш учун учта ҳисобварақ: USD (доллар США), EUR(ЕВРО), UZS(сум) валюталарида очилади

*Жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада
банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш
шартномасини тузиш ва ижро қилиш тартибига*
2-СОН ИЛОВА

**Банк картасини чиқариш бўйича
Онлайн-ариза**

Маҳсулотни танлаш	_____
Карта тури	_____
Валюта тури	_____
Етказиб бериш шакли	_____
Пул маблағларини киритиш учун электрон тугмача тасдиғи	

*Жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада
банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш
шартномасини тузиш ва ижро қилиш тартибига*
3-СОН ИЛОВА

АКБ «Капиталбанк»

_____дан
(мурожаатчининг фамилия, имя, шарифи)

**Банк картасини чиқариш бўйича
Ариза**

Менинг номимга банк карта(лар)ини чиқаришингизни,

шунингдек, _____ (валюта номи) да тегишли ҳисобварақлар очилишини сўрайман.

Мижоз тўғрисида ахборот	
ФИШ	
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат	
Фуқаролиги	
Ҳужжат серия ва рақами	
Ҳужжат берилган сана	
Ҳужжат берилган жойи	
Туғилган санаси	
Рўйхатдан ўтган манзили	
Телефон рақами	
Электронной почта манзили	
Калит сўз	

Мазкур аризани тўлдириш пайтига амалда бўлган Банк Тарифлари, оммавий оферта ва АТБ «Капиталбанк»да Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматларини кўрсатиш Қоидалари (*веб-сайт: kapitalbank.uz*) билан таншдим, уларга розиман, ва уларни ижро этиш мажбуриятини оламан. Мазкур Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайман.

Ушбу билан розилик билдираманки, Банк:

- мазкур Аризада кўрсатилган маълумотларни текшириш ҳуқуқига эга;
- мазкур Аризада кўрсатилган маълумотлардан Банкнинг реклама-ахборот материалларини юбориш учун фойдаланиши мумкин;
- банк картасини чиқаришни сабабини тушунтирмасдан рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади ва масофавий банк хизматлари каналлари орқали карта ҳисобварағи бўйича барча маълумотларни олишга

ҳақли.

12 ой мобайнида талаб қилиб олингунча ҳисобварақда пул маблағлари ва мазкур ҳисобварақ бўйича операциялар мавжуд бўлмаганда, Сиздан мен билан тузилган банк ҳисобварағи шартномасини бир тарафлама бекор қилишингизни ва ҳисобварақни ёпишингизни сўрайман.

Тўлдириш санаси:

Имзо:

КАРТОМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Мазкур Қоидалар талаблари Банк ҳудудида ва биноларидан ташқарида ўрнатилган Картоматлар хизматларидан фойдаланган ҳолда Мижозлар томонидан амалга ошириладиган операцияларга нисбатан қўлланилади.
2. Мазкур Қоидалар доирасида Мижоз Картоматлар орқали маҳаллий ва халқаро тўлов тизимларининг банк карталарини чиқариш операциясидан фойдаланиши мумкин.
3. Картоматлардан фойдаланган ҳолда операциялар Мижоз томонидан 24/7 (сутканинг исталган вақтида ва ҳафтанинг исталган куни) режимида амалга оширилади, дастурий-техник ишлар олиб борилаётган, Техник носозликлар юзага келган ва/ёки Инцидентлар аниқланиб, уларни бартараф этиш ишлари олиб борилаётган ҳолатлар бундан мустасно.
4. Картоматларга техник хизмат кўрсатиш, юзага келган Ҳодисалар (Инцидентлар) бўйича Мурожаатларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўрганиш вазифалари ўз ваколатлари доирасида ҳамда Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Тўлов ускуналари департаментининг масъул ходимлари зиммасига юклатилади.
5. Ҳодисалар юзага келганда ёки Картоматлар иш режими бузилганда Мижоз Банк Офисига ёки узлуксиз Қўллаб-қувватлаш хизматида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:
 - Алоқа марказининг қисқа рақами: 1340;
 - Банкнинг алоқа рақами: +(99871) 200-15-15;
 - электрон почта орқали: info@kapitalbank.uz;
 - Telegram мессенжеридаги бот орқали: customer_support@kapitalbank.uz.
6. Картомат орқали банк картасини фақат Банк Офисида идентификациядан ёки МБХ орқали Рақамли идентификациядан ўтган Банк Мижозлари олиши мумкин.
7. Банк картасини (шу жумладан Қўшимча картани) чиқариш учун ариза МБХнинг «Карталар» бўлими орқали берилади.
8. Картани чиқариш учун Мижоз Қоидалар ва уларга иловалар билан танишади ҳамда уларни акцепт қилади.
9. Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ, Банк картасини чиқарганлик учун Мижоздан комиссия ундирилиши мумкин.
10. Картани олиш усули сифатида «Картомат орқали» танланади ва мобил илова томонидан QR-код яратилади.
11. Банкнинг Картоматларидан бирига келгач, Мижоз Картомат экранида тўлов тизимини танлайди, QR-код тасвири чиққан мобил телефонни Картоматда жойлашган QR-код сканерига яқинлаштиради ва шу тариқа бир марталик тасдиқлаш коди (ОТР-код) билан тасдиқлаган ҳолда банк картасини чиқариш буйруғини беради.
12. Агар Картомат QR-кодни ўқий олмаса, Мижозга юзага келган хато ва уни бартараф этиш усули ҳақида хабар чиқарилади.
13. Картомат томонидан банк картасини чиқариш жараёни 1–3 дақиқа давом этади. Бунда Мижозга автоматик равишда Карта ҳисобварағи очилади ҳамда SMS-хабарнома хизмати уланади.
14. Банк картаси Мижозга берилгунга қадар Картомат экранида ёки мобил иловада банк картасини мустақил фаоллаштириш тартиби ҳақидаги маълумот акс эттирилади.
15. Мижоз Картоматда картани фаоллаштириш ҳақидаги маълумотни акцепт қилгач, халқаро тўлов тизими карталари учун 3D Secure хизмати автоматик уланган персоналлаштирилган банк картасини олади. Мижоз Банк томонидан тасдиқланган шаклдаги банк картасини олганлик дафтарига имзо қўймасдан Картоматдан картани олади, чунки берилган банк карталари ҳисоби бевосита Картомат томонидан электрон шаклда юритилади.

16. Картоматдан банк картасини олганда Мижоз карта олд томонида кўрсатилган фамилияси ва исмининг тўғри ёзилганлигини текшириши лозим. Агар ёзувда хатолар аниқланса, бу ҳақда Банкнинг исталган савдо нуқтасига ёки узлуксиз Қўллаб-қувватлаш хизматига мурожаат қилиб Банкка хабар бериши лозим.

17. Банк картасини Банкнинг мобил иловасида қуйидаги тартибда фаоллаштириш мумкин:

- мобил илованинг «Карталар» бўлимида рўйхатдан картани танлайди; - PIN-код ўрнатиш учун картани танлайди;

- PIN-код ўрнатиш ҳаракатини тасдиқлайди;

- мобил илова талабларига мувофиқ PIN-код ўрнатади;

- PIN-код муваффақиятли ўрнатилганлиги ва энг яқин Банкоматда балансни текшириш ҳақида PUSH-хабарнома олади.

18. Агар Картомат банк картасини бермаган бўлса, Мижоз Банкнинг узлуксиз Қўллаб-қувватлаш хизматига мурожаат қилиши лозим.

19. Ҳодисани бартараф этиш мақсадида Мижоз Мурожаат тақдим этади ҳамда банк картасини чиқаришга бўлган уриниш, Картомат жойлашган манзил, операция санаси, вақти ва бошқа маълумотлар юзасидан тушунтириш беради.

20. Ҳодиса Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида ҳамда қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўрганилади.

21. Ҳодиса сабаблари аниқланиб, Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан тасдиқланганидан сўнг, имконият мавжуд бўлса, банк картаси чиқарилади.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ БАНК КАРТАЛАРИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КИБЕРХАВФСИЗЛИККА РИОЯ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

I. Алоҳида Картадан фойдаланиб тўланг.

Интернетда тўлов қилиш учун, ҳисобварағида йирик пул маблағлари сақланадиган Асосий Картадан фойдаланманг. Бундай мақсадлар учун алоҳида Карта ва Картҳисобварақ очинг ҳамда заруратга қараб ушбу ҳисобвараққа маблағ ўтказиб туринг.

Не используйте для оплаты в Интернете Вашу основную Карту, на счёте которой находится крупная сумма денег. Откройте для таких целей отдельную Карту и Картсчет и переводите на этот счёт деньги по мере необходимости.

II. Картангиз маълумотларини нотаниш сайтларда қолдирманг.

Ўзингизга номаълум бўлган сайтларда шахсий маълумотларингиз ва Картангиз реквизитларини қолдирмасликка ҳаракат қилинг. Тўлов қилишдан олдин сиз маблағ ўтказмоқчи бўлган ташкилот қаерда жойлашганини текширинг. Агар манзил умуман кўрсатилмаган бўлса ёки сизда ишонч уйғотмаса, тўловни амалга оширишдан олдин бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг, арзирмикан?

III. Хавфсиз веб-сайтдан фойдаланинг.

Надежные интернет-магазины используют специальные технологии, которые гарантируют защиту вашей личной информации при проведении сделки.

Ишончли интернет-дўконлар харидларни амалга ошириш жараёнида шахсий маълумотларингизни ҳимоя қилиш учун махсус технологиялардан фойдаланади.

Киберфирибгарлар интернет-дўконга узатилаётган маълумотларингизни қўлга киритишга уриниши мумкин. Шунинг учун ишончли интернет-дўконлар Интернет орқали узатиладиган шахсий маълумотларни шифрлаш технологиясидан фойдаланади. Веб-сайтнинг ҳимояланганлигини текшириш усулларида бири — унинг URL манзилини текширишдир: у «http» эмас, балки «https» префикси билан бошланиши лозим. Агар шубҳангиз бўлса, интернет-дўконнинг мижозларга хизмат кўрсатиш хизматига қўнғироқ қилиб, уларнинг хавфсизлик сиёсати ҳақида сўранг.

Шунингдек, мазкур сайт орқали ҳисоб-китобларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи турли сертификатларга ҳам эътибор беринг.

IV. Компьютерингиз учун хавфсизлик дастурини ўрнатинг.

Интернет орқали харидларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлайдиган ва блоклайдиган комплекс компьютер хавфсизлиги дастуридан фойдаланинг.

Бундай дастурлар унчалик қиммат эмас, аммо интернет-фирибгарликнинг олдини олиш орқали сизга катта миқдордаги маблағларни тежашга ёрдам беради. Ишончли хавфсизлик тизими (масалан, **McAfee® Internet Security**) қайси веб-сайтга киришингиздан қатъи назар, доимий ҳимояни таъминлайди. **McAfee® Internet Security** дастурининг шахсга доир маълумотларни ўғирлашдан ҳимоя қилиш, фишингдан ҳимоя қилиш ва **SiteAdvisor®** каби функциялари шахсий маълумотларингизнинг махфийлигини сақлашга ёрдам беради.

V. Фақат ишончли интернет-дўконларга ишонинг.

Если вы не уверены полностью в надежности веб-узла, не делайте там покупки.

Агар веб-сайтнинг ишончилигига тўлиқ ишончингиз бўлмаса, у ерда харид амалга оширманг.

Агар буюртма бермоқчи бўлган компанияга нисбатан сизда ҳар қандай шубҳа пайдо бўлса, битимни амалга оширманг. Агар таклиф ҳақиқатдан ҳам ҳаддан ташқари жозибали

туюлса, эҳтимол унга рози бўлмаслик керакдир. Интернетда бошқа кўплаб интернет-дўконлар мавжуд — бир нечта ҳаволалар орқали ўтишнинг ўзи кифоя.

Картҳисобварағингиздан маблағлар ноқонуний тарзда ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида энг кичик шубҳа пайдо бўлган тақдирда, Картангизни чиқарган Банк Офисига мурожаат қилинг. Картҳисобварағингиздан маблағларнинг ноқонуний ҳисобдан чиқарилишига эътироз билдириш ёки уни бекор қилиш учун белгиланган муддат мавжуд. Ушбу муддат давомийлиги ҳақида Карта олиш чоғида Банк Офисида аниқлаштириб олинг.

КАРТА ПИН-КОДИНИ БЛОКИРОВКА ҚИЛИШ/БЛОКИРОВКАДАН ЧИҚАРИШ/ТИКЛАШ ВА СМС-ХАБАРНОМАНИ ҚАЙТА УЛАШ УЧУН АРИЗА

дан

(жисмоний шахс/қонуний вакил Ф.И.Ш.)

номига қуйида кўрсатилган пластик карталари, шунингдек
тегишли карта ҳисобварақлари бўйича, карта ПИН-кодини блоклаш/блокдан чиқариш/тиклаш
ва/ёки СМС-хабарнома учун телефон рақамини алмаштиришни сўрайман.

(фарзанд (ш.ж. қарамоғидаги) Ф.И.Ш., туғилганлик тўғрисида гувоҳнома рақами
_____ санаси __.__.20__ й.):

☐ **БЛОКИРОВКА**

☐ **БЛОКДАН ЧИҚАРИШ**

☐ **ПИН-КОДНИ ТИКЛАШ**

☐ UZCARD DUO ☐ UZCARD KIDS фарзандим (қарамоғимдаги) номига ☐ HUMO ☐ HUMO KIDS фарзандим (қарамоғимдаги) номига	☐ Visa Classic ☐ Visa Instant ☐ Visa Gold ☐ Visa Infinite ☐ Visa Platinum ☐ Visa Classic Kids фарзандим (қарамоғимдаги) номига	☐ MasterCard Standard ☐ MasterCard Gold	«Kapital Premium» хизматлар тўплами: ☐ Visa Infinite Veneer ☐ Visa Infinite Metal Edge «Kapital Privilege» хизматлар тўплами: ☐ Visa Infinite Metal Edge ☐ MasterCard World Black Edition
	☐ Асосий карта Visa ☐ Қўшимча карта Visa	☐ Асосий карта MC ☐ Қўшимча карта MC	☐ MasterCard World Elite Metal Edge ☐ MasterCard World Black Edition

Банк картаси пин-кодини блокировка қилиш/блокировкадан чиқариш/тиклаш ва смс-хабарнома учун телефон рақамини алмаштириш сабаби:

- ☐ Йўқотиш/ўғирлатиш
- ☐ Компрометация
- ☐ Карта билан фирибгарлик ҳаракатлари амалга ошириш
- ☐ ПИН-кодни ўзгартириш
- ☐ Телефон рақамининг алмашиши

Картани блоклашни сўрайман:

									*	*	*					*	*	*				
--	--	--	--	--	--	--	--	--	---	---	---	--	--	--	--	---	---	---	--	--	--	--

Картани блокдан чиқаришни сўрайман:

									*	*	*					*	*	*				
--	--	--	--	--	--	--	--	--	---	---	---	--	--	--	--	---	---	---	--	--	--	--

СМС хабарномани олиш учун телефон рақамини ўзгартириш учун ариза кўрсатилган карта рақами билан

									*	*	*					*	*	*				
--	--	--	--	--	--	--	--	--	---	---	---	--	--	--	--	---	---	---	--	--	--	--

СМС-хабарномадан ўчириш учун телефон рақами:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

СМС-хабарнома улаш учун телефон рақами:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

МИЖОЗ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР:

Паспорт маълумотлари _____

Туғилган санаси: _____ Фуқаролиги: Резидент/Нерезидент
Кун/ой/йил _____ Фуқаролигингизни кўрсатинг

Рўйхатдан ўтган манзили: _____

Паспортигизда кўрсатилганидек рўйхатдан ўтган манзилни тўлиқ кўрсатинг

Мобил телефон рақами: _____ e-mail: _____

Телефон рақамини префикси билан кўрсатинг

НАЗОРАТ МАЪЛУМОТЛАРИ:

Ушбу билан розилик билдираманки, Банк:

- ☐ мазкур Аризада кўрсатилган маълумотларни текшириш ҳуқуқига эга;
- ☐ мазкур Аризада кўрсатилган маълумотлардан Банкнинг реклама-ахборот материалларини юбориш учун фойдаланиши мумкин;
- ☐ банк картасини чиқаришни сабабини тушунтирмасдан рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Шу билан, мазкур Ариза асосида Банк томонидан очилган карта билан бола (васийликдаги шахс) томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар учун шахсан мулкӣ ва бошқа жавобгарликни ўз зиммамга олишимни тасдиқлайман (карта вояга етмаган бола (васийликдаги шахс) фойдаланиши учун очилган тақдирда).

КБХШ шартлари, оммавий Оферта, Банк тарифлари ва АКБ «Капиталбанк» карталаридан фойдаланиш Қоидалари билан танишдим ва розиман. (веб-сайт: www.kapitalbank.uz)

Мазкур Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.

Карта (ҳисобварақ) эгасининг имзоси

Сана

✓

--

Хизмат учун	Ходимнинг Ф.И.Ш.	Имзо
Аризани қабул қилдим		✓
Келишилди: ЧББ бошлиғи		✓

КАРТАНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

Картанинг ПИН-кодини ўрнатиш/қайта ўрнатиш ва сақлаш

ПИН-коднинг максимал узунлиги **4 рақамдан** иборат бўлиши мумкин.

Картани шахсан қабул қилиб олганингиздан сўнг, қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда унга махфий тарзда ўзингиз ПИН-код ўрнатиш:

✓ ПИН-кодни ўрнатишда такрорланувчи рақамлар, муҳим саналар ёки Сиз ҳақингиздаги ҳаммага маълум маълумотлардан (масалан: туғилган сана, автомобиль рақами, телефон рақами ва ҳ.к.) фойдаланиш тавсия этилмайди.

✓ ПИН-кодни ёзиб қўйманг, уни эслаб қолинг.

✓ Картангизнинг ПИН-кодини бошқа шахсларга маълум қилманг. Ҳеч ким, шу жумладан Банк ва Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси ходимлари ҳам Картангизнинг ПИН-кодини ошкор қилишингизни талаб қилишга ҳақли эмас. Агар Сиз Карта ПИН-кодини бошқа шахсга маълум қилсангиз, Карта бўйича амалга оширилган барча Транзакциялар учун жавобгарлик Сизга юклатилади, чунки Банк билан тузилган шартномага мувофиқ Картанинг ягона қонуний Сақловчиси Сиз ҳисобланасиз.

✓ Агар ПИН-кодингиз Сизнинг хоҳишингиздан ташқари бошқа шахсларга маълум бўлиб қолганини аниқласангиз, уни зудлик билан махфий тарзда ўзгартиринг.

✓ ПИН-кодни ўзгартиришда аввал амалдаги ПИН-кодни киритинг, сўнг POS-терминал ёки Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминали (бундай имконият мавжуд бўлса) кўрсатмаларига амал қилган ҳолда янги ПИН-кодни ўрнатиш.

✓ ПИН-кодни мунтазам, камида ойига бир марта алмаштириб туринг. Агар Картага иш ҳақи туширилса, иш ҳақи Карта ҳисобварағига тушишидан 1–2 кун олдин ПИН-кодни алмаштириш тавсия этилади. Бу Карта йўқотилган тақдирда ҳам маблағлар хавфсизлигини оширади.

✓ Эсда тутинг, ПИН-код кетма-кет уч марта нотўғри киритилса, Карта блокланади. Шунинг учун ПИН-кодни териш пайтида терминал дисплейида ёки POS-терминал/Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминали экранида ҳар бир босилган тугма учун «*» белгиси чиққанлигини диққат билан кузатинг. Бу киритилган рақам қурилма томонидан қабул қилинганини аниқлатади. Акс ҳолда, тугма етарли босилмагани ёки тугма носозлиги сабабли нотўғри ПИН-код киритилиб, Карта блоккланиши мумкин.

✓ Агар ПИН-код икки марта нотўғри, учинчи марта эса тўғри киритилса, киритиш уринишлари сони яна учтага тикланади.

✓ Картани блокдан чиқариш фақат Картани чиқарган Банк Офисида амалга оширилади. Агар Карта ПИН-код уч марта нотўғри киритилгани сабабли блокланган бўлса, Картани блокдан чиқариш Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматига қўнғироқ қилиб, операторга ШТХ ва **Калит** сўзни маълум қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Банк Офисида блокдан чиқариш учун Сизда ШТХ, шунингдек Картадан фойдаланиш бўйича тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома (агар Сиз Карта қонуний Сақловчисининг ишончли вакили бўлсангиз) бўлиши лозим.

✓ Банк Офисида Картангиз текширилади ва блокдан чиқарилади. Блокдан чиқариш жараёнида Сиз янги ПИН-кодни шахсан ва махфий тарзда ўрнатишингиз лозим.

Картани сақлаш ва бошқа шахсларга бериш

Карта нақд пулсиз ҳисоб-китоблар воситаси ҳисобланади, маблағларингизни сақлаш ва улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлайди ҳамда товарлар ва хизматлар учун тўлов қилишда қўшимча қулайликлар яратади. Бироқ хавфсизлик чораларига риоя қилинмаса, Карта афзалликлари сезиларли даражада камаёди.

Шунинг учун қуйидаги қоидаларга доимо амал қилинг:

1. Картани ҳамён ва нақд пуллар билан бирга, шунингдек Карта тасодифан шикастланиши эҳтимоли юқори бўлган жойларда (масалан, шимнинг орқа чўнтагида, калитлар ва бошқа буюмлар билан бирга) сақланганг.

2. Агар кейинчалик уларнинг ҳаракатларини назорат қилиш имкони бўлмаса, Картани ҳатто қисқа муддатга ҳам бегона шахсларга берманг. Картанинг мавжудлигини вақти-вақти билан текшириб турунг.

3. Картанинг олд томонида кўрсатилган Карта рақами ва Картани чиқарган Банк муассасаси кодини ёзиб қўйинг ва хавфсиз жойда сақланг.

4. Агар Картангиздан бошқа шахс фойдаланишига рухсат бермоқчи бўлсангиз, буни тегишли тартибда расмийлаштиринг ва ишончли шахс мазкур Шартлардаги тавсиялар билан танишганлиги ҳамда уларга қатъий риоя қилишга тайёрлигига ишонч ҳосил қилинг.

5. Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси ходимлари ва Банк ходимларининг Картангиз билан амалга ошираётган ҳаракатларини доимо кўз билан назорат қилинг ҳамда Картани ҳеч қачон Банкоматда, Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминалида ёки савдо терминалида қолдирманг.

6. Карта чипига турли нурланишлар, намлик ва агрессив кимёвий моддалар таъсир қилишидан сақланинг, Картани мақсадидан ташқари ишлатманг, акс ҳолда у шикастланиши мумкин.

Карта йўқолганда/шикастланганда ёки аввал йўқолган Карта топилганда амалга ошириладиган ҳаракатлар

Агар Сиз ёки ишончли вакилингиз Картани йўқотган бўлсангиз, Қоидаларга мувофиқ Сиз бу ҳақда дарҳол Банкка хабар беришингиз лозим.

Ёдингизда сақланг, агар йўқолган Карта бўйича Транзакциялар амалга оширилса, ушбу Транзакциялар суммалари Банк томонидан Сизга қайтарилмайди. Шунинг учун маблағларингизни йўқотиш хавфини камайтириш мақсадида ПИН-кодингизни бегона шахсларга маълум қилманг.

Агар аввал йўқолган деб ҳисобланган ва Банкка уни йўқотганлик ҳамда блоклаш ҳақида ариза берилган Картани топиб олсангиз, уни ҳеч қандай ҳолатда нақд пулсиз тўлов воситаси сифатида ишлатишга уринманг — Карта аллақачон блокланган бўлади ва Банкомат ёки Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминали томонидан ушлаб қолиниши мумкин.

Аввало, Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматида қўнғироқ қилиб, аввал йўқолган ва блокланган Картани топганингиз ҳақида хабар беринг. Шундан кейин Банк ходимлари Сизга кейинги ҳаракатлар бўйича кўрсатмалар берадилар.

Агар топилган Картадан терминал/Банкомат/Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминалида фойдаланишга уринганингизда у блокланган бўлса, Картани блокдан чиқариш учун уни Банк Офисига тақдим этишингиз лозим. Бунда Сизда ШТХ ҳамда Картадан фойдаланиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома (агар Сиз ишончли вакил бўлсангиз) бўлиши керак.

Ёдингизда сақланг, қуйидаги ҳолларда БАНК Карта бўйича амалга оширилган Транзакциялар учун маблағларни қоплаб бермайди:

- Транзакциялар Карта блокланган пайтга қадар амалга оширилган бўлса.
- Транзакция процессинг марказига келиб тушмаган бўлса.

Картадан фойдаланиш вақтида юзага келган носозлик ҳолатларида амалга ошириладиган ҳаракатлар

Доимо ёдда тутингки, Карта ва ундан фойдаланиладиган инфратузилма қурилмалари юқори технологияли замонавий дастурий-техник воситалар бўлса-да, турли хил носозликларга дуч келиши мумкин. Қуйида Картадан фойдаланганда юзага келадиган энг кўп тарқалган носозликлар ва ноодатие ҳолатлар крўйхати келтирилган:

1. Банкомат Карта ҳисобварағидан маблағни ечди, лекин нақд пул бермади

Бундай ҳолатда Банкомат чекни чиқаришини кутинг. Шундан сўнг шу Банкомат орқали Карта бўйича операциялар тарихини чиқаринг. Кейин мазкур Банкоматга хизмат кўрсатувчи Банк муассасасига (алоқа телефони чекда кўрсатилган бўлиши керак) мурожаат қилинг, Картадан маблағ ечилгани, аммо Банкомат пул бермаганлиги ҳақида белгиланган шаклда ариза беринг ва операция чеки ёки унинг нусхасини илова қилинг.

Ўзингиз билан Карта, ШТХ ҳамда нотариал тасдиқланган ишончнома (агар Сиз ишончли вакил бўлсангиз) бўлиши лозим. Вазият бўйича дастлабки текширувдан кейин Сиздан Картани чиқарган Банкка ҳам мурожаат қилиш талаб қилиниши мумкин.

2. Банкомат Карта ҳисобварағидан маблағни ечмади, лекин нақд пул берди

Бундай ҳолатда ҳам Банкомат чекни чиқаришини кутинг. Кейин шу Банкоматда операциялар тарихини чиқаринг. Сўнг Банкоматга хизмат кўрсатувчи Банк муассасасига мурожаат қилинг, Картадан маблағ ечилмагани ҳолда нақд пул берилганлиги ҳақида белгиланган шаклда ариза беринг, операция чеки ёки унинг нусхасини илова қилинг ҳамда Банкоматдан олинган нақд пулни Банкнинг кирим кассасига топширинг.

Ўзингиз билан Карта, ШТХ ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома (агар Сиз ишончли вакил бўлсангиз) бўлиши лозим.

Юқоридаги ва бошқа носозликларнинг олдини олиш учун Сиз қуйидагиларни назорат қилишингиз лозим:

➤ Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси ходимлари операция бошланишидан олдин терминалнинг созлигини, чек қоғози мавжудлигини (тўлиқ функцияли терминалда) ва автоном қувват манбалари (батарея/аккумулятор) ўрнатилганлигини (кўчма терминалда) текширган бўлиши лозим.

➤ Операция вақтида ходим Карта терминал картридеридан чиқармаслиги, терминални электр тармоғидан узмаслиги ёки батареяларини чиқармаслиги керак.

➤ Чек чоп этилаётган пайтда терминал тугмаларини босиб қоғозни олдинга сурмаслиги ва чекни қўл билан тортиб чиқармаслиги лозим.

➤ Чек аниқ ва тушунарли чоп этилган бўлиши ҳамда унда операция санаси/вақти, Карта рақами, Авторизация коди, Операция муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бажарилганлиги ва бошқа реквизитлар кўрсатилган бўлиши керак. Агар чек ушбу талабларга жавоб бермаса, кассирдан уни қайта чоп этишни сўранг.

Эслатма:

➤ Ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда Картангиз бўйича операция чекларини Банкомат, Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминали ёки терминал ёнида қолдирманг.

➤ Агар Банкомат Картангизни ушлаб қолса, мазкур Банкоматга хизмат кўрсатувчи Банк муассасасига мурожаат қилинг (алоқа телефони чекда кўрсатилган бўлиши керак). Ўзингиз билан ШТХ ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома (агар Сиз ишончли вакил бўлсангиз) бўлиши лозим.

➤ Агар Банкомат, Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминали ёки терминал Карта билан амалга оширилаётган операцияни жуда узоқ вақт бажараётган бўлса (қурилма «осилиб қолган» деб ўйласангиз), операция якунланишини ва Картангиз қайтарилишини сабр билан кутинг.

Низоли операциялар бўйича миждоз аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

Карта операциясига норозилик билдирилганда ёки фирибгарликка оид/шубҳали операциялар аниқланганда, Миждоз Банк Офисига мурожаат қилиш, Алоқа маркази хизматига мурожаат қилиш ёки МБХ орқали «Ижрога топшириқлар» хизмати ёрдамида Ариза (ушбу Тартибга 1-илова) тақдим этиши лозим.

Қуйидаги шартлар бажарилганда операцияни низолашиш мумкин:

- аризада кўрсатилган барча транзакцияларнинг маълумотлар базасида мавжудлиги ва тўғрилиги текширилган ҳамда Карта Сақловчисининг норозилик сабаблари аниқланган бўлиши;

- карта операцияси амалга оширилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календарь кунидан кўп вақт ўтмаган бўлиши;

- Fraud (фирибгарлик) сифатида билдирилган низоли карта операциялари сони халқаро пластик карталар бўйича 90 (тўқсон) календарь кун ичида амалга оширилган 30 (ўттиз) та транзакциядан ошмаслиги;

- шубҳали/фирибгарлик деб низоланаётган битта карта транзакциясининг энг кам миқдори низолаш бўйича сўров яратилган санадаги Марказий банк курси бўйича камида 5 (беш) АҚШ долларини ташкил этиши;

- низолаш бўйича сўровни очиш учун минимал (энг кам) сумма (масалан, «Хизмат кўрсатилмаган» ёки «Товар етказиб берилмаган» сабаблари бўйича) фарқ қилиши мумкин. Айрим тоифадаги транзакциялар учун, масалан, саёҳат соҳасида (авиачипталар, меҳмонхоналар, автомобиль ижараси ва ҳ.к.), «Visa Core Rules and Visa Product and Service Rules» қоидаларининг 11.4.3-жадвали («Minimum Dispute Amounts»)га мувофиқ операциянинг энг кам суммаси операция амалга оширилган санадаги Банк сотув курси бўйича 25 АҚШ доллари ёки миллий валютадаги эквивалентини ташкил этади.

Истисно: Агар Миждоз тасдиқланган фирибгарлик (масалан, Карта маълумотлари компрометация қилинган) ёки банкоматдаги муваффақиятсиз операциялар бўйича битта транзакциянинг энг кам суммаси 5 АҚШ доллари ёки маҳаллий валютадаги эквиваленти бўлган ҳолда транзакцияни низоласа, мазкур талаб қўлланилади. Агар карта операцияси юқоридаги шартларга жавоб бермаса, Банк Аризани кўриб чиқишни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Низолашиш бўйича сўровни кўриб чиқишнинг энг кам муддати Visa Access тизимида 30 календарь кунни, Mastercard тизимида эса 45 календарь кунни ташкил этади. Энг кўп муддат — 165 календарь кун.

Агар низолашиш бўйича сўров Банк-эквайер томонидан қаноатлантирилса, Банк халқаро тўлов тизими низоларни ҳал қилиш қўмитаси қарори олингач, ютиб чиқилган маблағни Миждоз ҳисобварағига ўтказлади.

Агар Миждоз Банк-эквайернинг низолашиш бўйича сўровни рад этиш қарорига рози бўлмаса, у ишни Пре-арбитраж босқичига ўтказиш орқали низолашишни давом эттириш ҳуқуқига эга. Бунда, агар Банк-эквайер томонидан рад этишнинг асослилигини тасдиқловчи инкор этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлса ҳамда ушбу босқичдаги қўшимча харажатлар инобатга олинса, Банк Пре-арбитраж босқичини бошлашни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Халқаро тўлов тизими қоидаларига мувофиқ, Пре-арбитраж жараёнини кўриб чиқиш муддати Visa Access тизимида 30 календарь кунни, Mastercard тизимида эса 45 календарь кунни ташкил этади.

Агар Пре-арбитраж босқичида низолаш бўйича сўров Банк-эквайер томонидан қаноатлантирилса, Банк халқаро тўлов тизими низоларни ҳал қилиш қўмитаси қарори олингач, ютиб чиқилган маблағни Мижоз ҳисобварағига ўтказди.

Агар Мижоз Пре-арбитраж босқичида олинган натижаларга рози бўлмаса, у Арбитраж босқичига ўтиш орқали банк картаси бўйича низолашни давом эттириш ҳуқуқига эга. Арбитраж — низолаш бўйича сўровни кўриб чиқишнинг якуний босқичи бўлиб, унда халқаро тўлов тизими томонидан Арбитражга ўтиш санасида амал қилувчи тарифлар бўйича воситачилик ҳақи (комиссия) ундирилади. Бунда, агар Банк-эквайер томонидан рад этишнинг асослилигини тасдиқловчи инкор этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлса ёки низоланаётган операция суммаси белгиланган энг кам чегарадан паст бўлса ҳамда ушбу босқичдаги қўшимча харажатлар инобатга олинса, Банк Арбитраж жараёнини бошлашни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Мижоз фирибгарликка оид/шубҳали операциялар ҳақида мурожаат қилганда, такрорий рухсатсиз маблағ ечиб олишларнинг олдини олиш мақсадида Банк Картани бир томонлама тартибда блоклаш ёки Карта бўйича операцияларни чеклаш ҳуқуқига эга.

Агар Мижоз компрометация қилинган Картани қайта чиқаришдан бош тортса, кейинчалик мазкур Карта бўйича юзага келиши мумкин бўлган рухсатсиз маблағ ечиб олишлар учун жавобгарлик Мижоз зиммасига юклатилади.

Банк низолаш жараёни муваффақиятсиз якунланган тақдирда маблағларни қоплаб бериш учун жавобгар бўлмайди.

**Низоли операциялар бўйича миждоз аризаларини
қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартибига
1-сон Илова**

АТБ «KAPITALBANK»



**АТБ «Капиталбанк»да транзакцияларни низолашиш бўйича Ариза
/ JSCB Kapitalbank Dispute form**

Карта асосий эгасининг маълумотлари / Main Cardholder's particulars:

Исм, Фамилия /Name, Surname: _____

Алоқа рақами / Contact Number: _____

E-mail манзили / E-mail address: _____

Низоли операциялар ўтказилган АТБ «Капиталбанк» картаси рақами

Card number charged:

							*	*	*	*	*	*			
--	--	--	--	--	--	--	---	---	---	---	---	---	--	--	--

Мен қуйидаги операцияларни рад этаман (тасдиқловчи ҳужжатларни илова қиламан)

I decline the following transaction (supporting documents attached)

№	Товар ёки хизматларни етказиб берувчининг номи / Merchant name	Транзакция санаси /Transaction date	Сумма операция валютасида/ Amount in transaction currency	Сумма карта ҳисобварағи валютасида / Amount in card account currency

Илтимос, ҳар бир низоли транзакция (операция) бўйича алоҳида шаклни тўлдириш ва низолашнинг батафсил турини кўрсатинг (ҳар бир операция алоҳида банд сифатида ёзилиши керак). Нотўғри кўрсатилган маълумотлар ёки тегишли ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаслиги низоли транзакция (операция) бўйича маблағларни қайтариш жараёнининг ҳақиқий эмас деб топилишига (муваффақиятсиз яқунланишига) олиб келиши мумкин.

Please complete a form for each dispute charge of a different dispute code. Failing to choose the appropriate dispute code and not attaching all the relevant documents might render the case as void.

Мен низоли ҳолатни ҳал қилиш учун товар/хизматларни етказиб берувчи (сотувчи) билан боғланишга ҳаракат қилганлигимни тасдиқлайман */ Мен томонидан буюртма қилинган товар/хизматлар тавсифи тақдим этилмоқда *:

I certify that I have already tried to contact the Merchant to remedy the situation about said dispute*/ I enclosed details of merchandise / service order*:

Тасдиқловчи ҳужжатларни илова қиламан *	☐	Товар тўлови чеклари ва квитанциялари / Receipts and bills
	☐	Шартнома ёки буюртма тасдиғи / Contract or order confirmation
	☐	Товар қайтарилганлиги тасдиғи / Confirmation of return of goods
	☐	Сотувчидан хабарнома / Notification from the seller

Supporting documents attached*	☐	Сотувчи билан ёзишмалар скриншоти / Correspondence with the seller
---------------------------------------	--------------------------	---

**мажбурий бўлимлар / *required sections*

Эслатма*: «КАПИТАЛБАНК» АТБнинг Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматларини кўрсатиш шартномаси қоидаларига мувофиқ, Карта бўйича **фирибгарлик** операциялари содир этилган тақдирда, Банк Картани блоклашга ёки Картҳисобварақ бўйича операцияларни амалга оширишни чеклашга ҳақли ва мажбурдир.

We remind you*: In accordance with the Rules of Comprehensive Banking Services for Individuals of JSCB 'KAPITALBANK', in the event of **Fraudulent** transactions using the card, the Bank has the right and is obliged to block the card or restrict transactions on the card account.

☐	Авторизация қилинмаган транзакция Транзакцияни авторизация қилмаганман ёки мен ушбу транзакцияни амалга оширишда иштирок этмаганман, шунингдек ушбу транзакция(лар)ни амалга оширишни ҳеч кимга топширмаганман	Unauthorized transaction I did not authorized or participated in the transaction(s) indicated above or authorized anyone to engage in the transaction(s).
☐	Мен Банк ходимлари картани блоклаш жараёнини амалга оширишига розилигимни билдираман I agree to the card blocking process being carried out by Bank employees.	
☐	Мен, транзакция муваффақиятли низоланган тақдирда, агар блокланган Карта қайта чиқарилмаган бўлса, маблағларни ушбу Карта ҳисобварағига ўтказишнинг имкони йўқлигидан хабардорман (бундай ҳолда маблағлар қайта чиқарилган Картанинг ҳисобварағига ўтказилади). I am informed, that crediting funds to the account of a blocked card that has not been reissued is impossible in the event of a successful transaction dispute of the transaction (the funds will be credited to the account of the reissued card).	

☐	Нотўғри сумма ёки валюта Товар ёки хизмат етказиб берувчи томонидан операция бўйича қўйилган сумма ёки валюта мен томонимдан тўлов амалга оширилган дастлабки ҳужжатларда кўрсатилган сумма ёки валютадан фарқ қилади.	Incorrect amount or currency The amount/currency billed by the Merchant was different from the sales draft or documents that I had authorized.
☐	Маблағ қайтарилмаган Мен товар ёки хизмат етказиб берувчидан маблағларни қайтариб олмадим.	Refund not processed I have not received my refund from the Merchant.
☐	Рухсат берилмаган транзакциялар серияси Мен битта операцияни тасдиқлаганман, қолган операциялар эса мен томонимдан тасдиқланмаган.	Unauthorized multiple transactions I did not participated in the other transaction(s).
☐	Транзакциялар бошқа тўлов воситалари орқали тўланган Транзакция(лар) бўйича тўлов бошқа усулда (бошқа Карта, нақд пул ва ҳ.к.) амалга оширилган.	Transaction paid by other means Payment for the transaction(s) was paid fully by other means.
☐	Товарлар ёки хизматлар олинмаган Мен товарлар/хизматларни ёки банкоматдан ечилиши керак бўлган нақд пул маблағларини олмадим.	Non-receipt of goods or services I have not received the merchandise/services/ATM cash for transaction.
☐	Товар ёки хизматлар тарвсифига тўғри келмайди ёки нуқсонли товар	Merchandise of services received was not as described or defective.
☐	Қайта ҳисобдан чиқариш Мен юқорида қайд этилган транзакция хатолик билан менинг ҳисобварағимдан икки марта ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқлайман	Duplicated processing: Transaction was charged, to my account twice in error.

ДА/YES ☐	Мен низо бўйича шикоятни кўриб чиқиш жараёнининг энг кам кўриб чиқиш муддати 30/45 календарь кунини ташкил этиши ҳамда низони кўриб чиқиш жараёнида узайтирилиши мумкинлигидан хабардорман*. I am informed that the minimum period for consideration of the appeal process is 30/45 calendar days, and may be extended during the appeal process*.
------------------------------------	---

ДА/YES ☐	Мен қуйидагилар бўйича Банк жавобгар эмаслиги тўғрисида хабардорман *: • низолашиш жараёни муваффақиятсиз якунланган тақдирда маблағларни қоплаб бериш бўйича; • валюта курслари фарқи натижасида юзага келган эҳтимолий фарқни қоплаб бериш бўйича; • амалга оширилган операциялар бўйича ушлаб қолинган воситачилик ҳақини (комиссияни) қоплаб бериш бўйича; • карта қайта чиқарилмаган тақдирда айнан бир мерчант томонидан қайта ҳисобдан чиқарилиши. I am informed that the Bank is not responsible for*: • Compensation of funds in case of unsuccessful dispute process; • Compensation of POS/E-POS sible difference in exchange rates that have arisen; • Compensation of withheld commission for transactions; • Repeated charges by the same merchant without card reissuance.
------------------------------------	---

Асосий карта сақловчисининг имзоси Main Cardholder's Signature _____ « » 20__ Сана/Date	Ходимнинг ФИШ _____ Филиал _____ _____ Имзо
--	--

*Жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада
банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш
шартномасини тузиш ва ижро қилиш тартибига*
9-СОН ИЛОВА

**Хорижий валютани харид қилиш бўйича
АРИЗА**

Сиздан қуйидаги шахсий банк картасида сақланаётган № 8600 XX XXXX
қуйидаги суммадаги миллий валютани:

_____ сўм,
(сумма рақам ва ёзув билан)

қуйидаги хорижий валюта суммасига айирбошлашни сўрайман:

_____ АҚШ доллари

☐ VISA халқаро пластик картасини очиш ва унга хорижий валютада пул маблағларини
кирим қилиш орқали;

☐ VISA халқаро пластик картасига пул маблағларини кирим қилиш орқали
№ 4278 XXXX XXXX _____
(муружаатчи номига очилган халқаро тўлов картаси мавжуд бўлган тақдирда)

_____ Аризачининг имзоси _____

Сана: «___» _____ 20__ й.

_____ (банк ходимининг имзоси)

_____ (Штамп)

Имзолар тегиштирилди, ҳисобварақ сальдоси (қолдиғи) имкон беради.

Жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада
банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш
шартномасини тузиш ва ижро қилиш тартибига
10-СОН ИЛОВА

АКБ «Капиталбанк» Ягона филиали

_____ бошлиғи
_____ га

_____ (рўйхатдан ўтган манзили)
манзили бўйича яшовчи

_____ дан
_____ (аризачининг Ф.И.Ш.)

**хорижий валютани миллий валютага конверсия қилиш бўйича
АРИЗА**

Сиздан, қуйидаги шахсий халқаро пластик картасида сақланаётган №4278 _____ XX XX XX
қуйидаги суммадаги хорижий валютани

_____ АҚШ Доллари
(сумма рақам ва сўз билан)

қуйидаги суммадаги миллий валютага айирбошлашни сўрайман:

_____ Сўм
(сумма рақам ва ёзув билан)

☐ сўмдаги пластик картага кирим қилиш орқали; ☐ UZCARD ☐ HUMO
☐ № XXXX XX XX XXXX _____

_____ (Ф.И.Ш.)

Аризачининг имзоси _____

Сана: «_____» _____ 20__ й.

_____ (банк ходимининг имзоси)

_____ (Штамп)

Имзолар текширилди, ҳисобварақ сальдоси (қолдиги) имкон беради.

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига
4-СОН ИЛОВА

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ОМОНАТИНИ
(ҲИСОБВАРАҒИНИ) ОЧИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ВА ИЖРО ҚИЛИШ
ТАРТИБИ

1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Тартиб мақсадларида, қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилади:

Талаб қилиб олингунча ҳисобварағи шартномаси (Шартнома) — Банк ва Мижоз ўртасида тузиладиган, жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча ҳисобварағини очиш тартиби.

Талаб қилиб олингунча ҳисобварағи — мазкур Тартибга мувофиқ Банк томонидан Мижозга келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, шунингдек, Мижознинг биринчи талаби билан тегишли суммаларни ҳисобдан чиқариш, ўтказиш ва бериш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи бўйича бошқа операцияларни мазкур Тартиб ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган шартлар ва тартибда амалга ошириш учун очиладиган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

1.2. Мазкур Тартибда қўлланилган бошқа атамалар ва таърифлар Комплекс банк хизматларини кўрсатиш қоидаларида белгиланган маънода қўлланилади.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ Шартномасини тузиш ва ижро этиш жараёнини белгилайди.

2.2. Шартномани тузиш учун Мижоз Банк офисига мазкур Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ Ариза ва Амалдаги қонунчилик ҳамда Банк талабларига мувофиқ Шартномани тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этади. Шартнома Банк томонидан Мижознинг Аризаси акцепт қилинганидан сўнг тузилган ҳисобланади. Банкнинг акцепти сифатида Мижозга Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очилиши эътироф этилади.

МБХ орқали Талаб қилиб олингунча ҳисобварақни очиш учун Мижоз МБХда мазкур Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ онлайн-Аризани тўлдириши ва «Ҳисобварақ очиш» тугмасини босиш орқали ҳисобварақ очишга ташаббус кўрсатиши лозим.

Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган/акцепт қилинган Ариза Банк томонидан акцепт қилинган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда Мижознинг Шартноманинг Қоидаларда, мазкур Тартибда баён этилган умумий шартларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини, шунингдек, Аризани тақдим этишда Банк Тарифлари билан танишганлигини тасдиқлайди.

Банк белгиси қўйилган Аризанинг нусхаси Мижознинг сўровига кўра Банк офисида унга тақдим этилади.

2.3. Банк Мижозга Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очади ҳамда омонат бўйича топшириқномаларномани фақат Мижознинг ўзи ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ унинг ишончли вакилидан қабул қилади. Банк томонидан омонатдан Мижоз ёки унинг ишончли вакилининг Топшириқномаси ва розилигисиз маблағларни ҳисобдан чиқариш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

2.4. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича операциялар Амалдаги қонунчилик, мазкур Тартиб ҳамда Банкнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

2.5. Агар Банк тарифларида бошқача назарда тутилмаган бўлса, Банк Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобварағидаги пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисобламайди.

2.6. Шартномани ташкил этувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- Комплекс банк хизматларини кўрсатиш қоидалари;
- мазкур Тартиб, шу жумладан амалдаги Банк Тарифлари;
- Банк томонидан акцепт қилинган Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси (ёки онлайн-Аризаси).

2.7. Мижоз КБХШ доирасида Банкда ўз номига очилган барча ҳисобварақлардан Интернет-банк ва Мобил банкнинг Шахсий кабинети орқали, шу жумладан, Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматларини кўрсатиш қоидалари шартларига мувофиқ Мижоз ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш бўйича Топшириқнома расмийлаштириш имкониятидан фойдаланиши мумкин.

3. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

3.1.1. Мижознинг талабига кўра, у Банк офисига мурожаат қилганда, Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича унинг реквизитларини ўз ичига олган кўчирмани Мижозга тақдим этади.

3.1.2. Мижознинг пул маблағларини сақлаш, Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа келиб тушган маблағларни кирим қилиш, Мижознинг уларни ўтказиш ва Банк кассалари орқали бериш тўғрисидаги Топшириқномаларини бажариш, шунингдек, Амалдаги қонунчилик, унга мувофиқ белгиланган Банк қоидалари ва Шартнома шартларига мувофиқ Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ учун назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш, шунингдек, Банкка берилган топшириқномаларнинг бажарилиши ҳақида Мижозни зарур ахборот билан таъминлаш. Бунда, Талаб қилиб олингунча ҳисобварақда пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари ҳисобдан чиқарилмайди.

3.1.3. Мижознинг биринчи талаби билан унинг тўловлар бўйича топшириқномасини Банкка тегишли Топшириқнома келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан бажариш. Бунда, агар Мижознинг Топшириқномаси Амалиёт куни яқунланганидан кейин ёки дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида келиб тушган бўлса, Операциялар дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунларидан кейинги Амалиёт кунида амалга оширилади.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Мижознинг қуйидаги битимлардан келиб чиқадиган Банк олдидаги мажбуриятларини бажариш мақсадида Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан пул маблағларини Мижознинг қўшимча топшириқномаларисиз акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш (олдиндан берилган акцепт):

4.1.2. Банк томонидан мазкур Шартномага мувофиқ очилган Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа пул маблағлари хатолик билан кирим қилинган тақдирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг бўлинмаси томонидан, шу жумладан Амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ тўловларни тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар юзага келганидан кейин ҳам, пул маблағлари хатолик билан ўтказилган тақдирда, Мижоз Банкка Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа хатолик билан кирим қилинган маблағларни, шу жумладан маблағни тўлаган Пенсия жамғармаси ёки унинг бўлинмасининг талаби бўйича, Мижознинг қўшимча топшириқномаларисиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини (олдиндан берилган акцепт асосида) беради ва бунга розилик билдиради. Кўрсатилган ҳолларда Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан пул маблағларини қисман ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилади.

4.1.3. Мижозга тегишли ҳисобварақ рақами бўйича пул маблағларини Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа кирим қилиш.

4.1.4. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари лозим даражада расмийлаштирилмаган ёки Банкка топшириладиган операциялар Амалдаги қонунчиликка зид бўлган ҳолларда уларни қабул қилишни рад этиш.

4.1.5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Мижоздан уни идентификация қилиш ҳамда Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш.

4.1.6. Қоидаларда назарда тутилган тартибда Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасига ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритишни таклиф қилиш.

4.1.7. Агар охириги Операция амалга оширилган пайтдан бошлаб 1 (бир) йил давомида Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилмаган бўлса ва Талаб қилиб олингунча ҳисобварақда пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлса, Талаб қилиб олингунча ҳисобварақни ёпиш ва/ёки ундаги пул маблағлари қолдиғини 29842 – «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказиш. Бунда Мижоз Банк офисларига мурожаат қилиш орқали Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғини олиш ҳуқуқига эга.

Банк Мижозни Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ ёпилгани ёки пул маблағлари қолдиғи Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан 29842 - «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказилгани ҳақида мобил телефон рақамига СМС-хабар/ПУШ-хабарнома юбориш орқали хабардор қилади.

5. МИЖОЗНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга:

5.1.1. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва Амалдаги қонунчиликка зид келмайдиган Операцияларни амалга ошириш.

5.1.2. Мижознинг Ф.И.Ш., манзили ва/ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, 5 (беш) календарь куни ичида Банк офисига ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини ҳамда аризани тақдим этиш. Ҳужжатларга киритилган барча ўзгаришлар Банк учун улар Банкка тақдим этилган пайтдан бошлаб амал қилади.

5.1.3. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича Операцияларни амалга оширишда Банк хизматлари қийматини Банк Тарифларига мувофиқ тўлаш.

5.1.5. Мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) мустақил равишда ёки ишончли вакили орқали Банкнинг www.kapital24.uz веб-сайтига кириб, Банк Тарифлари ва Қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар ҳақидаги маълумотларни текшириб бориш. Банк Тарифлари ва/ёки Қоидаларига киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларга рози бўлмаган тақдирда, Мижоз КБХШни ва/ёки мазкур Тартибга мувофиқ тузилган Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

5.1.6. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича операцияларни қатъий равишда Амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш. Мижоз Талаб қилиб олингунча ҳисобварақни очиш ва у бўйича операцияларни амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

5.1.7. Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа хатолик билан кирим қилинган ва/ёки ундан ҳисобдан чиқарилган маблағлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Банкка хабар бериш.

5.1.8. Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа/ ҳисобварақдан хатолик билан кирим қилинган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган маблағлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Банкка хабар бериш ҳамда Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун фойдаланмаслик.

6. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Банк офисига мурожаат қилганда жамғарма бланкини олиш. Мижоз томонидан МБХ орқали очилган Талаб қилиб олингунча омонатлар (ҳисобварақлар) бўйича жамғарма бланки расмийлаштирилмайди, барча маълумотлар электрон шаклда юритилади ҳамда омонатчига

АТБ «Капиталбанк» МБХ орқали реал вақт режимида мониторинг қилиш имконияти тақдим этилади.

6.1.2. Амалдаги қонунчилик ва Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси шартларида назарда тутилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Пул маблағларини ўтказиш Мижознинг Топшириқномаси асосида амалга оширилади.

6.1.3. Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома асосида ўзининг Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини Вакилга бериш.

6.1.4. Вакилга Талаб қилиб олингунча ҳисобварақни тасарруф этиш учун берилган ишончноманинг амал қилишини бекор қилиш. Бунда Мижоз ишончнома муддатидан олдин бекор қилинган куни бу ҳақда Банкка ёзма равишда хабар бериши ва хатга илгари берилган ишончномани бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг нусхасини илова қилиши шарт. Агар ишончномани муддатидан олдин бекор қилиш куни дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келса, Мижоз ёзма аризани дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунларидан кейинги биринчи иш кунида тақдим этади. Ишончнома бекор қилинганлиги ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган тақдирда, Банк Вакил томонидан Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича амалга оширилган операциялар учун жавобгар бўлмайди.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ СТОРОН

7.1. Банк Мижоз томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида маблағларни олувчининг реквизитлари нотўғри кўрсатилганлиги натижасида маблағлар хатолик билан қирим қилиниши учун, шунингдек Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича суд ва бошқа органларнинг қарорлари (қарорлари, ажримлари ва ҳ.к.) асосида операцияларни тўхтатиб туриш, хатлов қўйиш ва пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг қонунийлиги ҳамда уларда ундириш асосларининг тўғри кўрсатилганлиги учун жавобгар эмас.

7.2. Мижозга келиб тушган пул маблағлари Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа ўз вақтида қирим қилинмаган ёки Банк томонидан Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилган тақдирда, Банк Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

7.3. Агар Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича топшириқнома ваколатсиз шахс томонидан берилган бўлиб, топшириқнома ваколатсиз шахс томонидан берилганлиги ҳолати банк қоидалари ва Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасида назарда тутилган жараёнлар орқали аниқлаши имконияти бўлмаса, Банк бундай топшириқномаларни бажариш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

7.4. Мижоз топшириқномаларида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик Мижоз зиммасига юклатилади. Мижоз Банкнинг талаби билан тузилган Шартномага мувофиқ сўралган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини олади.

7.5. Мижоз Қоидаларга мувофиқ ўз Аризаси асосида Банк томонидан очилган ҳисобварақлар бўйича вояга етмаган фарзанди (қарамоғидаги шахс) томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

8. ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ҲИСОБВАРАҚ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси чекланмаган муддатга тузилади.

8.2. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси Мижознинг Банк офисида тақдим этилган ёзма Аризасига асосан бекор қилиниши мумкин.

8.3. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси МБХ орқали Мижоз томонидан тақдим этилган онлайн-Ариза асосида, ҳисобварақда пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлмаган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

8.4. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 788-моддасида ва Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

8.5. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасининг бекор қилиниши ва тугатилиши Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобварақни ёпиш учун асос ҳисобланади.

8.6. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар Томонларнинг келишувига асосан киритилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Шартномадан келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликлар Қоидаларда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

9.2. Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа қабул қилинган пул маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида» 2025 йил 18 февралдаги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Омонатларни кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади. Кафолатланган Омонат миқдори бир Банкдаги ҳар бир Омонатчи учун 200 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу талаб қонун кучга киргандан сўнг очилган янги Омонатларга нисбатан қўлланилади. Қонун кучга киргунга қадар очилган Омонат миқдоридан қатъий назар тўлиқ ҳажмда давлат томонидан кафолатланади.

Кафолатланган сумма фақат Банк фаолияти тугатилган тақдирда қўлланилади, бошқа ҳолларда банк Омонат шартномалари бўйича ўз мажбуриятларини бажаради. Омонатларнинг қайтарилиши Банкнинг барча мол-мулки билан таъминланади.

Омонатларни кафолатлаш тўғрисидаги батафсил маълумот Тартибга 3-иловада келтирилган.

9.3. Банк Талаб қилиб олингунча банк ҳисобварағи ва у бўйича операциялар, шунингдек Мижоз тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банк сири ҳисобланган маълумотлар фақат Мижознинг ўзига, унинг вакилига, шунингдек Амалдаги қонунчилик ва Қоидаларда белгиланган тартибда учинчи шахсларга тақдим этилиши мумкин.

9.4. Банк омонатдаги маблағларнинг сақланиши ва дахлсизлигини кафолатлайди. Омонатдаги маблағларга хатлов қўйиш ёки омонат бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

9.5. Агар Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича 1 (бир) йил давомида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган бўлса, Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ҳаракатсиз омонат деб эътироф этилади. Ҳаракатсиз омонатни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.6. Мижоз вафот этган тақдирда, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда меросхўрларига ўтади. Бунда меросхўрлар ҳисобварақдаги пул маблағларига мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни Банкка тақдим этишлари ҳамда Шартномага қўшимча келишув тузишлари шарт.

*Жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча омонатини (ҳисобварагини)
очиш бўйича шартнома тузиш ва ижро қилиш тартибига*
1-СОН ИЛОВА

АРИЗА

(Жисмоний шахснинг / қонуний вакилининг Ф.И.Ш.)

Ҳисобварақ очилишини сўрайман _____
(талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозити ва б.)

В _____
(валюта номи)

на имя _____
(фарзанди (ш.ж.қарамоғидаги) Ф.И.Ш., тузилганлик тўғрисида гувоҳнома
рақами _____ санаси __. __. 20__ й.)

Менинг қуйидаги ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга оширишда мажбурий бўлган
имзо намунамни (мен ваколат берган шахснинг имзо намунасини) маълум қиламан:

№ _____

**Ушбу билан, мазкур Ариза асосида Банк томонидан очилган ҳисобварақ бўйича
фарзандим (қарамоғимдаги шахс) томонидан амалга оширилган барча
ҳаракатлар учун мулкӣ ва бошқа жавобгарликни шахсан ўз зиммамга
олишимни тасдиқлайман.**

Талаб қилиб олингунча ҳисобварақда қолдиқ маблағ мавжуд бўлмаган ва ушбу ҳисобварақ
бўйича 12 ой давомида операциялар амалга оширилмаган тақдирда, мен билан тузилган банк
ҳисобварағи шартномасини бир томонлама тартибда бекор қилишингизни ва ҳисобварақни
ёпишингизни сўрайман.

КБХШ, оммавий оферта ҳамда ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш тарифлари билан танишдим
ва уларга розиман. (веб сайт www.kapitalbank.uz)

Сана " ____ " _____ 20__ й.

(Ҳисобварақ эгасининг имзоси)

БАНК БЕЛГИЛАРИ

Ҳисобварақ очишга ҳужжатларни кўрдим ва _____ да

(валюта номи)

_____ ҳисобварақни очдим

ЧББ / БХО / мини банк бошлиғи _____
(имзо)

Ҳисобварақ очилди " ____ " _____ 20__ йилда.

Рақам _____

Бошқа белгилар _____

Жамғарма дафтарча / бланк рақами _____

Мобил телефон рақами _____

☐ омонат учун жамғарма дафтарчаси / бланк расмийлаштирилмаган ҳолда

Кесиш чизиғи

Мижознинг Ф.И.Ш.: _____

Ҳисобварақ рақами: _____

Ҳисобварақ валютаси: _____

Ҳисобварақ очилган сана: _____

МФО: 01158

Банк: АТБ «Капиталбанк» Ягона филиали

SWIFT код: KACHUZ22

Адрес: Sayilgoh Str, 7-a, Tashkent, Uzbekistan

*Жисмоний шахсинг талаб қилиб олингунча омонатини (ҳисобварагини)
очиш бўйича шартнома тузиш ва ижро қилиш тартибига*
2-СОН ИЛОВА

Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очишга онлайн-ариза

Ҳисобварақ валютаси USD ☐
 EUR ☐
 RUB ☐
 CPF ☐
 JPY ☐
 GBP ☐
 UZS ☐

«Очиш» («Открыть») электрон тугмасини босиш орқали тасдиқлаш

**Ўзбекистон Республикасидаги омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида
АХБОРОТ**

1.	"Капиталбанк" АТБда жойлаштирилган омонатларни кафолатлаш	Банкдаги омонатлар Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланади
2.	Омонатларни кафолатлаш асослари	Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни
3.	Кафолатлаш ҳодисаси	Банкнинг тугатилиши (ёпилиши)
4.	Кафолатланадиган омонатлар тури	Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар, шу жумладан банк карталаридаги маблағлар, муддатли ва жамғарма омонатлар, шунингдек мазкур омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлар
5.	Компенсация миқдори	Банк тугатилганда ҳар бир омонатчига, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда, жами тўланадиган компенсация миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
6.	Бир банкда омонатчининг бир нечта омонатлари мавжуд бўлган тақдирда тўланадиган компенсация миқдори	Омонатнинг миқдори ва валютасидан қатъи назар омонатчининг ушбу банкдаги ва унинг филиалларидаги барча омонатлари ҳисобланган фоизлар билан жамланади ва улар бўйича тўланадиган компенсациянинг умумий миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
7.	Бир нечта банк тугатилган ҳолда компенсация миқдори	Бир нечта банк тугатилган тақдирда, мазкур банкларда омонатлари мавжуд бўлган омонатчи ҳар бир банк бўйича алоҳида тартибда 200 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда компенсация олиш ҳуқуқига эга
8.	Компенсация тўлаш муддати	Банкни тугатиш (ёпиш) тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 20 иш куни мобайнида: 2026 йил 1 январдан бошлаб — 15 иш куни; 2027 йил 1 январдан бошлаб — 7 иш куни.
9.	Компенсация тўланадиган валюта	Чет эл валютасида қўйилган омонатлар бўйича компенсация банк тугатилган (ёпилган) санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича миллий валютада (сўмда) тўланади
10.	Боғланиш учун маълумотлар	Омонатларни кафолатлаш агентлигининг: Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100027, Тошкент шаҳри, Қаратош кўчаси, 1-уй. E-mail: info@uzoka.uz Ишонч телефони: +998 55 550 05 00 Расмий веб-сайти: Омонатларни кафолатлаш агентлиги - FGD

**Омонатчи хабардор қилинди:
Сана ва имзо**

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига
5-СОН ИЛОВА

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ МУДДАТЛИ/ЖАМҒАРМА ОМОНАТИНИ ОЧИШ
БЎЙИЧА ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ВА ИЖРО ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Тартиб мақсадларида, қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилади:

Базавий валюта – муддатли/жамғарма омонати очилган ва омонат қайтарилиши амалга ошадиган муайян пул бирлиги (миллий ёки чет эл валютаси).

Қўшимча бадал – агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса, Шартнома амал қилиш даврида Мижоз томонидан Омонат суммасига қўшимча пул маблағларини мазкур Тартибнинг 3-иловасига мувофиқ Ариза асосида киритиш.

Муддатли/жамғарма омонати шартномаси (Шартнома) – мазкур Тартибга мувофиқ очиладиган муддатли/жамғарма банк Омонатини очиш тартиби бўлиб, унинг тарафлари Банк ва Мижоз ҳисобланади.

Фоизларни капитализация қилиш – агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса, ҳисобланган фоизларни Омонатнинг асосий суммасига қўшиб бориш. Омонатга қўшилган фоизларга улар омонат ҳисобварағига кирим қилинган пайтдан бошлаб муддатли/жамғарма Омонати шартномаси шартлари татбиқ этилади.

Мижоз – мазкур Тартибга мувофиқ номига Омонат ҳисобварағи очиладиган Банк омонатчиси бўлган жисмоний шахс (резидент ёки норезидент).

Омонатнинг минимал суммаси – амал қилаётган Омонат шартларига мувофиқ, муайян турдаги Омонатни жойлаштириш (очиш) ёки Қўшимча бадални амалга ошириш учун зарур бўлган энг кам пул маблағи.

Камаймас қолдиқ – Мижоз бутун Омонат муддати давомида Омонатда сақлаш мажбуриятини олган энг кам пул маблағи.

Пролонгация – агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса, Омонат муддати тугаган кунда Мижоз томонидан омонат қайтариб олинмаган тақдирда, Омонат муддатини янги жалб қилиш санасида Банкда амал қилувчи мазкур турдаги Омонат шартлари асосида худди шу муддатга узайтириш.

Ҳисоб-китоб валютаси – базавий валютадан конвертация қилишда ҳамда базавий валюта бўйича фоизлар тўлашда ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган валюта.

Жамғарма омонати – Банк офиси ёки МБХ орқали жалб қилинадиган, муайян шартлар асосида жамланадиган ва белгиланган мақсадларга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ёки чет эл валютасидаги пул маблағлари бўлиб, агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса, дастлабки омонат суммасига қўшимча маблағлар киритиш ҳуқуқини, шунингдек Омонат шартларида назарда тутилган тартиб ва шартларда ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Омонат муддати – Банк томонидан белгиланадиган ва пул маблағлари Омонатга жойлаштириладиган муайян давр (кунлар, ойлар ёки йилларда ифодаланиши мумкин).

Муддатли омонат – Банк офиси ёки МБХ орқали жалб қилинадиган, банк омонати шартномасида белгиланган муддат тугагач қайтариш шарти билан қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ёки чет эл валютасидаги пул маблағлари, шу жумладан агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса, муддатли омонат шартномаси амал қилиш даврида Мижоз томонидан қўшимча киритилган маблағлар ҳамда Омонат шартларида назарда тутилган тартиб ва шартларда Омонат суммасига ҳисобланган фоизлар.

Омонат шартлари – мазкур Тартибнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ Омонат очиш тўғрисидаги Ариза асосида пул маблағлари Омонатга жойлаштириладиган шартлар: Омонат валютаси, Омонат муддати, фоиз ставкаси, Омонатнинг минимал суммаси, Омонатни

муддатидан олдин қайтариш тартиби, Қўшимча бадал киритиш ва Қисман ҳисобдан чиқариш имконияти ҳамда Омонат очиш тўғрисидаги Аризада кўрсатилган бошқа муҳим шартлар.

Қисман ҳисобдан чиқариш – агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса, муддатли омонат шартномаси амал қилиш даврида Мижозга Омонатнинг бир қисmini мазкур Тартибнинг 4-иловасига мувофиқ муддатли/жамғарма омонати суммасини қисман ҳисобдан чиқариб олиш тўғрисидаги Ариза асосида қайтариш.

Қатъий белгиланган курс – Мижоз томонидан муддатли депозит ҳисобварағига Омонат жойлаштирилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисоб-китоб валютасига нисбатан базавий валюта учун белгиланган курс.

Валюта таваккалчилиги – Шартнома амал қилиш даврида базавий валютанинг ҳисоб-китоб валютасига нисбатан курсининг ўзгариши хатари. Мижоз Омонат Белгиланган курс бўйича қайтарилиши, ушбу курс эса қайтариш санасидаги бозор курсидан фарқ қилиши мумкинлиги билан боғлиқ валюта таваккалчилигини англайди ва ўз зиммасига олади. Шунингдек, Мижоз Шартнома амал қилиш даврида базавий валютанинг ҳисоб-китоб валютасига нисбатан курсининг ўзгариши билан боғлиқ валюта таваккалчилигини англайди, уни ўз зиммасига олади ва мазкур Офертани акцепт қилиш орқали ушбу таваккалчиликка ўз розилигини тасдиқлайди.

1.2. Мазкур Тартибда қўлланилган бошқа атама ва тушунчалар КБХШ Қоидаларида белгиланган маънода қўлланилади.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб муддатли/жамғарма омонати шартномасини тузиш ва ижро этиш тартибини белгилайди.

2.2. Шартноманинг (Шартномага қўшимча келишувнинг) ажралмас қисми бўлган ҳужжатлар куйидагилардан иборат:

- Комплекс банк хизматлари кўрсатиш қоидалари;
- мазкур Тартиб;
- Мижознинг Омонат очиш тўғрисидаги Банкка берган Аризаси/онлайн-аризаси (мазкур Тартибнинг 1, 2 ва 5-иловалари);
- муддатли/жамғарма омонати суммасига қўшимча маблағ киритиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси/онлайн-аризаси (мазкур Тартибнинг 3 ва 7-иловалари, агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса);
- Мижознинг маблағларни қисман ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги Аризаси/онлайн-аризаси (мазкур Тартибнинг 4 ва 8-иловалари, агар Омонат шартларида назарда тутилган бўлса);
- муддатли/жамғарма омонатини муддатидан олдин ёпиш тўғрисидаги Мижознинг Аризаси/онлайн-аризаси (мазкур Тартибнинг 5 ва 9-иловалари).

2.3. Агар Мижознинг бошқа ҳисобварақлари (талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, пластик карталар бўйича мажбуриятлар ҳисобварағи) мавжуд бўлиши талаб этилса, Мижоз Амалдаги қонунчилик, Қоидалар, Банк тарифлари ва Банкнинг ички локал ҳужжатларига мувофиқ ушбу ҳисобварақларни очиши шарт.

2.4. Омонатга пул маблағлари нақд ёки нақд пулсиз шаклда, яъни Карталардан ёки бошқа омонат ҳисобварақларидан ўтказиш орқали, Омонатчи ёки ишончнома асосида ваколат берилган унинг қонуний вакили томонидан киритилиши мумкин.

3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

3.1. Банк Мижозга 20606/20406 рақамли муддатли/жамғарма депозит ҳисобварағини очади, Мижоздан 20606/20406 рақамли депозит ҳисобварағида муддатли/жамғарма омонатига жойлаштириш учун омонат маблағини қабул қилади ҳамда Омонат шартлари ва Аризада кўрсатилган шартлар ҳамда тартибга мувофиқ омонат суммасини қайтариш ва омонат бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

4. ОМОНАТНИ ОЧИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномани тузиш ва ҳисобварақни очиш учун Мижоз Амалиёт куни давомида Банкка Банк шакли бўйича тўлдирилган, Ариза расмийлаштирилган пайтда амал қилувчи Омонат шартларини (мазкур Тартибнинг 1, 2 ва 6-иловалари), шунингдек Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисидаги ариза асосида муддатли/жамғарма Омонати ҳисобварағини очиш, Омонатга пул маблағларини ўтказиш/нақд киритиш ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган Аризани тақдим этади. Зарур ҳолларда Мижоз Ариза билан бирга Амалдаги қонунчилик ва Банк талабларига мувофиқ Шартномани тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ҳам тақдим этади. Шартнома Банк Мижознинг Аризасини акцепт қилганидан кейин тузилган ҳисобланади. Банкнинг акцепти деб ҳисобварақ очилиши ва Омонатнинг тўлиқ суммаси муддатли/жамғарма омонати ҳисобварағига киритилиши ҳисобланади.

4.2. Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган (ёки МБХда акцепт қилинган) Ариза/онлайн-Ариза Шартнома тузилган тақдирда Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда Мижознинг Қоидалар, мазкур Тартибда баён этилган Шартноманинг умумий шартларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини, шунингдек Ариза/онлайн-Аризани тақдим этишда Омонат шартлари билан танишганлиги ва уларга рози эканлигини тасдиқлайди.

4.3. Қўшимча бадал киритиш, маблағни қисман ҳисобдан чиқариш ёки омонатни муддатидан олдин ёпиш учун Мижоз Банк шакли бўйича Омонат номи, ўзгартириладиган сумма, қўшимча бадал ёки қисман ҳисобдан чиқариш суммаси, шунингдек Омонатга маблағларни киритиш/Омонатдан маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги топшириқ ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган Ариза/онлайн-ариза тақдим этади. Шартномага қўшимча келишув Банк Мижознинг Аризасини акцепт қилганидан кейин тузилган ҳисобланади. Банкнинг акцепти деб қўшимча бадал/қисман ҳисобдан чиқариш суммасининг муддатли/жамғарма омонати ҳисобварағига киритилиши ёки ундан ҳисобдан чиқарилиши ҳисобланади.

4.4. Банк белгиси қўйилган Ариза нусхаси Мижознинг талаби бўйича Банк офисида унга берилади.

4.5. Мижознинг Аризаси/онлайн-Аризаси асосида Банк Мижоз номига Омонат ҳисобварағини очади ва ўтказилган пул маблағларини омонат ҳисобварағига киритади. Муддатли/жамғарма Омонати ҳисобварағи Банк офисида ёки МБХ орқали очилади.

4.6. Муддатли/жамғарма омонати ҳисобварағи омонат очилаётганда унга маблағ киритиладиган валютада очилади.

4.7. Банк Мижоздан Ариза/онлайн-ариза топширишда танланган Омонат шартларига мувофиқ пул маблағларини қабул қилади ҳамда мазкур Тартиб ва Мижоз томонидан танланган Омонат шартларига мувофиқ Омонат суммасини қайтариш ва фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

4.8. Омонат бўйича фоизлар 2023 йил 29 сентябрдаги 3460-сонли «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги низом»га мувофиқ ҳар куни ҳисобланади. Бунда йилдаги ҳисоб-китоб кунлари сони 365 кун деб қабул қилинади. Фоизлар Омонат шартларига мувофиқ тўланади.

4.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 764-моддасига мувофиқ, омонат суммасига фоизлар маблағлар Банкка келиб тушган кундан кейинги кундан бошлаб, Мижозга қайтарилишидан ёки бошқа асосларга кўра унинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилишидан олдинги кунгача ҳисобланади.

Омонатчининг ҳисобварағига хатлов қўйилганлиги ва/ёки ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганлиги сабабли Банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ҳисобланмайди.

4.10. Омонат суммасининг Мижоз томонидан оширилиши, Омонат валютасида қўшимча пул маблағларини киритиш орқали амалга оширилади, бунда фоизлар Банкка маблағлар келиб тушган кундан кейинги Амалиёт кунидан бошлаб 20606/20406 муддатли/жамғарма депозит ҳисобварағидаги Омонатнинг амалдаги қолдиғига ҳисобланади.

4.11. Асосий сумма қисман ҳисобдан ҳисобдан чиқарилганда, кичман ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб фоизлар Омонатнинг амалдаги қолдигига нисбатан ҳисобланади, бунда Омонат бўйича фоиз ставкаси ўзгармайди.

4.12. Қонунчиликда белгиланган тартибда пул маблағларига хатлов қўйилган тақдирда, хатлов бекор қилингунига қадар омонат бўйича фоизлар ҳисобланиши тўхтатилади.

4.13. Агар омонат муддати тугаган кун дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунига тўғри келса, омонат биринчи банк иш кунида қайтарилади.

4.14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 762-моддасига мувофиқ, Мижоз омонатни ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Мижоз омонатни ҳисобдан чиқариш режалаштирилган санадан камида бир ой олдин Банкни бу ҳақда хабардор қилиши шарт. Омонатни муддатидан олдин ёпиш шартлари Омонат очиш тўғрисидаги Аризада (мазкур Тартибнинг 1, 2 ва 6-иловалари) кўрсатилган.

4.15. Агар Мижоз шартнома муддати тугагач омонат суммасини қайтаришни талаб қилмаса, омонат суммаси Аризага мувофиқ Мижознинг 20606/20406 «Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма депозитлари» ҳисобварағидан 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари», ёки 22618 «Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар», ёки 22616 «Масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимлари орқали бошқариладиган жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағлар» ҳисобварағига ўтказилади.

4.16. Мазкур Шартнома асосида Мижозга очилган 20606/20406 ҳисобварағи омонат муддати тугаганда ва/ёки мазкур Шартнома бекор қилинганда ёпилади.

4.17. Банк томонидан омонатга қабул қилинган пул маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги фуқаролар омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги 2025 йил 18 февралда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Омонатларни кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади. Кафолатланган Омонат миқдори (Омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда) бир Банкдаги ҳар бир Омонатчи учун 200 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу талаб қонун кучга киргандан сўнг очилган янги Омонатларга нисбатан қўлланилади. Қонун кучга киргунга қадар очилган Омонат миқдоридан қатъий назар тўлиқ ҳажмда давлат томонидан кафолатланади.

Кафолатланган сумма фақат Банк фаолияти тугатилган тақдирда қўлланилади, бошқа ҳолларда банк Омонат шартномалари бўйича ўз мажбуриятларини бажаради. Омонатларнинг қайтарилиши Банкнинг барча мол-мулки билан таъминланади.

Омонатларни кафолатлаш тўғрисидаги батафсил маълумот Тартибга 10-иловада келтирилган.

4.18. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти мақомига эга бўлмаган норезидент омонатчиларга тўланадиган омонат фоизлари (даромадлари) суммасидан Банк тўлов манбаида солиқни ушлаб қолади ва кейинчалик бюджетга ўтказди.

4.19. Қуйидаги ҳолларда мазкур Шартнома бекор қилинган ҳисобланади:

- қонунчиликда белгиланган тартибда суд ёки давлат органлари томонидан омонат суммаси ёки унинг бир қисми камайтирилганда (олиб қўйилганда, ундирилганда ва ҳ.к.);

- агар омонат шартларида бошқача назарда тутилмаган бўлса, Мижоз мазкур Шартнома муддати тугамасдан туриб омонат суммасининг бир қисмини талаб қилиб олганда (ҳисобдан чиқарганда).

Бунда фоизлар омонатни муддатидан олдин талаб қилиб олиш тартиби ва шартларига мувофиқ тўланади.

4.20. Омонатни қайтариш, унинг бўйича фоизларни тўлаш, шунингдек Омонатчи ёки ишончнома асосида ваколат берилган унинг қонуний вакилининг мазкур Омонат бўйича барча топшириқномаларини Банк офисида бажариш Мижоз томонидан Амалдаги қонунчилик, мазкур Тартиб ва Қоидаларга мувофиқ ШТХ тақдим этилганда амалга оширилади.

4.21. Банк Мижознинг талаби бўйича, у Банк офисига мурожаат қилганда, омонат жойлаштирилганлигини тасдиқловчи муддатли/жамғарма омонати ҳисобварағи бўйича кўчирмани тақдим этади.

4.22. Омонат Банкдан олинадиган кредитлар бўйича алоҳида Шартнома тузиш орқали гаров таъминоти сифатида тақдим этилиши мумкин.

4.23. Агар мазкур Тартибга мувофиқ очилган муддатли/жамғарма омонати ҳисобварағига Банк томонидан пул маблағлари ёки бошқа маблағлар хатолик билан ўтказилган бўлса, Мижоз Банкка қўшимча топшириқномаларсиз муддатли/жамғарма омонати ҳисобварағидан хатолик билан киритилган маблағлар ҳамда ушбу маблағларга ҳисобланган фоизларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини ва олдиндан берилган акцептини тақдим этади. Бундай ҳолларда маблағларни қисман ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилади.

4.24. Ушбу билан Мижоз, агар Мижоз томонидан Ҳисоб-китоб валютаси Омонатнинг Базавий валютасидан фарқ қиладиган омонат очса, қуйидагилардан ўз хабардорлигини тасдиқлайди ва уларга ўз розилигини билдиради:

а) омонат маблағлари жойлаштирилган даврда Банк омонат ҳисобини юритиш ва уни муддатли/жамғарма депозит ҳисобварағида Ҳисоб-китоб валютасида акс эттириш ҳуқуқига эга;

б) омонат суммаси қайтарилиши Омонат жойлаштирилган санада амал қилган Қатъий белгиланган курс бўйича, қайтариш санасидаги курсдан қатъи назар, Базавий валютада амалга оширилади;

в) Мижоз Валюта таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

4.25. Банк Шартнома шартларини бажариш бўйича қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади (бунда Мижоз Банкка чақириб олинмайдиган топшириқнома беради):

- Мижозга муддатли депозит/жамғарма ҳисобварағини очиш;
- асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги Мижоз маблағларини Базавий валютадан Ҳисоб-китоб валютасига Қатъий курс бўйича конвертация қилиш (агар қўлланилса);
- Омонатнинг тўлиқ суммасини Мижознинг кўрсатилган ҳисобварағига киритиш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижозга муддатли/жамғарма омонати шартларини батафсил тушунтириш;

- Мижоздан омонат очиш тўғрисидаги Аризада (мазкур Тартибнинг 1, 2 ва 6-иловалари) кўрсатилган миқдордаги пул маблағларини қабул қилиш ва уларни 20606/20406 «Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма депозитлари» депозит ҳисобварағига киритиш;

- омонат шартларига мувофиқ фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш;

- омонат муддати тугагач, омонат суммасини Омонат шартларига мувофиқ қайтариш;

- ҳисобварақлардаги маблағларнинг сақланиши ва дахлсизлигини таъминлаш. Ҳисобварақлардаги маблағларга хатлов қўйиш ёки ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банкнинг ички (локал) ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ нотариал тасдиқланган ишончнома расмийлаштириш орқали омонатни тасарруф этиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш;

- омонатни учинчи шахслар томонидан тасарруф этиш учун расмийлаштирилган нотариал тасдиқланган ишончноманинг амал қилишини муддатидан олдин тугатиш ва бу ҳақда Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;

- пул маблағлари омонатга киритилганидан кейин белгиланган тартибда буни тасдиқловчи ҳужжатни олиш.

5.2. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ нотариал тасдиқланган ишончнома расмийлаштириш орқали омонатни тасарруф этиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш;

- омонатни учинчи шахслар томонидан тасарруф этиш учун расмийлаштирилган нотариал тасдиқланган ишончноманинг амал қилишини муддатидан олдин тугатиш ва бу ҳақда Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;

- пул маблағлари омонатга киритилганидан кейин белгиланган тартибда буни тасдиқловчи ҳужжатни олиш.

5.3. Мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Омонат шартлари ва мазкур Тартиб билан танишиш;
- мазкур Шартнома имзоланган куни Банкка маблағ киритиш/ўтказиш шартларига риоя қилган ҳолда омонат очиш тўғрисидаги Аризада кўрсатилган миқдордаги пул маблағларини муддатли/жамғарма омонатига киритиш (ўтказиш);

- жамғарма дафтарчаси берилган тақдирда уни тегишли тарзда сақлаш, йўқотилган тақдирда бу ҳақда Банкни ёзма равишда хабардор қилиш ҳамда Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Банк Тарифларида белгиланган миқдорда жарима тўлаш. МБХ орқали очилган омонатлар бўйича жамғарма дафтарчаси расмийлаштирилмайди, барча маълумотлар электрон шаклда юритилади ва омонатчига МБХ орқали реал вақт режимида мониторинг қилиш имконияти берилади;

- ишончнома муддатидан олдин бекор қилинганда, шу кунгек бу ҳақда Банкни ёзма равишда хабардор қилиш ва хатга нотариал идорага илгари тақдим этилган ишончномани бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг нусхасини илова қилиш. Агар ишончномани муддатидан олдин бекор қилиш куни дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунига тўғри келса, ёзма ариза биринчи иш кунида тақдим этилади. Ишончнома бекор қилинганлиги ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган тақдирда, ишончнома асосида берилган омонат учун Банк жавобгар бўлмайди;

- операция амалга оширилган кунда амал қилувчи Банк Тарифларида назарда тутилган омонат бўйича банк операциялари учун воситачилик ҳақи тўловларини тўлаш;

- Мижознинг яшаш манзили, телефон рақами, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганда, шунингдек шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари алмаштирилганда, 5 календарь кун ичида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш ва зарур ҳолларда янги ҳужжатнинг нусхасини тақдим этиш.

5.4. Мижоз омонат қолдиғи ҳамда кирим-чиқим операциялари тўғрисидаги маълумотларни мобил алоқа телефони орқали «SMS-банкнинг» дастури ёки МБХ орқали олиши мумкин.

5.5. Қуйидаги ҳолларда:

- пул маблағлари банк тизимларидаги носозликлар ва/ёки дастурий таъминотдаги хатолар ва/ёки банк тизимларига руҳсатсиз кириш натижасида омонатга келиб тушган бўлса;

- Банк томонидан омонатдан ноқонуний маблағларни легаллаштириш мақсадида фойдаланиш аломатлари аниқланса;

- омонатга пул маблағлари тушиши билан боғлиқ фирибгарлик ҳаракатлари ёки бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар аломатлари аниқланса;

- омонатга жойлаштирилган пул маблағлари дастлаб Банкка тегишли бўлгани ва қонуний битим предмети бўлиши мумкин эмаслиги аниқланса;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликка зид операциялар аниқланса,

Банк ва Омонатчининг ўзаро келишувига кўра мазкур муддатли/жамғарма омонати шартномаси ҳақиқий эмас деб топилади.

Бунда Банк қуйидаги қайтариб олинмайдиган ва шартсиз ҳуқуқларга эга бўлади:

- омонатни ва унга ҳисобланган фоизларни бекор қилиш;
- ноқонуний пул маблағларини Банк фойдасига қайтариш;
- ҳолатлар аниқлангунга қадар Омонатчининг барча ҳисобварақларига киришни блоклаш;

- Омонатчидан пул маблағларининг қонуний манбасини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш.

Кўрилган чоралар тўғрисида Банк Омонатчини Қоидаларда белгиланган тартибда 3 (уч) иш куни ичида хабардор қилади.

5.5.1. Шу билан бирга, мазкур Тартибнинг 5.5-бандини Банк ва Омонатчи:

- тегишли муддатли/жамғарма омонати шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги томонларнинг ёзма келишуви;

- Банк томонидан шартномани бир томонлама бекор қилиш учун асос;

- мазкур Тартибнинг 5.5-кичик бандида назарда тутилган чораларни қўллаш учун етарли асос;
- ҳар икки томон томонидан қўшимча келишувсиз бажарилиши шарт бўлган келишув сифатида эътироф этади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартнома бўйича тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шартнома шартларини бузган тараф Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.2. Агар шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаслик лозим даражада бажариш имконини бермайдиган енгиб бўлмас куч ҳолатлари, яъни мазкур шароитларда фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар, табиий шароитлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори асосида мажбуриятларни бажаришни кечиктириш (мораторий), тегишли муносабатларни тартибга солувчи қонун ёки бошқа ҳужжат амал қилишининг тўхтатилиши натижасида юзага келган бўлса, Тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

6.3. Мижоз Банк томонидан Мижознинг Аризалари асосида очилган ҳисобварақлар ва омонатлар бўйича вояга етмаган фарзанд (васийликдаги шахс) томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар учун тўлиқ жавобгар бўлади.

7. БАНК СИРИ

7.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Банк банк сирини ташкил этувчи ахборот ва маълумотларнинг махфийлигини кафолатлайди.

7.2. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тақдим этилиши мумкин.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномадан ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган ёки юзага келган барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар ёки даъволар, шу жумладан уни тузиш, ўзгартириш, ижро этиш, бузиш, бекор қилиш, тугатиш, ҳақиқий эмаслиги ёки тузилмаганлиги (тўлиқ ва/ёки қисман) билан боғлиқ масалалар даъвогарнинг ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича судида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ низонинг судловга тааллуқлилиги ва тегишлилиги қоидалари асосида, ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида (кейинги ўринларда – «Ҳакамлик суди») Ҳакамлик суди Регламенти, Ҳакамлик суди тўғрисидаги низом ҳамда Ҳакамлик судида томонларнинг йиғимлари, харажатлари ва чиқимлари тўғрисидаги низомга мувофиқ яқка тартибдаги ҳакам томонидан ҳал этилади. Фуқаролик ишлари бўйича судга ёки Ҳакамлик судига даъво билан мурожаат қилишни танлаш ҳуқуқи даъвогарда қолади.

8.2. Омонат шартномаси шартларига қўшимча киритиш ва/ёки уларни ўзгартириш Томонларнинг розилигига кўра тегишли ариза тақдим этиш йўли билан амалга оширилади, мазкур Илова 8.3-банди бундан мустасно.

8.3. Банк ўз юридик ёки почта манзили, банк реквизитлари ва фирма номи ўзгарган тақдирда, Банк биносига, Банк сайтида, оммавий ахборот воситалари орқали ва/ёки Банк танловига кўра бошқа ҳар қандай усуллар билан тегишли эълонни жойлаштириш орқали Мижозни хабардор қилади.

8.4. Мазкур ҳужжатда назарда тутилмаган барча ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

8.5. Омонатчи вафот этган тақдирда, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда меросхўрларига ўтади. Бунда меросхўрлар Банкка Омонатга мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим

этишлари ва Омонат шартномасига қўшимча келишув тузишлари шарт.

8.6. Шу билан Мижоз Омонат шартномаси тузилган пайтда Банк Тарифлари ва Омонат шартлари билан танишганлигини ҳамда уларга рози эканлигини тасдиқлайди.

9. МАЗКУР ТАРТИБГА ИЛОВАЛАР

9.1. Қуйидаги Иловалар мазкур Тартибнинг ажралмас қисми ҳисобланади *(мурожаатларни тақдим этиш шакли ва шартларига қараб аризалар ва буюртмалар шакли илова қилинган шаклдан фарқ қилиши мумкин)*:

- **1-илова** – «Муддатли омонат очиш тўғрисидаги ариза»;
- **2-илова** – «Жамғарма омонати очиш тўғрисидаги ариза»;
- **3-илова** – «Муддатли/жамғарма омонати суммасига қўшимча маблағ киритиш тўғрисидаги ариза»;
- **4-илова** – «Муддатли/жамғарма омонати суммасини қисман ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза»;
- **5-илова** – «Муддатли/жамғарма омонатини муддатидан олдин ёпиш тўғрисидаги ариза»;
- **6-илова** – Муддатли/жамғарма омонатини очиш бўйича онлайн-ариза;
- **7-илова** – «Муддатли/жамғарма омонати суммасига қўшимча маблағ киритиш бўйича онлайн-ариза»;
- **8-илова** – «Муддатли/жамғарма омонати суммасини қисман ҳисобдан чиқариш бўйича онлайн-ариза»;
- **9-илова** – «Муддатли/жамғарма омонатини муддатидан олдин ёпиш бўйича онлайн-ариза».

Муддатли омонат очишга Ариза № _____

Ушбу билан АТБ «Капиталбанк»нинг **Ягона филиалида** жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидалари, жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва ижро этиш тартиби ҳамда Тарифлар билан танишганлигимни, улар менга тушунарли эканлигини тасдиқлайман ва шу муносабат билан мен билан **«Омонат номи»** муддатли омонати шартлари асосида банк омонати шартномасини тузишингизни сўрайман.

Қуйидаги шартлар асосида омонатга пул маблағларини қабул қилишингизни сўрайман. Бунда чекловлар, омонатни тўлдириш, муддатидан олдин қайтариб олиш, капитализация, пролонгация ва қисман ҳисобдан олиш шартлари менга маълум.

Омонат суммаси	_____	, лекин Энг кам омонат суммасидан кам эмас
Омонат валютаси	UZS ☐	USD ☐ EUR ☐
Омонат муддати	_____	
Омонат ҳисобварақ рақами	_____	
Омонатни очиш санаси	_____	
Омонатнинг амал қилиш муддатининг тугаш санаси	_____	
Дастлабки бадалнинг энг кам миқдори	_____	
Камаймас қолдиқ	_____	
Омонатни муддатидан аввал ёпиш шартлари	_____	
Фоизларни тўлаш	_____	нақд пулда ёки нақдсиз шаклда
Агар фоизларнинг тўлови нақдсиз йўл билан амалга оширилган ҳолда,		
Кирим ушбу ҳисобвараққа амалга оширилади	20206 ☐	22618 ☐
Омонат асосий суммаси қайтариладиган ҳисобварақ	20206 ☐	22618 ☐
Автомат капитализация	бор ☐	йўқ ☐
Пролонгация	бор ☐	йўқ ☐
Қўшимча бадал	бор ☐	йўқ ☐
Қикман ҳисобдан олиш	бор ☐	йўқ ☐

Банк:

АТБ «Капиталбанк»

Масъул ижроочи Ф.И.Ш.

(имзо, штамп)

Чакана бизнес
бўлими бошлиғи
Ф.И.Ш.

(имзо)

Сана: _____

Омонатчи:

Паспорт маълумотлари:

Берилган:

Манзил:

Жамғарма дафтарча № _____

☐ жамғарма дафтарчаси расмийлаштирмай

☐ шахсий ҳисоб варақаси расмийлаштирмай

Омонатчининг имзоси: ✓ _____

Жамғарма омонат очишга Ариза № _____

Ушбу билан АТБ «Капиталбанк»нинг **Ягона филиалида** жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидалари, жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва ижро этиш тартиби ҳамда Тарифлар билан танишганлигимни, улар менга тушунарли эканлигини тасдиқлайман ва шу муносабат билан мен билан **«Омонат номи»** жамғарма омонати шартлари асосида банк омонати шартномасини тузишингизни сўрайман.

Қуйидаги шартлар асосида омонатга пул маблағларини қабул қилишингизни сўрайман. Бунда чекловлар, омонатни тўлдириш, муддатидан олдин қайтариб олиш, капитализация, пролонгация ва қисман ҳисобдан олиш шартлари менга маълум.

Омонат суммаси _____,	лекин Энг кам омонат суммасидан кам эмас		
Омонат валютаси	UZS ☐	USD ☐	EUR ☐
Омонат муддати _____			
Омонат ҳисобварақ рақами _____			
Омонатни очиш санаси _____			
Омонатнинг амал қилиш муддатининг тугаш санаси _____			
Дастлабки бадалнинг _____			
Энг кам миқдори _____			
Камаймас қолдиқ _____			
Омонатни муддатидан аввал ёпиш шартлари _____			
Фоизларни тўлаш _____	нақд пулда ёки нақдсиз шаклда		
Агар фоизларнинг тўлови нақдсиз йўл билан амалга оширилган ҳолда,			
Кирим ушбу ҳисобвараққа амалга оширилади	20206 ☐		22618 ☐
Омонат асосий суммаси қайтариладиган ҳисобварақ	20206 ☐		22618 ☐
Автомат капитализация	бор ☐	йўқ ☐	
Пролонгация	бор ☐	йўқ ☐	
Қўшимча бадал	бор ☐	йўқ ☐	
Қисман ҳисобдан олиш	бор ☐	йўқ ☐	

Банк:

АТБ «Капиталбанк»

Масъул ижрочи Ф.И.Ш.

(имзо, штамп)

Чакана бизнес
бўлими бошлиғи
Ф.И.Ш.

(имзо)

Сана: _____

Омонатчи:

Паспорт маълумотлари:

Берилган:

Манзил:

Жамғарма дафтарча № _____

☐ жамғарма дафтарчаси расмийлаштирмай

☐ шахсий ҳисоб варақаси расмийлаштирмай

Омонатчининг имзоси: ✓ _____

**Муддатли/жамғарма омонат № _____ суммасига
қўшимча маблағлар кирим қилишга Ариза**

Ушбу билан АТБ «Капиталбанк»нинг Ягона филиалида жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидалари, жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва ижро этиш тартиби ҳамда Тарифлар билан танишганлигимни, улар менга тушунарли эканлигини тасдиқлайман ва шу муносабат билан «**Омонат номи**» омонати шартларига мувофиқ муддатли/жамғарма омонати суммасини тўлдиришингизни сўрайман.

Қуйидаги шартлар асосида омонатга пул маблағларини қабул қилишингизни сўрайман. Бунда чекловлар, омонатни тўлдириш, муддатидан олдин қайтариб олиш, капитализация, пролонгация ва қисман ҳисобдан олиш шартлари менга маълум:

Қўшимча киритилган пул маблағлари			
Суммаси	_____		
Омонат умумий суммаси	_____		
Омонат ҳисобварағи рақами	_____		
Омонат валютаси	UZS ☐	USD ☐	EUR ☐
Омонат муддати	_____		
Омонатни очиш санаси	_____		
Омонат амал қилиш муддатининг тугаш санаси	_____		
Камаймас қолдиқ	_____		
Омонатни қисман ҳисобдан олиш	_____		
Шартлари	_____		
Омонатни муддатидан аввал ёпиш шартлари	_____		
Фоизларни тўлаш	_____ нақд пулда ёки нақдсиз шаклда		
Автомат капитализация	бор ☐	йўқ ☐	
Пролонгация	бор ☐	йўқ ☐	
Қўшимча бадал	бор ☐	йўқ ☐	
Қисман ҳисобдан олиш	бор ☐	йўқ ☐	

Банк:

АТБ «Капиталбанк»

Масъул ижрочи Ф.И.Ш.

(имзо, штамп)

Чакана бизнес
бўлими бошлиғи
Ф.И.Ш.

(имзо)

Сана: _____

Омонатчи:

Паспорт маълумотлари:

Берилган:

Манзил:

Жамғарма дафтарча № _____

☐ жамғарма дафтарчаси расмийлаштирмай

☐ шахсий ҳисоб варақаси расмийлаштирмай

Омонатчининг имзоси: ✓ _____

**Муддатли/жамғарма омонат № _____ суммасини
қисман ҳисобдан чиқаришга Ариза**

Ушбу билан АТБ «Капиталбанк»нинг Ягона филиалида жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидалари, жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва ижро этиш тартиби ҳамда Тарифлар билан танишганлигимни, улар менга тушунарли эканлигини тасдиқлайман ва шу муносабат билан «**Омонат номи**» омонати шартларига мувофиқ муддатли/жамғарма омонати суммасини қисман ҳисобдан чиқаришни (ечиб олишни) сўрайман.

Омонатдан пул маблағлари бир қисмини ҳисобдан ечиб беришни сўрайман, бунда чекловлар, омонатни тўлдириш, муддатидан олдин қайтариб олиш, капитализация, пролонгация ва қисман ҳисобдан олиш шартлари менга маълум:

Омонатнинг қисман олинган қисми суммаси _____			
Қисман олингандан кейинги Омонат умумий суммаси _____			
Омонат ҳисобварағи рақами _____			
Омонат валютаси	UZS ☐	USD ☐	EUR ☐
Омонат муддати	_____		
Омонатни очиш санаси	_____		
Омонат амал қилиш муддатининг тугаш санаси	_____		
Камаймас қолдиқ	_____		
Омонатни қисман ҳисобдан олиш Шартлари	_____		
Омонатни муддатида аввал ёпиш шартлари	_____		
Фоизларни тўлаш	_____ нақд пулда ёки нақдсиз шаклда		
Автомат капитализация	бор ☐	йўқ ☐	
Пролонгация	бор ☐	йўқ ☐	
Қўшимча бадал	бор ☐	йўқ ☐	
Қисман ҳисобдан олиш	бор ☐	йўқ ☐	

Банк:
АТБ «Капиталбанк»

Масъул ижрочи Ф.И.Ш.

(имзо, штамп)

Чакана бизнес
бўлими бошлиғи
Ф.И.Ш.

(имзо)

Сана: _____

Омонатчи:

Паспорт маълумотлари:

Берилган:

Манзил:

Жамғарма дафтарча № _____

☐ жамғарма дафтарчаси расмийлаштирмай

☐ шахсий ҳисоб варақаси расмийлаштирмай

Омонатчининг имзоси: ✓ _____

Муддатли/жамғарма омонат № _____ ни муддатидан аввал ёпишга Ариза

Ушбу билан АТБ «Капиталбанк»нинг Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидалари, Жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва ижро этиш тартиби ҳамда Тарифлар билан танишганлигимни, улар менга тушунарли эканлигини тасдиқлайман ва шу муносабат билан «Омонат номи» омонати шартларига мувофиқ муддатли/жамғарма омонатни муддатидан аввал ёпишингизни сўрайман.

Омонатни муддатидан аввал ёпишни сўрайман. Муддатидан аввал ёпиш шартлари менга маълум:

Омонат суммаси	_____		
Омонат ҳисобварағи рақами	_____		
Омонат валютаси	UZS ☐	USD ☐	EUR ☐
Омонат муддати	_____		
Омонатни очиш санаси	_____		
Омонат амал қилиш муддатининг тугаш санаси	_____		
Камаймас қолдиқ	_____		
Омонатни қисман ҳисобдан олиш			
Шартлари	_____		
Омонатни муддатидан аввал ёпиш шартлари	_____		
Фоизларни тўлаш	_____	нақд пулда ёки нақдсиз шаклда	
Агар фоизларнинг тўлови нақдсиз йўл билан амалга оширилган ҳолда,			
Кирим ушбу ҳисобвараққа амалга оширилади	20206 ☐		22618 ☐
Омонат асосий суммаси қайтариладиган ҳисобварақ	20206 ☐		22618 ☐
Автомат капитализация	бор ☐	йўқ ☐	
Пролонгация	бор ☐	йўқ ☐	
Қўшимча бадал	бор ☐	йўқ ☐	
Кисман ҳисобдан олиш	бор ☐	йўқ ☐	

Банк:

АТБ «Капиталбанк»

Омонатчи:

Масъул ижрочи Ф.И.Ш.

(имзо, штамп)

Чакана бизнес
бўлими бошлиғи
Ф.И.Ш.

(имзо)

Сана: _____

Паспорт маълумотлари:

Берилган:

Манзил:

Жамғарма дафтарча № _____

☐ жамғарма дафтарчаси расмийлаштирмай
☐ шахсий ҳисоб варақаси
расмийлаштирмай

Омонатчининг имзоси: ✓ _____

*Жисмоний шахснинг муддатли/жамғарма омонатини очиш
бўйича шартномани тузиш ва ижро қилиш тартибига*
6-сон ИЛОВА

Муддатли/жамғарма омонат очишга Онлайн-ариза

Омонат валютаси	UZS ☐	USD ☐	EUR ☐
Омонат номи	_____		
Омонат муддати	_____		
Дастлабки бадалнинг	_____		
Энг кам миқдори	_____		
Камаймас қолдиқ	_____		
Фоиз ставкаси	_____		
Қўшимча бадал	бор ☐	йўқ ☐	
Кисман ҳисобдан олиш	бор ☐	йўқ ☐	
Фоизларни тўлаш даври	_____		
Омонатни муддатидан аввал	_____		
ёпиш шартлари	_____		
Бошқа шартлар	_____		
Омонат суммаси	_____, лекин Энг кам омонат суммасидан кам эмас		

**Муддатли/жамғарма омонат суммасига қўшимча маблағлар киритишга
Онлайн-ариза**

Омонатни танлаш _____
Қўшича киритилган пул
маблағлари миқдори _____
Жўнатувчини танлаш
(карта, ҳамён ва ш.к.) _____

Пул маблағларини кирим қилишга электрон тугма тасдиғи

**Муддатли/жамгарма омонат суммасини қисман ҳисобдан олишга
Онлайн-ариза**

Омонатни танлаш _____
Қўшича ҳисобдан олинadиган пул
маблағлари миқдори _____
Олувчини танлаш
(карта, ҳамён ва ш.к.) _____

Пул маблағларини олишга электрон тугма тасдиғи

*Жисмоний шахснинг муддатли/жамгарма омонатини очии
бўйича шартномани тузиши ва ижро қилиши тартибига
9-сон ИЛОВА*

Муддатли/жамгарма омонатини муддатида аввал ёпишга Онлайн-ариза

Омонатни танлаш _____

Олувчини танлаш

(карта, хамён ва ш.к.) _____

Пул маблағларини олишга электрон тугма тасдиғи

Ўзбекистон Республикасидаги омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида
АХБОРОТ

1.	"Капиталбанк" АТБда жойлаштирилган омонатларни кафолатлаш	Банкдаги омонатлар Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланади
2.	Омонатларни кафолатлаш асослари	Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни
3.	Кафолатлаш ҳодисаси	Банкнинг тугатилиши (ёпилиши)
4.	Кафолатланадиган омонатлар тури	Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар, шу жумладан банк карталаридаги маблағлар, муддатли ва жамғарма омонатлар, шунингдек мазкур омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлар
5.	Компенсация миқдори	Банк тугатилганда ҳар бир омонатчига, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда, жами тўланадиган компенсация миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
6.	Бир банкда омонатчининг бир нечта омонатлари мавжуд бўлган тақдирда тўланадиган компенсация миқдори	Омонатнинг миқдори ва валютасидан қатъи назар омонатчининг ушбу банкдаги ва унинг филиалларидаги барча омонатлари ҳисобланган фоизлар билан жамланади ва улар бўйича тўланадиган компенсациянинг умумий миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
7.	Бир нечта банк тугатилган ҳолда компенсация миқдори	Бир нечта банк тугатилган тақдирда, мазкур банкларда омонатлари мавжуд бўлган омонатчи ҳар бир банк бўйича алоҳида тартибда 200 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда компенсация олиш ҳуқуқига эга
8.	Компенсация тўлаш муддати	Банкни тугатиш (ёпиш) тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 20 иш куни мобайнида: 2026 йил 1 январдан бошлаб — 15 иш куни; 2027 йил 1 январдан бошлаб — 7 иш куни.
9.	Компенсация тўланадиган валюта	Чет эл валютасида қўйилган омонатлар бўйича компенсация банк тугатилган (ёпилган) санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича миллий валютада (сўмда) тўланади
10.	Боғланиш учун маълумотлар	Омонатларни кафолатлаш агентлигининг: Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100027, Тошкент шаҳри, Қаратош кўчаси, 1-уй. Е-mail: info@uzoka.uz Ишонч телефони: +998 55 550 05 00 Расмий веб-сайти: Омонатларни кафолатлаш агентлиги - FGD

Омонатчи хабардор қилинди:
Сана ва имзо

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига
6-СОН ИЛОВА

АКБ «Капиталбанк»

дан

(мурожаатчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

Шахсга доир маълумотларни ўзгартиришга

Ариза

Сиздан банк тизимларидаги менинг маълумотларимга қуйидаги ўзгартиришлар киритишишингизни сўрайман:

Маълумотлар	Жорий (ҳозирги)	Янги

Тўлдириш санаси:

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА
Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига
7-СОН ИЛОВА

«KAPITAL PREMIUM» VA «KAPITAL PRIVILEGE» ХИЗМАТЛАР ТЎПЛАМИГА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТЛАРИ

1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур «Kapital Premium» ва «Kapital Privilege» хизматлар тўпламига хизмат кўрсатиш шартлари (кейинги ўринларда – «Шартлар»)да куйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

Мижоз – Банк билан Комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномасини (кейинги ўринларда – КБХШ), Қоидаларда ўрнатилган ҳолларда эса алоҳида Банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартномани тузган, агар Қоидалар ва Шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Affluent» / «Premium» сегментига мансуб жисмоний шахс бўлиб, ушбу сегментга Хизматлар тўпламига шартларга риоя этилганда киритилади;

Имтиёзли давр – Банк томонидан тақдим этиладиган ва 1 (бир) календарь ойига тенг бўлган бепул хизмат кўрсатиш даври;

Премиал карта – Хизматлар тўплами доирасида Банк томонидан чиқариладиган халқаро «VISA» ёки «Mastercard» тўлов тизимларининг премиал тоифадаги Асосий ёки Қўшимча картаси (Visa Infinite, Mastercard World Elite, Mastercard World Black Edition) бўлиб, танланган Хизматлар тўплами ва тегишли халқаро тўлов тизими қоидаларига мувофиқ Мижозга премиал сервислар ва имтиёزلардан фойдаланиш имконини беради;

Шахсий менежер – Мижозларга қулай хизмат кўрсатиш ва уларни хабардор қилишни таъминлайдиган, юқори малака ва тажрибага эга бўлган Банк ходими;

Хизматлар тўплами – Банк томонидан «Affluent» / «Premium» сегментидаги Мижозларга Банк Тарифлари ва КБХШда белгиланган шартлар асосида тақдим этиладиган банк маҳсулотлари ва хизматлари мажмуаси.

1.2. Мазкур Шартларда қўлланилган бошқа атама ва тушунчалар Қоидаларда белгиланган маънода қўлланилади.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк Мижозларга «Kapital Premium» ва «Kapital Privilege» номли икки турдаги хизматлар тўпламини тақдим этади, уларнинг ҳар бири муайян банк маҳсулотлари ва хизматлари тўпламидан иборат.

2.2. Мижоз ўз ҳисобварақларидаги ўртача ойлик қолдиқларнинг умумий балансига боғлиқ равишда ёки Хизматлар тўплами доирасида пуллик хизмат кўрсатишни танлашда Хизматлар тўпламидан фойдаланиши мумкин. Бунда Мижоз фақат битта хизматлар тўпламини танлаши мумкин, иккала тўпламни бир вақтнинг ўзида улашга йўл қўйилмайди.

2.3. Умумий баланс деганда, Комплекс хизмат кўрсатиш шартномаси доирасида Банкнинг барча офисларида шаклантириладиган ҳисобварақлар рўйхатида акс эттириладиган депозит банк ҳисобварақларидаги ўртача ойлик қолдиқлар йиғиндиси тушунилади, кредит (ссуда) ҳисобварақлари бундан мустасно.

2.4. Умумий баланс АҚШ долларида ёки миллий ва/ёки бошқа валютадаги эквивалентида календарь ойининг охирига (ойнинг охириги календарь куни соат 24:00:00 ҳолатига), Тошкент шаҳри вақти бўйича ҳисобланади.

2.5. АҚШ долларидаги сумманинг ва миллий ва/ёки бошқа валютадаги ҳисобварақларда жойлаштирилган пул маблағларнинг эквивалент миқдори Банк томонидан календарь ойининг охириги кунига белгиланган курс бўйича ҳисобланади.

2.6. Премиял картани чиқариш/навбатдаги қайта чиқариш, муддатидан олдин қайта чиқариш шартлари, шу жумладан карта йўқолган тақдирда ёки Мижознинг шахсий маълумотлари ўзгарганда (Премиял картада эмбоссинг қилинадиган маълумотлар, яъни мижознинг исми ва фамилияси латин алифбосида ўзгарганда), Банк сайтида жойлаштирилган Банк тарифлари билан тартибга солинади.

2.7. Мазкур Шартлар халқаро пластик картани чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мазкур Шартларда тартибга солинмаган масалалар Халқаро пластик картани чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Шартнома ҳамда КБХШ билан тартибга солинади.

3. ЎРТАЧА ОЙЛИК ҚОЛДИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ МЕТОДИКАСИ

Ўртача ойлик қолдиқ = сумма (амалиёт куни якунига барча ҳисобварақлардаги ҳар кунлик қолдиқларнинг умумий суммаси) / ҳисобот ойидаги кунлар сони,

масалан, («Kapital Premium» хизматлар тўплами учун),

Мижоз 1 (биринчи) июн куни ўз ҳисобварағида 180 000 (бир юз саксон минг) АҚШ доллари шакллантирди, 15 (ўн бешинчи) июн куни ҳисобварақни 70 000 (етмиш минг) АҚШ долларига тўлдирди ва 28 (йигирма саккизинчи) июн куни 30 000 (ўттиз минг) АҚШ долларини ечиб олди (ҳисобдан чиқарди), ўртача ойлик қолдиқ 214 333.33 (икки юз ўн тўрт минг уч юз ўттиз уч доллар 33 цент) АҚШ долларини ташкил қилади.

Июн ойи учун ўртача ойлик қолдиқ қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\frac{\underbrace{180\,000 + \dots + 180\,000}_{\text{ҳисобварақда 1 июндан 14 июнгача}} + \underbrace{250\,000 + \dots + 250\,000}_{\text{ҳисобварақда 15 июндан 27 июнгача}} + \underbrace{220\,000 + 220\,000 + 220\,000}_{\text{ҳисобварақда 28 июндан 30 июнгача}}}{\underbrace{30}_{\text{июндаги кунлар сони}}} =$$

= 214 333,33 (АҚШ доллари).

масалан, («Kapital Privilege» хизматлар тўплами учун),

Мижоз 1 (биринчи) июн куни ўз ҳисобварағида 25 000 (йигирма беш минг) АҚШ доллари шакллантирди, 15 (ўн бешинчи) июн куни ҳисобварақни 20 000 (йигирма минг) АҚШ долларига тўлдирди ва 28 (йигирма саккизинчи) июн куни 15 000 (ўн беш минг) АҚШ долларини ечиб олди (ҳисобдан чиқарди), ўртача ойлик қолдиқ 34 166.67 (ўттиз тўрт минг бир юз олти миш олти доллар 67 цент) АҚШ долларини ташкил қилади.

$$\frac{\underbrace{25\,000 + \dots + 25\,000}_{\text{ҳисобварақда 1 июндан 14 июнгача}} + \underbrace{45\,000 + \dots + 45\,000}_{\text{ҳисобварақда 15 июндан 27 июнгача}} + \underbrace{30\,000 + 30\,000 + 30\,000}_{\text{ҳисобварақда 28 июндан 30 июнгача}}}{\underbrace{30}_{\text{июндаги кунлар сони}}} =$$

= 34 166,67 (АҚШ доллари).

4. «KAPITAL PREMIUM» ХИЗМАТЛАР ТЎПЛАМИ ДОИРАСИДА МАҲСУЛОТЛАР ВА СЕРВИС

4.1. «Kapital Premium» хизматлар тўплами доирасидаги маҳсулотлар ва сервислар (шу жумладан уларнинг қиймати) Банкнинг веб-сайтидаги «Kapital Premium» бўлимида жойлаштирилади.

4.2. «Kapital Premium» хизматлар тўплами Мижоз томонидан Премиял картани чиқариш тўғрисидаги Ариза (КБХШ доирасида Жисмоний шахснинг халқаро пластик картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш ва ижро этиш тартибига 11-илова) имзоланган тақдирда уланган деб ҳисобланади.

4.3. Банк Молия қўмитасининг қарорига мувофиқ «Kapital Premium» хизматлар тўплами доирасидаги маҳсулотлар ва сервислар ўзгартирилиши мумкин.

5. «KAPITAL PRIVILEGE» ХИЗМАТЛАР ТЎПЛАМИ ДОИРАСИДА МАҲСУЛОТЛАР ВА СЕРВИС

5.1. «Kapital Privilege» хизматлар тўплами доирасидаги маҳсулотлар ва сервислар (шу жумладан уларнинг қиймати) Банкнинг веб-сайтидаги «**Kapital Privilege**» бўлимида жойлаштирилади.

5.2. «Kapital Privilege» хизматлар тўплами Мижоз томонидан Премиал картани чиқариш тўғрисидаги Ариза (КБХШ доирасида жисмоний шахснинг халқаро пластик картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш ва ижро этиш тартибига 11-илова) имзоланган тақдирда уланган деб ҳисобланади.

6. ХИЗМАТЛАР ТЎПЛАМИГА ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛОВ УНДИРИШ ТАРТИБИ

6.1. Хизматлар тўплами уланганида, Мижозга ҳисобварақларини тўлдириш учун кейинги календарь ой охиригача бепул хизмат кўрсатиш даври тақдим этилади.

6.2. Агар жорий ойда Мижоз ҳисобварақларидаги ўртача ойлик қолдиқларнинг умумий баланси камайса, танланган Хизматлар тўплами бўйича Имтиёзли давр мобайнида қўшимча равишда бепул хизмат кўрсатилади.

6.3. Илгари ҳисобварақлардаги ўртача ойлик қолдиқларнинг умумий баланси бўйича талабларни қаноатлантирган, аммо жорий ойда ушбу баланси камайган Мижозларга кейинги ойда 1 (бир) календарь ойлик Имтиёзли давр берилади.

6.4. Фойдаланиладиган Имтиёзли даврлар сони чекланмайди.

6.5. Агар Имтиёзли давр тугагач, ҳисобварақлардаги ўртача ойлик қолдиқларнинг умумий баланси Хизматлар тўплами шартларини қанотлантирмаса, танланган Хизматлар тўплами учун воситачилик ҳақи (Хизматлар тўплами қиймати, комиссия) ундирилади.

6.6. Танланган Хизматлар тўплами учун воситачилик ҳақи (Банк веб-сайтида кўрсатилган миқдорда) Асосий Премиал картадан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 (бешинчи) иш кунидан кечиктирмасдан, Асосий Премиал картанинг карта ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

6.7. Воситачилик ҳақи Асосий Премиал картанинг ҳисобварағида мусбат ва фойдаланиш мумкин бўлган қолдиқ мавжуд бўлган тақдирдагина ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

6.8. Воситачилик ҳақи (комиссия) Премиал карта ҳисобварағи валютасида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг воситачилик тўлови ҳисобдан чиқарилган санадаги курси бўйича ҳисобланади.

6.9. Агар Премиал карта ҳисобварағида воситачилик ҳақини ундириб олиш учун маблағ етарли бўлмаса:

- Премиал карта Банк томонидан бир томонлама тартибда блокраниши мумкин;
- премиал сервислар ва имтиёزلарни тақдим этиш тўхтатилади;
- бунда банк ҳисобварақлари одатий тартибда ишлашда давом этади;
- Мижознинг премиал Хизматлар тўпламига кирмайдиган бошқа Асосий ва/ёки Қўшимча карталари одатий тартибда амал қилади;
- Хизматлар тўплами бўйича хизмат кўрсатиш ва Премиал картани блокдан чиқариш воситачилик ҳақи (комиссия) тўлиқ тўланганидан кейин қайта тикланади.

6.10. Банк Мижозни навбатдаги ҳар ойлик воситачилик ҳақи ҳисобдан ундирилиши ҳақида Push-хабарномалар, SMS-хабарномалар ва/ёки Банкнинг бошқа расмий алоқа каналлари орқали олдиндан хабардор қилади.

7. ХИЗМАТЛАР ТЎПЛАМИНИ ЎЧИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Хизматлар тўпламини ўчириш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- Мижоз ташаббуси билан;
- Банк ташаббуси билан;
- Банк мазкур турдаги хизматлар тўпламини тақдим этишни тўхтатганда.

7.2. Хизматлар тўпланидан воз кечилганда:

- Мижоз Хизматлар тўпламини ундан воз кечиш ёки хизматлар тўпламини алмаштириш тўғрисидаги Аризани (мазкур Шартларга 1-илова) расмийлаштириш орқали ўчириши мумкин;

- Ариза Мижоз томонидан Банкнинг исталган офисида шахсан расмийлаштирилади;

- Ариза топширилганидан кейин 10 (ўн) кун ичида Хизматлар тўплами ўчирилиб, Мижоз сегменти «Mass» сегментига ўзгартирилади;

- Хизматлар тўплamlари доирасидаги имтиёзларни тақдим этиш тўхтатилади.

7.3. «Kapital Privilege» тўпламидан «Kapital Premium» тўпламига ўтилганда:

- Мижоз хизматлар тўпламини ундан воз кечиш ёки алмаштириш тўғрисидаги Аризани расмийлаштириш орқали ўзгартириши мумкин;

- Ариза топширилганидан кейин 10 кун ичида Банк АБТсида Мижоз маркери ўзгартирилади ва унга Шахсий менежер бириктирилади;

- «Kapital Privilege» тўпламидан «Kapital Premium» тўпламига ўтилганда, «Kapital Privilege» тўплами доирасида расмийлаштирилган карталар амал қилишини сақлаб қолади.

7.4. «Kapital Premium» тўпламидан «Kapital Privilege» тўпламига ўтилганда:

- Ариза Мижоз томонидан Банкнинг исталган офисида шахсан расмийлаштирилади;

- Ариза топширилганидан кейин 10 кун ичида Банк АБТсида Мижоз маркери ўзгартирилади ва унга Шахсий менежер бириктирилади;

- «Kapital Premium» тўпламидан «Kapital Privilege» тўпламига ўтилганда, «Kapital Premium» тўплами доирасида олинган ва «Kapital Privilege» тўплами доирасида расмийлаштириш мумкин бўлмаган карталар ўз амал қилишини сақлаб қолади.

7.5. Банк қуйидаги ҳолларда Хизматлар тўпламини бир томонлама тартибда ўчиришга ҳақли:

- Мижоз КБХШ ва мазкур Шартлар талабларини бузганда;

- Банк талабига кўра Мижоз Хизматлар тўплами учун воситачлик ҳақи (комиссия)ни тўламаганда;

- Хизматлар тўпламини расмийлаштиришда Мижоз томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички локал ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7.6. Хизматлар тўплами Банк ташаббуси билан ўчирилганда, Банк:

- ўчириш санасидан камида 10 (ўн) календарь кун олдин SMS-хабарнома ва/ёки Push-хабарнома орқали Мижозни хабардор қилади;

- хабардор қилиш муддати тугагач, Хизматлар тўплами ўчирилади ва Премиал карта блокланади;

- Мижоз «Mass» мақомига ўтказилади.

7.7. Хизматлар тўплами ўчирилганда ёки алмаштирилганда:

- фойдаланилмаган имтиёзлар бекор қилинади;

- карталарни чиқариш бўйича бажарилмаган буюртмалар бекор қилинади;

- барча қўшимча сервислар, шу жумладан Банк томонидан кўрсатиладиган сервислар тақдим этилиши тўхтатилади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мазкур Шартларга мувофиқ хизматлар тўплamlаридан бирини танлаш ва улаш;
- Хизматлар тўплами бўйича хизмат кўрсатишга розилик билдириш ва/ёки ундан воз кечиш;

- ўзига бириктирилган Шахсий менежерга исталган вақтда (24/7) мурожаат қилиш;

- исталган масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар қолдириш;

- Банкка берилган топшириқномаларнинг бажарилиши тўғрисида долзарб ва ишончли маълумот олиш;

- талабига кўра банк Ҳисобварақлари ва/ёки Карталар бўйича амалга оширилган операциялар юзасидан кўчирмалар олиш, шунингдек ҳисобварақ бўйича операция Карта орқали амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Карта тегишли бўлган Тўлов тизими қоидаларига мувофиқ банк Ҳисобварақлари бўйича операцияларга нисбатан ёзма эътирозлар билдириш.

8.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Мижоздан уни лозим даражада идентификация (верификация) қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш, улар тақдим этилмаган ёки тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда эса Ҳизматлар тўпламини тақдим этишни рад этиш;

- Мижоз ҳисобварақларидаги ўртача ойлик қолдиқларнинг умумий баланси камайган тақдирда танланган Ҳизматлар тўплами учун ҳар ойлик воситачилик тўловини ундириб олиш;

- Мижоз танланган Ҳизматлар тўплами шартларини бажармаган тақдирда, Ҳизматлар тўплами бўйича хизмат кўрсатишни бир томонлама тартибда тўхтатиш ва Премиал картани блоклаш.

8.3. Мазкур Шартларда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари, Тарафлар КБХШ ва Банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартнома(лар)га мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар ҳамда тегишли мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Тарафлар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун амалдаги қонунчилик, мазкур Шартлар, КБХШ ва банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартнома(лар)га мувофиқ жавобгар бўладилар.

9.2. Мижоз аризалар ва топшириқларнинг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар ҳисобланади. Нотўғри расмийлаштирилган аризалар ёки топшириқлар натижасида ҳисобдан чиқарилган (ундирилган) турли воситачилик тўловлари (комиссиялар) учун Банк жавобгар бўлмайди.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур Шартлардан келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликлар Қоидаларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

10.2. Мазкур Шартларда назарда тутилмаган барча масалаларда Томонлар Амалдаги қонунчилик, Қоидалар ва Банк тарифларига амал қиладилар.

10.3. Мазкур Шартларга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Қоидалар талабларига мувофиқ киритилган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

5. ИЛОВАЛАР

5.1. Қуйидаги иловалар мазкур Шартларнинг ажралмас қисми ҳисобланади:

1-илова – «Ҳизматлар тўпламидан воз кечиш ёки Ҳизматлар тўпламини алмаштириш тўғрисидаги ариза».

Хизматлар тўпамидан воз кечиш ёки алмаштиришга
АРИЗА

Кимдан:

(жисмоний шахс / қонуний вакил Ф.И.Ш.)

Мендан Хизматлар тўпламини ўчиришингизни сўрайман:

☐ Хизматлар тўплами «Kapital Premium»

☐ Хизматлар тўплами «Kapital Privilege»

Мени Хизматлар тўпламига ўтказишингизни сўрайман:

☐ Хизматлар тўплами «Kapital Premium»

☐ Хизматлар тўплами «Kapital Privilege»

Аризачининг маълумотлари:

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:

Телефон рақами:

КБХШ, Оммавий оферта, Хизматлар тўпламига хизмат кўрсатиш Шартлари ва Банк тарифлари билан танишдим ҳамда уларга розиман. (веб-сайт: www.kapitalbank.uz). Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

Ушбу билан розилик билдираманки, Банк:

☐ Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларни текшириш ҳуқуқига эга.

☐ Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотлардан Банкнинг реклама ва ахборот материалларини юбориш мақсадида фойдаланиши мумкин.

Хизматлар тўплами
эгасининг имзоси

✓

Сана: «__» _____ 20__ й.

БАНК ХИЗМАТ БЕЛГИЛАРИ

Хизмат ҳаракати/ қарори/ белгилари	Ходимнинг ФИШ	Имзо
Заявление принял(а)		
Metric	Result	
Removed duplicate paragraphs	110	
Removed extra blank lines	550	
Key typo fixes	давомида; давобгарликка эга эмас	
Target reduction	≈30% (automatic pass + further manual compression recommended)	